

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Сайфутдинов Ш.С.

ТУРИЗМДА СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГ

Маъruzга матни

Тошкент - 2010

Маъruzалар матни «Халқаро туризм» факультет илмий кенгашида мухокама қилиниб, 2010 йил «_____» _____ даги -сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Сервис» кафедраси
мажлисида мухокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудири _____ доц. Хамидов О.Х.
(мажлиснинг № 1 – сонли баённомаси,
« » август 2010 й)

Такризчилар;

1. Алимов Қ.А. -ТДИУ «Сервис» кафедраси профессори.
2. Камилова Ф.К. - ТДИУ «Сервис» кафедраси профессори.

Тузувчилар:

© Сайфутдинов Ш.С. – Туризмда стратегик маркетинг фанидан маъruzалар матни. - Т.: ТДИУ, 2010. – 28 бет.

МУНДАРИЖА

I. Мавзу.	«Туризмда стратегик маркетинг» фанининг мақсад ва вазифалари.....	6
	1.1. Фанинг мақсад ва вазифалари.....	6
	1.2 Халқаро маркетингнинг асосий тушунчалари.....	6
	1.3. Туризм соҳасида стратегик маркетингдан фойдаланиш....	8
II. Мавзу	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг миссия ва мақсадини танлаш.....	13
	2.1. Миссия танлаш зарурияти ва моҳияти.....	13
	2.2. Маркетинг режасини ишлаб чиқишида миссиянинг аҳамияти.....	15
	2.3. Мақсад тушунчаси ва унинг кўринишлари.....	19
	2.4. Ташқи ва ички муҳитни таҳлил қилиш.....	20
III. Мавзу	Туристлик корхонанинг маркетинг стратегиясини аниқлашда СВОТ-таҳлил усулини қўллаш.....	23
	3.1. Таҳлил қилиш учун қўлланиладиган (SWOT) СВОТ-таҳлил усулининг мазмuni.....	23
	3.2. Имконият ва хавфлар матрицаларининг корхона стратегиясига таъсири.....	25
	3.3. Корхонанинг профилини тузиш усули.....	41
	3.4. Корхона профил жадвалини аниқ мисолда кўрсатиш....	42
IV. Мавзу	Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари асосида иқтисодий ислоҳатлар йўналиши ва стратегияларининг шаклланиши.....	48
	4.1. Ўзбекистон иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлар.....	48
	4.2. Бозор ислоҳотларини биринчи босқичидаги устувор йўналишлар	49
	4.3. Бозор ислоҳотларини иккинчи босқичидаги устувор йўналишлар	51
V. Мавзу	«Boston Consulting Group» компанияси тайёrlаган БКГ «ўсиш / улуш» матрицасини стратегик маркетингда қўллаш.....	56
	5.1. Хўжалик портфели матрицасининг модели.....	56
	5.2. «Ўсиш / улуш» БКГ матрицаси квадрантидаги пуфакчалар моҳияти.....	56
	5.3. Матрицанинг юқори ўнг катагига тушувчи компаниялар «Сўроқ белгилар» ёки «Қийин болалар» мазмuni.....	58

5.4. Матрицанинг юқори чап катагига тушувчи «Юлдузлар» мазмуни.....	59
5.5. Матрицанинг пастки чап катагига тушувчи «Софин сигирлар» мазмуни.....	60
5.6. Матрицанинг пастки унг катагига тушувчи «Итлар» мазмуни.....	60
VI. Мавзуу Туристлик корхонанинг стратегиясини танлаш.....	62
6.1. БКГ ни «Ўсиш/улуш» матрицасининг асосий афзаллары.....	62
6.2. Кучсизроқ, камроқ жозибадор сўроқ белгиларни инвестициялаш.....	62
6.3. Портфел таркибида итларнинг қолиш холатлари.....	63
6.4. Мезонларни фақатгина паст-юқори деб баҳолавчи тўрт катакли матрица	65
6.5. Туристлик корхонанинг стратегиясини шакллантиришда БКГ матрикаси	67
VII. Мавзуу Стратегик маркетингни аниқлашда «General Electric» компанияси томонидан яратилган «Тармоқ жозибадорлиги/рақобатдаги холат» матрицасининг афзаллиги	77
7.1. «Тармоқ жозибодорлиги/рақобатдаги холат» матрицасининг афзаллиги	77
7.2. Жозибадорликни барча омилларини аниқ баҳолаш.....	78
7.4. Кучлар/рақобат ўрнини баҳолаш омиллари	79
7.5. Жозибадорлик/рақобатдаги ўрни матрицасининг таҳлили.....	80
VIII. Мавзуу Туризм корхоналарида инновацион стратегияларни танлаш.....	86
8.1. Туризмда инновацион стратегияларнинг моҳияти	86
8.2. Инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари ва туризм корхоналарининг инновацион стратегиялари	88
8.3. Туризмда инновацион дастурлар ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари ва уни амалга ошириш.....	89
8.4. Ўзбекистоннинг туризм соҳасида фойдаланадиган стандарт ва маҳсус дастурлар	91
IX. Мавзуу Туристлик фирмалар стратегиясини тайёрлаш хусусиятлари.....	95
9.1. Турфирмаларда ўтказилган сўров натижалари	95
9.2. Турфирма фаолиятининг асосий муаммолари	96
9.3. «Балхаш Тур» туристик фирмасининг асосий стратегиялари	99

X. Мавзу	Туристлик хизмат бозорининг ривожланиш стратегияси	102
10.1.	Туристлик хизмат бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари.....	102
10.2.	Туристлик хизмат бозори фаолиятининг мазмуни.....	103
10.3.	Туризм тараққиётининг негизидаги имкониятлар.....	105
10.4.	Яқин келажакда туризм хизматлар бозорининг ривожланиш стратегияси.....	108
XI. Мавзу	Хизматлар бозорида молиявий – инвестицион стратегияни шакллантириш.....	112
11.1.	Инвестиция тушунчасининг аҳамияти.....	112
11.2.	Молиявий – инвестицион стратегиянинг моҳияти.....	112
11.3.	Хизматлар бозорида электрон бизнеснинг моҳияти ва аҳамияти.....	116
11.4.	Туристик хизматлар бозорида электрон харид қилиш...	118
XII. Мавзу	Корхонанинг «маҳсулот–бозор» стратегиясини аниқлаш	121
12.1.	«Маҳсулот–бозор» матрицасининг турлари.....	121
12.2.	«Маҳсулот – бозор» стратегик имкониятининг синон баҳоси.....	122
12.3.	Маҳсулотлар, бозорлар, худудлар, корхона имкониятлари ва истеъмолчилар муаммолари ўртасидаги боғлиқликларини кўрсатувчи модель.....	127
XIII. Мавзу	Тадбиркорлик стратегиясини режалаштириш элементлари.....	129
13.1.	Тадбиркорлик фаолиятининг таркиби ва тузилиши	129
13.2.	Туризм соҳасида тадбиркорлик турлари.....	130
13.3.	Тадбиркорлик фаолиятини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишда стратегик режанинг аҳамияти.....	134
13.4.	Корхонанинг ички режалаштиришда энг муҳим элементлари.....	137
13.5.	Режалаштириш жараёнларидағи босқичлар	137

1. «ТУРИЗМДА СТАРАТЕГИК МАРКЕТИНГ» ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

- 1.1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
- 1.2. Халқаро маркетингнинг асосий тушунчалари
- 1.3. Туризм соҳасида стратегик маркетингдан фойдаланиш

1.1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.

«Туризмда стратегик маркетинг» фани бакалаврларга туризм соҳасида туристлик корхонанинг хизмат кўрсатиш жараёнида бозорнинг шаклланишини, ундаги турмаҳсулотларга булган талаб ва таклифни узгаришини, туризм даромадига таъсир этувчи омилларни, стратегик маркетинг тадқиқотларининг мухимлиги буйича назарий ва амалий билимларни ўргатади.

«Туризмда стратегик маркетинг» фанининг асосий мақсади туризм маркетологларига туристларга хизмат курсатиш ва турмаҳсулотларни сотиш билан боғлиқ булган иктсодий жараёнларни ва туризм бозорида баҳо сиёсати, маркетинг тадқиқотлари каби масалаларни ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар кўриб чиқилади:

- ◆ хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарнинг миссия ва мақсадини танлаш;
- ◆ туристлик корхонанинг стратегик маркетингини аниқлашда СВОТ-таҳлил усулини қўллаш;
- ◆ «Boston Consulting Group» БКГ компанияси тайёрлаган «ўсиш/улуш» матрицасини стратегик маркетингда қўллаш;
- ◆ стратегик маркетингни аниқлашда «General Electric» компанияси тамонидан яратилган «тармоқ жозибадорлиги/рақобатдаги холат» матрицасининг афзалиги;
- ◆ туристлик фирманинг инновацион стратегияси;
- ◆ туризм корхоналарида молиявий – инвестицион стратегияни шакллантириш;
- ◆ тадбиркорлик стратегиясини режалаштириш элементлари;
- ◆ хизмат кўрсатиш соҳасида бозорнинг шаклланиши, ундаги турмаҳсулотларга булган талаб ва таклифни узгариши;

1.2. Халқаро маркетингнинг асосий тушунчалари

Кундалик ҳаётда рўй берадиган ўзгаришлар суръати доимий тарзда ўсиб бормокда. Бугун кечадан, эрта эса бугундан анча фарқ қиласди. Анъанавий бизнес стратегияларнинг самарадорлиги ҳам пасайиб бормоқда, шундай экан янги стратегияларни ишлаб чиқиши талаб қилинади. Келажакда ҳам муваффақиятли иш юритишни кўзлаган фирмалар қуйидаги учта ҳолатга ўз эътиборларини қаратишлари лозим бўлади:

- барча фаолият турлари ва ҳар бир кишининг ҳаётига нисбатан глобал кучлар таъсирининг кучайиб бориши;
- етакчи технологияларнинг ривожланиши;
- иқтисодиёт секторида бошқарувдан воз кечиш тенденциясининг сақланиб қолиши.

Буларнинг барчаси бизнес компанияларга янги, чекланмаган истиқболларни очиб беради. Маркетинг нима ва ушбу муаммоларга уни қандай дахли бор?

Биринчи навбатда маркетинг инсоний ва ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш ва қондириш имконини беради. **Маркетингнинг энг қисқа таърифларидан бири қўйидагича: «Маркетинг – бу фирмага фойда келтирган ҳолда инсонлар эҳтиёжини қондиришдир».**

Маркетинг (инглизча market бозор, савдо) – бу эҳтиёжларни яхшироқ қондириш ва фойда олиш мақсадида, товарларни бозорларда сотиш, талабни шакллантириш ва товарлар савдосини рағбатлантириш, айрибошлишни ривожлантириш ва тезлаштириш мақсадида амалга ошириладиган товарлар, хизматлар кенг микёсли фаолият туридир.

Умумий кўринишда, маркетинг қўйидаги турларни ўз ичига олади:

- товарни ёки хизматни ишлаб чиқиши (сотилаётган товар турини аниқлаш ва уларнинг тафсифларини белгилаш);
- бозор тахлили (бозорлар тақсимоти, устувор бозорларни ажратиш, бозорни сегментлаш);
- нарх стратегияси ва сиёсати;
- реклама;

Маркетингнинг қўйидаги турлари тавсифи халқаро маркетинг мақсадларига нисбатан мос келади:

- дифференциациялашган, бозорнинг бир неча сегментидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида таклиф билан чиқишига мўлжалланган;
- конверсиявий, салбий (манфий) талабни енгиб ўтиш учун шароит яратувчи;
- концентрациялашган, бутун хатти -ҳаракатларни; муайян алоҳида бозорга қаратувчи;
- оммавий истеъмол товарларига нисбатан қўлланиладиган;
- қаршилик қилувчи, айрим товар ва хизматларга бўлган норационал ва иррационал талаб таъсирини чегаралашга қаратилган;
- ривожлантирувчи, потенциал талабни реал талабга айлантиришга йўналтирилган;
- стратегик, фирманинг ички ва ташқи имкониятларини ўрганиш ва улардан фойдаланишга асосланган;
- мақсадли, бозорнинг аниқ сегментига йўналтирилган;
- нарх товарга нарх белгилашга асосланган.

Маркетингнинг асосий атамалари қўйидаги тушунчаларни ўз ичига олади: зарурият, эҳтиёж, талаб, товар, айрибошлиш, битим, бозор ва х.к.

Зарурият - инсон томонидан бирор-бир нарса етишмаётганлигини сезиш. Инсон заруриятлари хилма - хил ва мураккаб бўлади. Булар жисмоний зарурият; дам олишга бўлган зарурият; ижтимоий зарурият; шахсий

зарурият ва бошқалар. Улар инсон табиатининг бирламчи таркибий кисми саналади.

Инсон заруриятлари, эҳтиёжлари ва талаблари товарлар билан қондирилади. Товар деганда эҳтиёж ёки заруриятни қондира оладиган ва эътибор, жалб қилиш, фойдаланиш ёки истеъмол мақсадида бозорга таклиф қилинадиган нарса тушунилади. Товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарини сотиш учун харидорларни излаши, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаши ва ушбу эҳтиёжларни иложи борича тўлароқ қондирадиган товарларни ишлаб чиқаришлари лозим.

Эҳтиёж - хар бир инсоннинг маданий даражаси ва шахсиятига мувофиқ ўзига хос шаклни олган заруриятдир. Эҳтиёжларни қондириш мақсадида, туроператорлар, турмаҳсулотга эга бўлиш истагини пайдо қилиш учун мақсадли хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар.

Талаб - харид қобилияти билан таъминланган эҳтиёж.

Бозор - бу:

1. Товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш, савдо битимларни тузиш жойи;
2. Товар ва хизматларни айрибошлиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар, уларнинг натижасида талаб, таклиф ва нарх шаклланади.

Бозор тузилмаси турли хил бўлиб, уларнинг туркумланиши қуйидагicha:

- сотилаётган товар тури бўйича;
- худудларни эгаллаш миқёси бўйича;
- рақобат даражаси бўйича;
- қонунийлик даражаси бўйича.

1.3. Туризм соҳасида стратегик маркетингдан фойдаланиш

Узоқ муддатли режалар тузишнинг тамойили – ўтмишдан истиқболга, стратегик режалаштиришники эса – истиқболдан бугунга, шунинг учун ишлаб чиқилган стратегиялар истиқболнинг бугунги қарорларга таъсирини кўрсатади.

Стратегия (грекчадан «strategos») бевосита «алоҳида ваколатларга эга генерал санъати» маъносини, фуқаролик тилига таржима қилганда эса – юқори раҳбарлик санъати маъносини англатади.

Стратег – юқори ваколатларга эга бўлган раҳбар. И.Ансоффнинг таърифлашича, стратегия моҳиятига кўра ташкилот ўз фаолиятини бошқаришида қарор қабул қилишдаги қоидалар тўпламини ифодалайди.

Ҳозирги даврда корхона стратегияси унинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатларининг мақсади, воситалари ва чегараларини аниқлайди.

Фирма стратегияси - бу маълум мақсадга эришиш услубининг танланиши.

Стратегик маркетинг – бу истеъмолчилар, яъни (туристларни) эҳтиёж ва талабларини тизимли, доимий таҳлили бўлиб ҳисобланади, ҳамда турфирмаларга барқарор рақобат ҳолатини таъминловчи самарали маҳсулот ва хизматлар дастурини ишлаб чиқишидан иборат.

Стратегик маркетинг бозорнинг барча компонентлари ўзгариш динамикаси ва ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли истиқболли дастурларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Халқаро туристлик маркетинг стратегияси нафакат глобал (оламшумул) характерга эга балки алоҳида олинган давлат чегарасидан ҳам ўтиб кетади. Туризм бугун минтақа ва миллий чегара билмайдиган интернационал ходиса (феномен) бўлиб ҳисобланади.

Халқаро даражада стратегик маркетинг технологияси устувор йўналишларни ишлаб чиқиш жараёнида ва ҳалқаро маданий коммуникациялар ва иқтисодиёт омили сифатида, ўзок муддатли ҳалқаро туризмни ривожлантириш дастурларни тайёрлашда фойдаланилади. Шунингдек туризм индустриясини барқарор ривожлантиришни ягона стратегиясини ишлаб чиқишида ва миллий, минтақавий даражада туризмни ривожлантиришни режалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; атроф-мухит муҳофазаси бўйича; туристлар ҳуқукини таъминлаш; тарихий обидалар, тарихий мерослар; архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш; қўллаб-қувватлаш ва реставрация қилиш бўйича; туризм соҳасида маълумотларни такомиллаштириш бўйича ва х.к.)

Туризм соҳасида маркетинг тушунчаси

Турфирма даражасида маркетинг ривожлантириш стратегисини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади, бозорда ўзини тутиш ва фаолият кўрсатиши идеологияси, бозорни тадқиқ қилиш инструменти, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш усули, бозорда турмаҳсулотни силжиши ва сотишни ташкил этиш усули, нарх сиёсатини белгилаш бўлиб ҳисобланади.

Маркетинг стратегиясини ривожлантириш зарурияти туристлик соҳада бир нечта ҳолатлар билан белгиланади. Турфирмани барча хизматлар фаолиятини “бозорга” йўналтириш замонавий туризм индустриясини ривожлантиришда етакчи жаҳон тенденциси бўлиб ҳисобланади. Маркетинг туристлик маҳсулотга потенциал ёки реал талабни баҳолашга, идентификация қилишга имконият яратади ва шунга мос равишда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, силжиш ва сотиш бўйича харакатлар тизимини амалга оширади. Амал қилаётган фаолиятдаги сегментларни кенгайтириш ва янги сотиш бозорларини ахтариб топиш тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишига, тур маҳсулотни сотишни барқарорлаштиришга ва мустаҳкам фойда олишга имконият тўғдиради.

Туризм соҳасида стратегик маркетинг технологиясини ривожлантириш ва жорий қилишда объектив ва субъектив характерга эга бўлган омиллар тўсқинлик қиласиди. Булар қаторига маркетинг дастурларини юқори баҳога эга эканлиги, турфирмаларни маркетинг тадбирларга маблағ ажратишга тайёр эмаслиги, чунки бу жараён ҳар доим ҳам тезда ўзини оқламайди ва бевосита фойданни ваъда қилмайди, фирма раҳбарияти томонидан маркетинга салбий муносабат, янги технологиялар ва билимлар хажмини ўзлаштиришга интилмаслик, бегона тажрибани кўчириб олиш ёки ишлаб чиқариш маркетинги технологиясини механик равишда алмаштириш натижасида маркетинг дастурларининг паст натижа бериш ҳолатлари киради.

Туристлик соҳада маркетинг стратегиясидан фойдаланишни долзарблиги уни мураккаблиги ва кўп функциялигидадир. Бундан ташқари, маркетинг технологияларига эга бўлиш туристлик бозорда юзага келган вазият билан боғлиқ ўзига хос аҳамият касб этади. Бугунги кунда бозорда тур фирмани барқарор мувваффақияти узок муддатли истиқболларни аниқлаш ва исталган макро ва микро мухитларни ўзгаришда унинг яшавчанлик фаолият қўрсатиш учун шарт шароитларни ишлаб чиқишдан иборат.

Туризм маркетингининг мақсади – мижозларга хизмат қўрсатиш ва улар эҳтиёжини қондириш бўйича фойда олиб келувчи ишлардан иборат. Машхур “Шератон” отел тармоғи Президенти таъкидлаганидек: «Бизнинг мақсадимиз мижозларга хизмат қўрсатиш ва уларни эҳтиёжини қондириш бўйича фойда келтирувчи ишлардир. Шу нуқтаи назардан маркетинг аниқ ифодаланган вазифа учун хизмат қиласи: қандай қилиб барчадан мувваффиятлироқ фаолият қўрсатиш мумкин? деган саволга жавоб беради».

Маркетинг стратегиясини танлаш

Маркетинг тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш маркетингни бошқариш тизимини талаб қиласи. Бу ўз навбатида стратегик ва жорий режалаштиришдан иборат бўлади. Маркетинг режалаштириш бошқаришни ташкил этиш ва назоратни ўз ичига олади.

Маркетинг стратегияси — бу қўйилган мақсадларга эришиш бўйича маркетинг йўналишлари ва айрим тадбирларини тасвирловчи, узок ва ўрта муддатли принципial қарорлардир.

Стратегия — бу рақобат устунликларини корхона натижаларига айлантириш бўйича тадбирлар тизимиdir.

Маркетинг стратегиясини танлаш ички ва ташки мухит шартлари билан чекланган бўлиб, уларнинг асосийлари қўйдагилар:

- бозорнинг макондаги жойи(локал, минтақавий, миллий, халқаро);
- бозорни ўзлаштириш даражаси (эски, турдош, ялпи бозор);
- бозорни қайта ишлаш ҳажми (бир сегмент, бир неча сегмент, бутун бозор);
- бозорни қайта ишлаш усули (дифференциацияланган, дифференциациялашмаган);
- маркетингнинг муайян воситасида мужассамланиш (нарх, сифат);
- бирламчи мақсад (бозор улуши, рентабеллик);
- рақобатдошларга муносабат (агрессив, нейтрал);
- кооперацияга муносабат (мумкин, мумкин эмас);
- ўсиш суръатларига муносабат (тез, аста-секин, ноллик, манфий);
- инновацияларга муносабат (биринчилардан бўлиб, имитация).

Фирма одатда, бир неча маркетинг стратегияларини қўллаши мумкин. Танлов жараёнида устунликларни зарур бозор шароитларини, хизмат қўрсатишни ва бошқаришни ташкил этишга бўлган талабларни барқарорсизлик омилларини ҳисобга олиш лозим. Ушбу омиллар бўйича турли хил стратегиялар 1.1. жадвалда такқосланган.

Жадвал 1.1.

Турли хил маркетинг стратегияларини таққослаш

Стратегия	Устунлик	Бозор шароитлари	Ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш	Барқарорсиз ликка олиб келувчи омиллар
Махсулот таннахини пасайиши	Сотувлар ҳажмини ўсиши, фойданинг кўпайиши, кириш тўсикларининг ўсиши, таъминот нархлари ошгандаги қўшимча захиралар	Бозордаги катта улуш, маҳсулотга нарх бўйича эластик талаб, нарх рақобати, тармоқдаги маҳсулот стандартлаштирилган	Ишлаб чиқаришнинг оптимал ўлчами, юқори даражадаги технологик тайёргарлик, маҳсулот таннахининг қаттиқ назорати	Технологик янгиликлар, рақобатдошлар томонидан ўхшатишлар, талабдаги ўзгаришлар, янги маҳсулотлар
Махсулот дифференциацияси	Сотувлар ҳажмини ўсиши, фойданинг кўпайиши, кириш тўсикларининг ўсиши, таъминот нархлари ошгандаги қўшимча захиралар	Товарнинг фарқли томонлари тушунарли ва истеъмолчилар томонидан кадрланади, рақобат асосан нархга боғлиқ эмас, дифференциация стратегияси тармоқдаги кам сонли фирмалар томонидан қўлланилади	Ишлаб чиқариш эгилувчанлигининг, юқори даражадаги конструкторлик тайёргарлигининг мавжуддиги, тажрибавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, кучли маркетинг хизмати	Товар имиджини яратишга юқори ҳаражатлар нархлар ошиши, рақобатдошлар томонидан ўхшатишлар
Бозорни сегментлаш	Сотувлар ҳажмини ўсиши, қушимча фойда олиш, муайян сегментга мажмууний хизмат кўрсатиши	Аниқ белгиланган истеъмолчилар гурухлари, рақобатдошлар сегментларда ихтисослашувдан фойдаланмайдилар	Эгилувчан ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг майда сериялик тури	Аналогик товарларга нархларнинг пасайиши рақобатдошлар сегментининг бир қисмигагина ўз эътиборини қаратадилар
Бозор эҳтиёжларига тезда жавоб қайтариш	Фойданинг ўсиши, мижозлар заруриятларини ҳисобга оладиган корхона имиджини яратиш	Маҳсулотга бўлган талаб ноэластик, кириш ва чиқиш тўсикларининг пастлиги тўсиклари, кам сонли рақобат-	Юқори рентабелли ва қисқа муддатли маҳсулотларга йўналтирилган маркетинг хизмати	Юқори умумий ҳаражатлар, ташки мухит барқарорсизлиги банкрот бўлиш эҳтимолининг

		дошлар, бозор барқарорсизлиги		юқорилиги
Янгиликларни киритиши	Монопол нархлар хисобига юқори фойда олиш, тармоққа киришни ёпиб кўйищ, янги- ликларни киритувчи имиджни яратиш	Ўхшаш маҳсулотлар йўқлиги, янгиликларга бўлган талаб мавжудлиги	Ходимларни юқори илмий- техник малакаси, бошқарувнинг матрициали тузилмаси, бизнеснинг вен- чурли ташкил етилиши	Молиялашти- ришнинг катта хажмлари, банкрот бўлиш эҳтимолининг юқорилиги, ракобатдошлар томонидан янгиликлар киритишининг ўхашлиги

Таянч сўз ва иборалар: Туризмда стратегик маркетинг, туризм, стратегия, инновацион халқаро маркетинг, маркетинг, нарх стратегияси, реклама, бозор таҳлили, зарурият, эҳтиёж, талаб, бозор, стратегия, фирма стратегияси, стратегик маркетинг, турфирма, бозорни сегментлаш.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Фаннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Туризм соҳасида маркетинг тушунчаси нимани англатади?
3. Туризмда стратегик маркетинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?
4. Туризм соҳасида стратегик маркетингни ривожлантириш зарурияти қандай холатлар билан белгиланади?
5. Маркетинг стратегиясини танлаш қандай амалга оширилади?
6. Туризм соҳасида маркетингни ривожлантиришда қандай тўсқинлик қилувчи объектив ва субъектив омиллар мавжуд?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
3. Камилова Ф.К. – «Халқаро туризм бозори» ўкув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
4. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
5. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Растов н.Д. 2007.
6. Тухлиев И.С. Стратегическое планирование. Учеб. пособие Т.; 2004.
7. Карриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
8. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009

9. Интернет сайлари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>

2. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МИССИЯ ВА МАҚСАДИНИ ТАНЛАШ

Режа:

- 2.1. Миссия танлаш зарурияти ва моҳияти
- 2.2. Маркетинг режасини ишлаб чиқишида миссиянинг аҳамияти
- 2.3. Мақсад тушунчаси ва унинг кўринишлари
- 2.4. Ташқи муҳитни таҳлил қилиш

2.1. Миссия танлаш зарурияти ва моҳияти

Миссия ташкилий тизимнинг моҳият ва ҳолатини акс эттиради, бирор мақсадга қаратилган вазифани аниқлайди, стратегик мақсадларни тадқиқ қилиш учун база бўлиб хизмат қиласди. Ташкилий тизим вазифасида, унинг стратегик курсатмаларида ташкилий тизим ҳолати ва ташқи муҳитнинг тахмин қилинган ривожланишига кўра ҳаракат қилишнинг асосий қоидалари мустаҳкамланади.


Миссия ва унинг мақсадга йўналтирилганлигини амалга оширишни юкори – макродаражада аниқлаш ўта қийин ҳисобланади. Аввало қўйидагиларни аниқлаб олиш керак: макродаражада қабул қилинган ҳаракатлар нимага йўналтирилган ва улар қандай миссияни кўзлади? Мамлакатнинг макродаражадаги миссияси умуммиллий мақсадларга мос келадиган миллий ғояни ривожлантиришдан иборат.

Мутсақил мамлакатимизда миллий ғоя сифатида «Ўзбекистон-келажаги буюк мамлакат» деган ғоя шакилланмоқда.

Миссия танлаш зарурияти машхур раҳбарлар томонидан тизимлар назариясини ишлаб чиқишидан анча олдин тан олинган. Фойда маъносини яхши тушунувчи раҳбар, Генри Форд қўйидаги миссияни белгилайди: «Форд» бу кишиларга арzon транспортни етказиб бериш.

Миссия бу компания ўз мижозларининг у ёки бу талабларини қондирилишини ўз ичига олувчи компаниянинг мавжудликлигини ва ривожланиш моҳиятини белгилайди.

Муваффақиятли фаолият олиб борувчи компанияларда компания миссияси албатта унинг барча ходимларига – президентидан торитиб фаррошгача маълум ва ана шу нарса компаниянинг кескин рақобатда ҳам фаолият юритишига имкон беради.



Расм 2.1. Стратегик режалашнинг пирамида кўриниши.

Фирманинг миссияси – компаниянинг бизнесида фаолият йўналишини ва асосий қоидаларини аниқ ва лўнда аниқлаб беради. Яхши ўйлаб танланган миссия анча самарали бўлади, ходимларни ишга бўлган қизиқишини ва иштиёқини оширади, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантиради.

Миссия қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ишонч ва мавкеини эълон қилишни;
- фирма ўз фаолияти билан мижозларини маҳсулот ёки хизматга бўлган талабини, қониктира олишини;
- бозорга чиқиш тартибларини;
- фирмада фойдаланадиган технологияларни;
- молиялаштиришни, ўсиш сиёсатини, инновацияларни, марказлаштиришга бўлган муносабатни;
- ишчиларни, акционерларни, жамоат ташкилотларини, худудий ва хукумат органларини сиёсий талабларини ва эътиrozларини қониктиришни.

Миссия фирманинг мавқеини, якуний мақсадини ва нимага хизмат қилишини билдиради.

Миссияни шакллантиришда қуйидаги бешта саволга жавоб бериш талаб этилади:

1. *Киммиз?* (юридик мақом, ташкилот номи).
2. *Қанақа мақсад сари?* (ташкилот мавқеини ва олий мақсадини ҳамда фаолият йўналишидаги сифат ўзгариши).
3. *Ким учун?* (мақсадли гуруҳ ва унинг талаби).
4. *Қаерда?* (ташкилот фаолияти доирасидаги жўғрофий худуд).
5. *Нима қилмокдамиз?* (мақсадли гурухлар фаолиятини шакллантиришнинг умумий тури, талабнинг қондирилиши).

Миссияни ифодалаши қуйидагича бўлиши керак:

- Қисқача-учта гапдан ёки қирқта сўздан кўп бўлмаслиги керак;

- Аниқ ва тушунарли тилда ёзилган бўлади;

- Позитив шакллантирилган бўлади;

- Хозирги замон феъли билан ифодаланган бўлиши керак;

Миссиянинг қисқа вариантига академик Ю.П.Адлернинг сўзларини қўллаш тўлиқ мақсадга мувофиқ ҳисобланади: излаб топилган сўзлар ёрқин, янги, қизиқтирадиган, жозибадор бўлиши керак. Улар юракни ёқиши, қалбни забт этиши, энтузиазмли бўлиши зарур.

Ташкилот миссиясининг иккита функцияси мавжуд:

Ташқи функция:

Фирманинг «визит карточкаси» бўлиб, у қуйидагиларга хизмат қиласди;

- кенг жамоатчилик ташкилотларига;

- ҳомийларга;

- мижозларга;

- ОАВга;

- хукumat-тижорат тузилмаларига;

Ички функция:

- ходимларни умумий мақсад атрофига бирлаштириш;

- фирмада ишловчи ходимларни ўз онгини ошириш (мақсадни шакллантириш жамоат ишлари жараёнида қул келади);

- жорий ишлар доирасида фирманинг юқори мақсадларини унутмаслик.

2.2. Маркетинг режасини ишлаб чиқишида миссиянинг аҳамияти

Маркетинг режасини ишлаб чиқишининг биринчи босқичи – бу корхона миссиясини аниқлашдан иборатdir.

Миссия идеалида қуйидаги ҳолатлар акс эттирилган бўлиши керак:

- Сизнинг мижозларингиз кимлар (Сизнинг ташкилотингиз ким учун ишлайди?)
- Сиз қандай товарлар ва хизматларни таклиф этасиз (Сизнинг ташкилотингиз қанақа эҳтиёжларни қандай усул билан қондиради?)
- Сиз қарорлар қабул қилишда қандай қадриятларга таянасиз?
- Сиз келажакда нимага интиласиз (анча йил ўтгандан сўнг сиз ўз корхонанингизни қандай кўришни истайсиз?)

Миссия – фойда олишми?

“Кўп ҳолларда тадбиркорларга сизнинг корхонанингизни асосий миссияси нима деб берилган саволларга улар нима деб жавоб берадилар?” Тўғри улар “фойда (даромад) олиш” деб жавоб берадилар.

Лекин, ундан эмас. Фойда олиш нимадандир молиявий мақсадларда амалга оширилади, корхонани яратишга ундан сабаблардан биридир, сизнинг бош ҳисобчингизни ақидасидир, лекин бу корхона миссияси эмас.

Маълумотларда қайд қилинган тижорат корхонасини таърифини бир эсга келтиринг. “Тижорат ташкилотлари – бу ўз фаолиятини асосий мақсади сифатида фойда олишга йўналтирилган ташкилотлар ҳисобланади. Натижада, сизнинг корхонанингизни миссияси фойда олиш деб сиз тижорат ташкилотингизни ортиқча яна бир бор тасдиқляпсиз.

Бундай миссия сизни қандай соҳада ишлашингизни, ким учун фаолият кўрсатишингизни рақобатчилардан қандай фарқ қилишингизни белгиламайди, у сизга ўз фаолиятингизни режалаштиришда ҳам ёрдам бермайди. Миссияни бундай таърифлаш сизнинг фаолиятингизни тула ифодаламайди. Демак, у амал қилиш хуқуқига эга эмас.

Хулоса шуки фойда олиш мулкдорни ва корхона раҳбарини мақсади бўлиши мумкин, миссия эса бу фойдани қандай усул билан олишини белгилайди. Шу тарзда, фойда олиш – миссияга эришишининг ҳамкори бўлиши мумкин ва унинг маҳсулидир.

Бажарилмайдиган (эришиб бўлмайдиган) миссия.

Шундай қилиб, биз фойда олиш корхона миссияси бўла олмайди деган холосага келдик. Корхона миссияси ўзига хос маёқ сифатида хизмат қиласиди. Унинг заминида бизнесингизнинг энг қулай шароитларда сизни узоқ келажакда эришишингиз мумкин бўлган вазиятингиз ётади.

Корхонани яқин ўн йилликдаги тараққиёт йўналишларини белгиловчи “эришиб бўлмайдиган орзу”га етишишни идеал тасаввурини акс эттирувчи миссия тўғрисидаги фикрлар янада муваффақиятли ҳисобланади.

Бошқача сўзлар билан айтганда, миссия жозибадор, аммо амалда эришиб бўлмайдиган бўлиши керак. Бу ерда куйидаги принцип қўйл келади: агар сиз ўз олдингизга юқори мақсадни кўйган бўлсангиз, унда бунга эришиш учун улкан ҳаракатлар қилиш, барча кучларни сафарбар қилиш талаб этилади. Аммо, сиз қўйилган мақсадга эриша олмасангизда, унга мазмун жиҳатидан анча яқинлашасиз. Агар сиз қояни забт эта олмасангизда, сиз барбири тепарокда бўлган рақибингиздан анча юқорига қўтарилиган бўласиз.

Етакчилар миссияси.

Миссия тўғрисида сизда кам бўлсада тасаввурлар шаклланди . Сизга янада тушунарли бўлиши учун йирик халқаро компаниялар миссияси билан танишиб чиқинг:

№	Ташкилотнинг номи	Ташкилотнинг миссияси
1.	Polaroid (бир зумда суръатга олиш учун камералар ва рақамли камера ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири)	«Бизнинг мақсадимиз – кишиларни ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун, дўстлар ва яқинларга суратлар билан таасуротлар қолдириш ва ҳаётнинг кулгили, қайтарилемас лаҳзаларини қалбда сақлаш мақсадида рақамли аппаратуралар ва лаҳзали суръатлар бозорини тарақкий эттириш ҳамда такомиллаштиришдан иборат».
2.	American Red Cross (дунёнинг барча муҳтож бўлган кишиларига беғараз тиббий ёрдам кўрсатувчи америка ассоциацияси)	«Кишиларни ҳаёт тарзини яхшилаш, кишилар тўғрисида қайғуриш, уларни фожиали вазиятлардан қутилишга ёрдам беришдан» иборат.
3.	«Дарья» компанияси (музлатилган ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи Россия компанияси)	«Юкори сифатли, тез тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариб, истеъмолчиларни қимматли вақтларини сарфлашдан озод қилиш».
4.	«Nokia» компанияси	«Одамларни бирлаштириш ва яқинлаштириш бизнинг вазифамиз!»
5.	LG компанияси	«Ҳаёт гўзал!»
6.	«ARMANTUR» туристлик компанияси	«Саёҳатни ташкил қилиш – санъати».
7.	«Asia Discovery travel» туристлик компанияси	«Бизнинг вазифа – саёҳатингизни шундай тайёрлаёмизки, унда сиз ўз уйингиздагидек ҳис қиласиз!»
8.	«Сам Тур» туристик фирмаси	Туристларни эҳтиёжларини максимал даражада қондириш
9.	«Турхавф» фирмаси	Биз сизга тўла хавфсизликни таъминлаймиз!
10.	“Мұхаббат” авиакассаси	Сизларга эркін парвоз тилаймиз!
11.	«Малика» меҳмонхона	Бизнинг меҳмонхонада ўз уйингиздагидек ҳис қилинг!
12.	Ҳамкорбанк банк	Биз сизнинг барча хизматларингизга тайёрмиз!
13.	Oriflame - косметика фирмаси	Биз билан табиийликни ҳис қилинг!
14.	«Sapfir» хусусий шифохона	Инсонларнинг соғлигини сақлаш бизнинг вазифамиз!
15.	Туроператорлик фирмаси	Олтин лаҳзаларни ҳис қилинг!
16.	“Шодиёна” ресторани	Шодлигингизга шодлик қўшайлик!
17.	“Нусса Дуа” меҳмонхонаси	Яхши хизмат яхши ҳордиқ гарови!
18.	Мебель ишлаб чиқариш фирмаси	Хонангиздаги шинамлик ва кўркамликни таъминлаймиз!

19.	“Тўхтаниёз Ота” колбаса ишлаб чиқариш фирмаси	Холлолик ва сифат бизнинг шиоримиз!
20.	“Дарракчи” газетаси	Бутун олам кафтдек намоён!
21.	“Мўжиза” ресторани	Ҳаётдан лаззатланинг!

Миссия нима учун керак?

Энди сиз миссия нима эканлигини биласиз. Бирданига “у нима учун керак?” деган савол туғилиши табиийдир. Лекин, биз миссиясиз шунча йиллар яхшигина ишлаб келдик. Миссия ишлаб чиқиш нимага керак бўлиб қолди? Иккала вазиятни ҳам: корхонада миссия мавжуд бўлган ва бўлмаган ҳолатни ҳам кўриб чиқамиз.

Демак, корхонада аниқ қайд қилинган миссияси йўқ. Бу нимани келтириб чиқаради?

- Номувофиқлик (келишмовчилик): бу ҳолатда корхонада тараққиётнинг ягона йўналиши мавжуд бўлмайди, турли лойиха ва дастурлар номувофиқ бўлса бир-бирини инкор этган ҳолатлар кузатилади.
- Режалаштиришдаги қийинчиликлар: агар сиз корхонангизни қандай йўналиш бўйича тараққий эттиришни билмасангиз режаларни тузиш қийин бўлади.
- Салбий нуфуз (обрў-эътиборни, имидж) ни шаклланиши (ҳам корхона ичida ва ундан ташқарида). Агар мижозларга, шерикларга ва ходимларга корхонани бозорда нима учун фаолият кўрсатиши, бу унинг мовқини тушишига натижада бу шериклар ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни секин-аста совуб кетишига олиб келиши мумкин. Ходимлар ўзларининг нима учун ишлаётганликларини тушунмасдан қониқмасликни ҳис этади ва ишни ўзгартириш истаги пайдо бўлади.

Миссия мавжуд бўлса!

Шу билан бирга аниқ ифодаланган ва корхонани барча ходимлари ўртасида тақсимланган миссия:

- корхонани мақсадларини белгилайди: у нима учун ташкил этилганлиги яққол тушунарли бўлиб қолади. Бу эса куч ва ресурсларни ҳавога (бекорга) совурмасдан асосий мақсадга эришиш учун тўпланишга имкон беради.
- бу мақсадга эришиш бўйича ходимларни ҳамкорликда меҳнат қилишга ундейди. Ходимларни ташкилотга нисбатан мойиллиги ортади, ташкилот принциплари ва қарашларини фарқловчи мустаҳкам жамоа шаклланади. Ходим нафақатгина иш ҳақи учун ишлайди, балки “ғоя учун” ҳам фаолият кўрсатади.
- режалаштиришга ёрдам беради: миссия стратегик ва тактик режаларни ишлаб чиқиш учун ҳисоблаш нуқтаси бўлиб хизмат қиласи; шу тарзда қарама-қарши мақсадлар бартараф этилади, ресурсларни йўқотиш ва зиддиятлар инкор этилади (йўқотилади).
- инвестицияларни жалб қилиш енгллашади: агар кредитлар конкрет қандай мақсадлар учун керакли тушунтирилса уни олиш доимо енгил бўлади. Ўзингизни кредитор ўрнига қўйиб кўринг: агар сиздан маблағ (пул)

сўрашса-ю, бунда нима учун кераклиги айтилмаса, аммо уни қайтаришга ваъда қилишса, сиз бу кишига ишонасизми? Балки, ишонмассиз? Ва аксинча, агар сиздан маблағни (кредитни) маълум мақсадлар учун кераклигини айтишса, сизни ўзингиз уни қайтариш эҳтимолини баҳолашингиз мумкин, унда сизни кредит беришга розилигингиз имконияти анча ошади.

- рақобатлардан фойдали фарқ қилишга имкон беради: миссияни шакллантириш – сизни компаниянгизни рақиб компаниялардан фарқ қилишингиз (табиийки ижобий томонга) ўйлаб кўриш ва ечиш учун яна бир маротаба яхши сабабдир.

2.3. Мақсад тушунчаси ва унинг кўринишлари

Агар миссия ташкилотнинг фаолият олиб бориши моҳиятини ифодаласа, у ҳолда ҳар дақиқада ташкилот харакат қиласидан конкрет асосий ҳолат, унинг мақсадлари кўринишида белгиланади. Бошқача айтганда, мақсадлар — бу ташкилотнинг алоҳида хусусиятларининг аниқ ҳолати, унинг учун керакли бўлган ютуқлар ва бу ютуқларга йўналтирадиган фаолият.

Мақсадлар фаолиятни режалаштиришнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади, мақсадлар ташкилий муносабатларни кўриш асосида ётади, асослаш тизими мақсадларга таянади, ниҳоят мақсадлар назорат жараёнида ва алоҳида ишчилар, бўлим ва ташкилот меҳнатининг натижасини баҳолашда саноқ боши ҳисобланади.

Эришиш учун талаб қилинадиган вақт даврига қараб мақсадлар узоқ муддатли ва қисқа муддатлига бўлинади. Асосан, мақсадларни ушбу 2 типга бўлиш асосида ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги билан боғлиқ мувакқат давр ётади. Ютуқлари ишлаб чиқариш циклининг охирига мўлжалланган мақсадлар - узоқ муддатли ҳисобланади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун турли тармоқларда турли вақт оралиқлари бўлиши керак. Бироқ, амалда одатда қисқа муддатли мақсадлар бўлиб, 1-2 йил давомида эришиладиган ва мос равишда, узоқ муддатли бўлиб, 3-5 йилдан кейин эришиладиган мақсадлар ҳисобланади.

Мақсадларни узоқ муддатли ва қисқа муддатлига бўлиши муҳим аҳамиятга эга, чунки бу мақсадлар моҳиятига кўра жиддий равища фарқланади. Узоқ муддатли мақсадлардан кўра анча конкретлаштириш ва деталлаштириш натижаси (ким, нима ва қачон бажариш керак) бу қисқа муддатли мақсадлар учун характерли. Баъзида, агар зарурият пайдо бўлса, узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар ўртасида яна оралиқ мақсадлар яъни ўрта муддатли деб аталувчи мақсадлар ҳам ўрнатилади.

Мақсадлар қўйши ўғли.

Тармоқ спецификаси, муҳит ҳолатининг ўзига хослиги, миссиянинг характеристи ва мақсадига қараб ҳар бир ташкилотда ташкилот параметрларининг тўплами, яъни ташкилот мақсади кўринишида пайдо бўладиган мақбул вазият

бўйича ҳам, ушбу параметрларнинг миқдорий баҳолари бўйича ҳам ўзига хос шахсий мақсадлари ташкил этилади.

Мақсадлар тўпламини қайд қилишдаги вазиятга қарамасдан, ташкилот ўзининг мақсадларини қўядиган 4 та соҳада ифодалаш лозим:

1. Ташкилот даромади.
2. Мижозлар билан ишлаш.
3. Ҳамкорларнинг талаб ва истаги.
4. Ижтимоий жавобгарлик.

1. Даромат соҳасида:

- фойда миқдори, рентабеллик, акциядаги даромад ва шу типдаги кўрсаткичларда акс этувчи сердаромадлик;
- бозор улуши, сотиш хажми, рақобатчига нисбатан бозор улуши, умумий сотиш хажмида алоҳида маҳсулотлар улуши каби кўрсаткичларда тавсифланувчи бозор ҳолати;
- маҳсулот бирлигига сарф қилинган харажатларда, материал хажмида, фойдали иш коэффициентида ишлаб чиқариш қувватининг бирлиги билан, вақт бирлигига ишлаб чиқарилувчи маҳсулот хажмида ва шу кабиларда ифодаланувчи унумдорлик;
- капитал структурасини характерловчи курсаткичларда, ташкилотдаги пул характеристида, капитал айланишининг қийматида ва хоказоларда тавсифланувчи молиявий ресурслар;
- қувватдан фойдаланганлик ўлчамига, техника бирлиги сонига ва шу кабиларга тегишли мақсад кўрсаткичларида ифодаланувчи ташкилот кудрати;
- янги асМавзу-ускуналарни характеристика келтириш муддати маҳсулот ишлаб чиқариш муддати ва хажми, янги маҳсулотни бозорга чиқариш муддати, маҳсулот сифати ва хоказо кўрсаткичларда тавсифланувчи ишлаб чиқиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва технологияларни янгилаш.

2. Мижозлар билан ишлаш соҳасида:

- мижозларга хизмат кўрсатиш тезлигига, харидорлар томонидан қилинган шикоятлар сонида ва шу кабиларда ифодаланувчи харидорлар билан фаолият.

3. Ҳодимлар билан ишлаш соҳасида:

- амалга ошириладиган топширикларда акс этувчи ташкилот ва бошқарувдаги узгаришларда;
- қолдирилган ишлар сони, кадрлар кўнимсизлигини, ишчилар малакасини оширишни ва хоказоларни акс эттирадиган кўрсаткичлар ёрдамида таърифланувчи меҳнат ресурслари.

4. Ижтимоий жавобгарлик соҳаси:

- хайр-саҳоват қўлами, эҳсон акцияларини ўтказиш муддати ва шу каби кўрсаткичлар билан таърифланувчи жамиятга ёрдам кўрсатиш.

2.4. Ташқи ва ички муҳитни таҳлил қилиш

Ўзининг мақсад ва миссиясини аниқлагандан сўнг раҳбар стратегик режалаштириш жараёнининг диагностик босқичини бошлиши керак. Биринчи қадам бўлиб ташқи муҳитни ўрганиш ҳисобланади раҳбарлар ташқи муҳитни учта параметр бўйича баҳолайдилар:


1. Жорий стратегиянинг турли жиҳатларига таъсир қилувчи ўзгаришларни баҳолаш.
2. Фирманинг жорий стратегиясига қандай факторлар таҳдид солишини аниқлаш.
3. Умумфирма мақсадларига эришиш учун қандай факторлар кўпроқ имкониятлар туғдиришини аниқлаш.

Ташқи муҳитни таҳлил қилиш турли натижалар олишга ёрдам беради. У ташкилотга имкониятларни башорат қилиш учун вақт беради, юз бериши мумкин бўлган таҳдидлар учун режа тузишга ва олдинги таҳдидларни ҳар қандай фойдали имкониятларга айлантира оладиган стратегияни ишлаб чиқишига вақт беради.

Стратегик режалаштириш жараёнида ушбу таҳдид ва имкониятларни баҳолаш нуқтаи назари бўйича ташқи муҳитни таҳлил қилишнинг тутган ўрни аслини олганда қўйидаги 3 та саволнинг жавобидан иборат бўлади:

1. Корхона ҳозир қандай ҳолатда?
2. Юқори раҳбарнинг фикри бўйича, корхона келажакда қандай ҳолатда бўлиши керак?
3. Корхона ҳозирги ҳолатидан бошқа, яъни раҳбар кўрмоқчи бўлган ҳолатга ўтиши учун раҳбар нима қилиши керак?

Корхона олдида турган таҳдид ва имкониятлар факторлари одатда етти хил бўлиши мумкин:



Таянч сўз ва иборалар: Хизмат кўрсатиш, миссия, маркетинг режаси, мақсад тушунчаси, ташқи мухит, баҳолаш, фирманинг миссияси, бозорга чиқиш, миссия идеали, тижорат ташкилотлари, етакчилар миссияси, ташкилот даромади, мижозлар билан ишлаш, ижтимоий жавобгарлик.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Миссия танлаш зарурияти ва моҳияти нимадан иборат?
2. Маркетинг режасини ишлаб чиқиша миссиянинг аҳамияти нимадан иборат?
3. Мақсад тушунчаси ва унинг кўринишилари нималардан иборат?
4. Ҳамкорларнинг талаби ва ижтимоий жавобгарлик соҳаларида мақсадлар нимани ифодалайди?
5. Ташқи мухитни таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Камилова Ф.К. – «Халқаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
3. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
4. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Растов н.Д. 2007.
5. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образования, МЭСИ – 2000.
6. Петров А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. Учебное пособие М.; 2001.
7. Тухлиев И.С. Стратегическое планирование. Учеб. пособие Т.; 2004.
8. Карриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
9. Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
10. Интернет сайtlари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - http://www.tourlib.columb.net.ua/Lib/Books_tourism/bogolubov.htm

3. ТУРИСТЛИК КОРХОНАНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ АНИҚЛАШДА СВОТ-ТАҲЛИЛ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ.

Режа:

- 3.1. Таҳлил қилиш учун қўлланиладиган (SWOT) СВОТ-таҳлил усулининг мазмуни
- 3.2. Имконият ва хавфлар матрицаларининг корхона стратегиясига таъсири
- 3.3. Корхонанинг профилини тузиш усули
- 3.4. Корхона профил жадвалини аниқ мисолда кўрсатиш.

3.1. Таҳлил қилиш учун қўлланиладиган (SWOT) СВОТ- таҳлил усулининг мазмуни

Корханани таҳлил қилиш учун қўлланиладиган СВОТ- таҳлил усули SWOT-(инглизча) куч (strength), кучсизлик (weakness), имкониятлар (opportunities) ва хавфлар (threats) ички ва ташқи муҳитни биргалиқда ўрганишни олиб бориш имконини берувчи кенг эътироф қилинган ёндашув ҳисобланади. СВОТ усулини қўллаш орқали корхонага хос бўлган кучлилик ва камчилик ўртасида ҳамда ташқи хавф ва имкониятлар ўртасида алоқа йўлларини ўрнатишга эришилади. СВОТ методологияси аввал кучли ва кучсиз томонларни аниқлашни, шунингдек, хавф ва имкониятларни ва ундан сўнг улар ўртасида корхона стратегиясини аниқ ифода қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган алоқа занжирини ўрнатишни мўлжаллайди.

Томпсон ва Стрикланд ташқи муҳит билан боғлик бўлган хавф ва имкониятлар рўйхатини, ҳамда корхонанинг кучли ва кучсиз томонлар рўйхатининг қўйидаги тахминий характеристикалар йиғиндисини таклиф қилишди.

Кучли жиҳатлар:

- чуқур билимга эгалик;
- муқобил молиявий ресурслар;
- юқори малака;
- харидорлардаги яхши фикр;
- бозорнинг машҳур пешқадами;
- корхона фаолиятининг функционал доирасида тадбиркор стратег;
- ишлаб чиқариш хажмини ўсишда иқтисод қилишга эга бўлиш;
- кучли рақобатчи тазиқидан ҳимояланиш (қаерда бўлса ҳам);
- кулай технология;

- ҳаражатлар доирасида афзаллик;
- рақобат доирасида афзаллик;
- инновацион қобилиятларни борлиги ва уларни ҳаётга тадбик қилиш имконияти;
- вақт билан синалган менежмент;

Кучсиз жиҳатлар:

- аниқ стратегик йўналишнинг йўқлиги;
- ёмонлашиб борувчи рақобатдаги ҳолат;
- эскирган жиҳоз;
- анча паст даромад, чунки;
- бошқариш қобилиятининг ва муаммоларни ҳал қилишда талантнинг етишмаслиги;
- айрим муҳим малака ва мутахассислик билим турларининг йўқлиги;
- стратегик жараёнларни бажарилишини ёмон кузатилиши;
- ички ишлаб чиқариш муаммоларидаги қийинчиликлар;
- рақобат тазиикига нисбатан заифлик;
- тадқикот ва ишлаб чиқиш соҳасида қолоқлик;
- жуда тор ишлаб чиқариш тизими;
- бозор ҳақида суст тасаввур;
- рақобат билан боғлиқ бўлган нуқсонлар;
- ўрта кўрсаткичдан паст бўлган маркетинг қобилияти;
- стратегияда зарур ўзгаришларни молиялаштира олмасилиги.

Имкониятлар:

- янги бозорларга ёки бозор сегментларига чиқиш (янги турлар);
- ишлаб чиқариш тизимини кенгайтириш (хизмат кўрсатиши тизимини кенгайтириш);
- ўзаро боғлиқ (туристлик) маҳсулотларда турли – туманликни ошириш;
- ўхшаш маҳсулотларни қўшиш (кўпайтириш);
- вертикал интеграция;
- энг яхши стратегия гурӯҳига ўтиш имконияти;
- рақобатчи фирмалар ўртасида устунлик;
- бозор ривожланишини жадаллаштириш.

Хавфлар:

- янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш имконияти;
- ўрнини босувчи маҳсулотлар сотилишининг ўсиши;
- бозор ривожланишининг секинлашиши;
- хукumatнинг номувофиқ сиёсати;

- ўсиб борувчи рақобатнинг тазиғи;
- ишчанлик циклининг сўниши;
- харидор ва етказиб берувчиларда савдолашиш кучининг ўсиши;
- харидорларнинг талаб ва дидининг ўзгариши;
- салбий демографик ўзгаришлар.

3.2. Имконият ва хавфлар матрицаларининг корхона стратегиясига таъсири

Корхона ушбу рўйхатнинг 4 та қисмини ҳар бирини ўзи турган аниқ вазиятни акс эттирувчи ички ва ташқи мухит таърифи билан тўлдириши мумкин.

Корхонанинг кучли ёки кучсиз томонларини шунингдек, хавф ва имкониятларини аниқ рўйхати тузилгандан сўнг улар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатиш босқичи бошланади. Ушбу алоқаларни ўрнатиш учун қуидаги кўринишга эга бўлган СВОТ матрицаси тузилади.

	Имкониятлар	Хавфлар
Кучли жиҳатлар	КИ майдони	КХ майдони
Кучсиз жиҳатлар	КсИ майдони	КсХ майдони

Чап томонда таҳлилнинг биринчи босқичида ташкилот жиҳатларининг барча кўрасаткичлари ёзилган 2 та блок (кучли жиҳатлар, кучсиз жиҳатлар) ажратилади. Матрицанинг юқори қисмида барча қўрсатилган имконият ва хавфлар ёзилган. яна 2 та блок (имкониятлар ва хавфлар) ажратилади. Блокларнинг кесишишида 4 та майдон юзага келади: куч ва имкониятлар(КИ); куч ва хавфлар (КХ); кучсизлик ва имкониятлар (КМ); кучсизлик ва хавфлар(КсХ);

Ҳар бир майдонда тадқиқотчи барча бўлиши мумкин бўлган жуфт комбинацияларни кўриб чикади ва улардан корхонанинг келажақдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиша ҳисобга олиниши керак бўлганларни ажратиб олади.

Куч ва имкониятлар майдонидан олинган жуфтликка нисбатан ташқи мухитда пайдо бўлган имкониятлардан сермаҳсул ишни олиб бориш учун ташкилотнинг кучли томонларидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.

Кучсизлик ва имкониятлар майдонида намоён бўлган жуфтликлар учун стратегия шундай тузилиши керакки, пайдо бўлган имкониятлар эвазига ташкилотда мавжуд кучсизликларни енгишга ҳаракат қилиш керак.

Агар жуфтлик куч ва хавфлар майдонида жойлашган бўлса, у ҳолда стратегия корхона кучини хавфларни йўқотиш учун фойдаланишга қаратилиши керак.

Ниҳоят, күчсизлик ва хавфлар майдонида жойлашган жуфтликлар учун ташкилот шундай стратегияни тузиши керакки, у ҳам күчсизликдан ҳалос бўлишига, ҳам таҳдид қилаётган хавфнинг олдини олишга ҳаракат қилишга имкон бериси керак.

Стратегияни ишлаб чиқаётганда шуни эсда тутиш керакки, имкониятлар ва хавфлар ўзаро қарама-қаршиликка ўтиши мумкин. Фойдаланилмаган имкониятлар хавфга айланиши мумкин, агар ундан рақибингиз самарали фойдаланса. Аксинча, муваффакиятли бартараф қилинган хавф, рақиблар айнан мана шу хавфни бартараф қила олмаган ҳолдагина корхона олдида қўшимча имкониятлар очиб бериси мумкин.

Имкониятлар матрицаси

СВОТ-таҳлил усули орқали ташкилот мухитини муваффакиятли таҳлил қилиш учун нафақат хавф ва имконимиятларни аниқлай олиш мухим, балки уларни мухимлик ва корхона стратегиясига таъсир этиш даражаси нуқтаи назари бўйича ҳам баҳолай билиш керак.

Имкониятларни баҳолаш учун ҳар бир аниқ имкониятни позициялаштириш усули қўлланилади имкониятлар матрицасида.

Имкониятлар матрицаси

Имкониятлардан фойдаланиш эҳтимоли	Таъсир даражаси		
	Кучли	Ўртача	Оз
Юқори	ЮК	ЮЎ	
Ўртача	УҚ		УО
Кам		КУ	КО

Матрица қўйидагича тузилади: юқорида горизонталда имкониятларнинг корхона фаолиятига таъсир даражаси жойлаштириллади (кучли, ўртача, оз); чапда вертикалда ташкитлотнинг имкониятдан фойдалана олиш эҳтимоли жойлаштириллади (юқори, ўртача, кам). Матрица ичida ҳосил бўлган 9 та имкониятлар майдони ташкилот учун турли аҳамиятга эга. ЮК, ЮЎ, ва ЎҚ майдонларига кирувчи имкониятлар корхона учун катта аҳамиятга эга ва уларни албатта қўллаш керак. ЎО, КЎ ва КО майдонларига кирувчи имкониятлар эса амалий жиҳатдан ташкилот эътиборига аризимайди. Қолган майдонларга кирувчи имкониятларни агар корхона етарли ресурсларга эга бўлса, қўллаш мумкин.

Хавфлар матрицаси

Бу каби матрица хавфларни баҳолаш учун тузилади. Юқорида горизонталига ташкилотда хавфларнинг амалга ошишига олиб келувчи юз бериси мумкин бўлган оқибатлар жойлаштириллади (вайронлик, танг ҳолат, оғир вазият, «енгил латлар»). Чапда вертикалига хавфнинг амалга ошиш эҳтимоли жойлаштириллади (юқори, ўртача, кам).

Хавфларнинг амалга ошиш эҳтимоли	Юз бериши мумкин бўлган оқибатлар			
	Вайронлик	Танг ҳолат	Оғир вазият	Енгил латлар
Юқори	ЮВ	ЮТ	ЮО	ЮЕ
Ўртача	УВ	УТ	УО	УЕ
Кам	КВ	КТ	КО	КЕ


ЮВ, ЮТ ва ЎВ майдонларига кирувчи хавфлар корхона учун катта таҳлика солади, ҳамда тезда ва албатта бартараф қилишни талаб килади. ЮО, ЎТ ва КВ майдонларида кирувчи хавфлар ҳам бошқарувнинг эътиборида доирасида бўлиши керак ва биринчи даражада бартараф қилиниши керак. КТ, ЎО ва ЮЕ майдонларида жойлашган хавфларга эса уларни бартараф қилиш учун эътибор ва масъулият билан ёндошиш талаб қилинади. Гарчи уларни биринчи даражада бартараф қилиниш вазифаси кўйилмаса ҳам, қолган майдорнларга кирувчи хавфлар ҳам корхона раҳбариятининг назар доирасидан чиқмаслиги керак.

Корхона фаолиятининг СВОТ таҳлили корхона фаолиятини такомиллаштириб бориш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки имкониятлар ва афзалликларини ўстириш ва қучайтириш керак, таҳдидлар ва камчиликларни камайтириб, уларнинг салбий таъсирини йўқотиш ёки ўз кучли томонларига айлантириш керак.


Қўйидаги мисолда СВОТ таҳлил матрицасининг кучсиз томонлар ва бериладиган имкониятлар туташган нуқталарида 25 та майдон ҳосил бўлади. Бундан эса корхонанинг кучсиз томонларини бартарф этиш учун бериладиган имкониятлардан қандай фойдаланиш стратегияни танлаш лозим бўлади.

Имкониятлар Кучсиз томонлар	Янги бозорга чиқиши. Бозорни кенгайтириш	Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш	Махсулотлар турини купайтириш	Бозорда маҳсулотга талабни ошиши	Инвестицион имкониятлар
Стратегиянинг юклиги ёки талаб доирасида ишлаб чиқилмаган стратегия	1.	2.	3.	4.	5.
Янги ракобатчиларни пайдо булиши	6.	7.	8.	9.	10.
Бозор хақида тасаввур юклиги ёки бозорни ёмон урганиш	11.	12.	13.	14.	15.
Ишлаб чиқаришда муаммолар. Кадрлар	16.	17.	18.	19.	20.


Етишмаслиги					
Бошқарувни ёмонлиги	21.	22.	23.	24.	25.




Корхонада режса бўлмаса, у корхона ҳаракатлана олмайди. Янги бозорга чиқиши учун эса шу бозорни ўрганган ҳолда шу ҳолатга мослаб стратегик режса ишлаб чиқиши керак. Стратегик режса тузишда бозорга чиқарилаётган товарларни сотилиши хажмини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.




Бу меҳмонхона Самарқанддаги меҳмонхоналар ичida энг машхур ва юқори даромадга эга ҳисобланади. Агар у меҳмонхонага инвестициялар киритилса, у инвестициялар эвазига меҳмонхонада янги хизмат турларини яратиши, кўрсатиладиган хизмат сифатини яхшилаш, рекламани янада кучайтириш стратегияни ишлаб чиқиши керак бўлади.




Маҳсулотларнинг турли-туманлигини оширишда, харидорларнинг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёж даражасини ҳисобга олиш жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга буни амалга ошириш учун маълум бир билим, тажриба ва аниқ бир стратегияга эга бўлиши керак. Бунинг учун эса шу товарнинг бозордаги ҳолатини, яъни товарга бўлган талаабни ўргангандо стратегик режсани ишлаб чиқиши керак.




Бозордаги маҳсулотларга талаб ошгандан сўнг, ҳар бир корхона ўз олдига маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишини мақсад қилиб қўяди. Аммо рақобатчилар мавжуд эканилигини ёддан чиқармаслик керак. Улар ҳам бозорда биз қатори ҳаракат




Пул кирилмоқчи бўлган шахс авваломбор корхона ҳолати билан яқиндан танишишга ҳаракат қиласди. Унинг молиявий ҳолатини пърганади, режсалари билан қизиқади ва келажакда корхонанинг ҳолати қандай бўлиши ҳақида тахминлар қилингандан кейин пулни қўйши ёки қўймасликни шунга қараб аниқлайди. Бундай ҳолатда стратегик режса мукаммал ва ишонарли бўлиши муҳим аҳамиятга эга.




Янги рақобатчиларни пайдо бўлиши каби факторларни ҳисобга олган ҳолда аниқ бир мақсадга эга бўулиши ва шу мақсадни амалга ошириш юлларини ишлаб чиқиши керак. Янги рақобатчилар пайдо бўлган ўйр пайтда янги бозорга чиқиши корхона учун энг яхши имкониятлардан биридир. Бу қулалийкдан фойдаланган ҳолда фирма ёки корхонани ўз ишини




Шу турдаги товарларга рақобатдои товарларнинг мавжудлиги, товарларнинг кўплиги уларни бозорда сотилишини секинлаштиради. Товар айланиши қанчалик секин бўлса, унда фойда шунчалик камаяди. Фойданинг камлиги ўз-ўзидан корхона фаолиятида бир қанча салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Агар товар таннархини камайтириб, боиқа рақобатдои товарлардан сифатлироқ қилиб чиқарса, шундагина товар ҳажмини кўпайтиши мумкин.



Шу турдои товарларга талаб бўлганда товар ишлаб чиқаришда унинг ассортиментини кўпайтирсан ҳаридорларда танлаш имконияти ошади ва шу фирманинг товарларига бўлган ҳаридорлардаги қарашлар яхши томонга ўзгаради ва бу товарнинг ҳаридоргирлигига сезиларли таъсир кўрсатади.



Бозорда рақобатчилар кўп, лекин бу шу товарга бўлган талабни ортиши билан қопланиб кетади, яъни бозорда қанча товар бўлса, товарларни барчаси ўзига яраши ўз ҳаридорини топади. Бундай ҳолатлардан фирма ёки корхона ўтган йиллардига кузатувларга асосланган ҳолда иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, ҳар бир чиқариладиган товарларни ўз мавсуми бўлади. Шу мавсумларни ҳисобга олиб товарларни шу мавсумда кўпайтиrsa фойда олиши имконияти каттароқ бўлади.



Корхонани ишлаб чиқариши молиялаштириши имконияти пайдо бўлади. Маҳсулот таннархини камайтириши учун чоратадбирлар қўллаши мумкин. Буларга кам чиқим билан ишлайдиган ишлаб чиқариши вёзиталари сотиб олиши мумкин, арzon хом-ашё захираларидан фойдаланиши имконини берадиган янгиликлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Шу билан бирга

**Бозор ҳақида
тасаввур йўқлиги
ёки
бозорни ёмон
ўрганиш**

11 ҲОЛАТ

**Янги бозорга
чиқиши. Бозорни
кенгайтириш**



Бозорни ўрганмай туриб, бир ишни бошлиши қийин. Бозорни ўрганмасдан бошланган ишнинг оқибати кўпчилик ҳолларда яхшилик билан тугамаган. Бу ҳолатда эса янги бозорга чиқиши имконияти пайдо бўлади, аммо у ерни яхши ўрганмай туриб у ерга товар олиб кириш бу жуда катта таваккалчилидир. Бу ҳолатда бозорни яхшилашиб ўрганиш ва у ҳақида яхши тасаввурга эга бўлиши, қанча товар кетиши ва қандай товарлар кетиши мумкин эканлиги ҳақидагимаълумотга эга бўлган ҳолда иш олиб борилса корхонани ривожланиши имконияти пайдо бўлади.

**Бозор ҳақида
тасаввур йўқлиги
ёки
бозорни ёмон
ўрганиш**

12 ҲОЛАТ

**Ишлаб чиқариш
ҳажмини ошириш**

Бозорни ўрганмасдан туриб ишлаб чиқариши ҳажмини ошириши бу жуда катта хатардир. Чунки бозор шу товарларни, балки умуман кўтармас. Агар бозорга чиқарилган товарлар сотилмаса, у ҳолда ишлаб чиқарувчи тадъиг аҳволда қолиши мумкин. Бу ҳолатдан чиқиши учун бозор талабини яхшилашиб ўрганиши керак. Қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганда сота олиши мумкин




³⁴

Бозорда маҳсулотларга бўлган талабни эшиштиш орқали бозор ҳақида озгина маълумотга эга бўлади. Бу ҳолда у қанча товар ишлаб чиқарса, у шунча миқдорда бозор талабига мос ҳолда сота олади. Бу ҳолатдан унумли фойдаланиши керак бўлади. Сабаби бу заифлик ҳолатидаги бозорни кам ўрганганлик ҳолатини ёнадиган ҳолатлардан бироридир. Албаттa бу ҳолат унчалик ҳам




Хавфлар Кучли томонлар	Янги рақобатчиларнинг пайдо булиш имконияти	Ўрнини босувчи маҳсулотларнинг сотилиши ўсиши	Хукуматнинг номувофиқ сиёсати	Ўсиб борувчи рақобатнинг тазиёти	Харидорларниң талаб ва дидининг ўзгариши
Чукур билимга эгалик	1.	2.	3.	4.	5.
Бозорнинг машхур пешқадами	6.	7.	8.	9.	10.

Ҳаражатлар доирасида афзаллик	11.	12.	13.	14.	15.
Ҳаридорларнинг яхши фикри	16.	17.	18.	18.	20.
Рақобат доирасида афзаллик	21.	22.	23.	24.	25.




Чуқур билимга эга ходимлари мавжуд корхона учун янги рақобатчилар унчаликхавф тўғдирмайди. Чунки ишлаб турган корхона ходимларининг билимлари амалиётда ҳам синалганнир. Янги пайдо бўлган рақобатчиларда камчиликлар бўлади албатта, чунки улар ишлаб турган корхоналардай бозор сегментини яхши билмайди. Лекин пайдо бўлган рақобатчига совуққонлик билан қарашиб керак эмас, чунки у рақобатчи.





Чуқур билимга эга бўлган корхона ишлаб чиқарган маҳсулот ўрнини босувчи маҳсулотлар бозорда сотилиши ўсиб кеса корхона учун қандайдир хавфлар тугдиради ёки бозор сегментини қайта ўрганиб чиқшига ва янги товарлар ишлаб чиқшига ундаиди. Ходимлар ўз билим даражасида ҳаракат қилиб янги товарлар ишлаб чиқмаса корхона ўз ўрнини йўқотади.



Хукуматнинг номувофиқ сиёсати корхона фаолиятига тўсатдан берилган зарба ҳисобланади. Ушибу ҳолатда корхона раҳбари ва ходимларнинг чуқур билимга эгалиги бундай ҳолатдан чиқиб кетишига ёрдам беради. Номувофиқ сиёсат корхонани булиниб ўз фаолиятини ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин.



Корхонага нисбатан рақобатчи тазиқи ўсиб борган ҳолатда рақобатчи корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини обдон ўрганиб унда бўлган камчиликларга нисбатан ўзида камчиликлар бор йўлигини ўрганиб бор булса уларни мумкин қадар тўғирлаб қўйиши лозим. Акс ҳолда ўзга корхоналар камчилигини ўрганиб ўз корхонасига бефарқ бўлса, ўзи шу рақобатда синии мумкин.



Бозорнинг машхур
пешқадами

7 ҲОЛАТ

Ўрнини босувчи
маҳсулотларнинг
сотилишини ўсиши



Бозорнинг машхур пешқадами бўлган корхона ишилаб чиқарган маҳсулот ўрнини босувчи маҳсулот бозорга чиқса ва унинг сотилиши даражаси ўssa унда корхона билиши керакки у ишилаб чиқарган маҳсулот ҳаридорларни зериктириб қўйган. Бунда у бозорга хилма-хил сифатли янгича дизайннаги маҳсулот чиқарса ўз пешқадамлигини ишилаб қолади. Акс ҳолда ўзи ишилаб турган пешқадамлигини ўзгаларга топширади.

Бозорнинг машхур
пешқадами


9 ҲОЛАТ

Ўсиб борувчи
рақобатнинг
тазиики

Бу ҳолатда бозорнинг пешқадами бўлган корхона ўзининг мавқийини қўлдан бой бермаслик учун рақобатчи корхоналар ҳақида маълумотлар йигиши учун кучли ва кучсиз тарафларини ўрганиб чиқиши ва ишилаб чиқаришни савиясига қараб товар ишилаб чиқариш лозим. Яънъ ишилаб чиқарилган товарлар ҳаридор талааб даражасида ва арzon бўлса янги рақбатчилардан ўзиб кетиши мумкин. Акс ҳолда корхонани каотга учраши ҳеч



Қулай янги технологиялар мавжуд пайтда янги рақобатчилар пайдо бўлса, укорхонага унчалик хавф тугдирмайди. Ҷунки корхонада имкониятлар қулай технологиялар мавжуддир. Лекин рақобатчиларга бефарқ бўлиши мумкин эмас. Рақобатчи корхона ўз корхонасини ўстиришига, бошқаларни синдиришига ҳаракат киласи.



3.3. Корхонанинг профилини тузиш усули

Корханани таҳлил қилишда хавфларни, имкониятларни, ташкилотнинг куч ва кучсизлигини ўрганиш усуллари билан бир қаторда профилни тузиш усули ҳам қўлланиши лозим. Ушбу усул алоҳида макромухитнинг, бевосита муҳитнинг ва ички муҳитнинг профилини тузиш учун қулай. Муҳит профилини тузиш усули ёрдамида ташкилот учун муҳитнинг алоҳида факторларининг нисбий аҳамиятини баҳолашга эришилади.

Корхонанинг профилини тузиш усули қўйидагидан иборат. Корхона профилининг жадвалига муҳитнинг алоҳида омиллари ёзилади. Ҳар бир факторни экспертиза қилиш тарзда баҳо берилади:

- шкала бўйича тармоқ учун аҳамиятлилик: 3 – катта, 2 – ўртача, 1 – суст;
- шкала бўйича корхонага таъсир қилиши: 3 – кучли, 2 – ўртача, 1 – кучсиз, 0 –таъсирнинг йўқлиги;

- шкала бўйича рақобатчилар мухитига таъсири: таъсири юқори –3, ўртача –2, йўқ – 0

Корхананинг профил жадвали

№	Мухит факторлари	Тармоқ учун аҳамиятлилиқ, А	Корхонага таъсири, В	Рақобатчилар мухитига таъсири, С	Мухимлилик даражаси, $D=A^*B^*C$
1.	Хорижий инвестиция	3	3	2	$D=3 \times 3 \times 2 = 18$
2.	Акцияларини сотиш				
3.	Янги технология ва усулларни қўллаш				

Кейин учала эксперт баҳолар бир-бирига кўпайтирилади ва корхона учун факторнинг мухимлилик даражасини кўпайтирувчи интеграль баҳо ҳосил бўлади. Бу баҳо бўйича раҳбарият мухит факторларининг қайсилари корхона учун зарур эканлигини, шунингдек, жиддий эътиборга лойиқлигини ва қандай факторлар камроқ эътиборга лойиқлигини хулоса қилиши мумкин.

Корхона таҳлили – бу ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиши учун жуда мухим ва мураккаб жараёндир. Мухитни билмасдан корхона мавжуд бўла олмаслиги муқаррар. Бироқ корхона жилови, эшкак ёки елкани йўқ қайик каби ўраб турган мухитда сузмайди. У ўзининг мақсадлари йўлида муваффақиятли силжишларни таъминлаш учун мухитни ўрганади.

3.4. Корхона профил жадвалини аниқ мисолда кўрсатиши

«Афросиёб – Палас» меҳмонхонаси фаолиятининг СВОТ – таҳлил қилиш матрицаси.


«Афросиёб–Палас» меҳмонхонаси Самарқанд шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, нафақат Самарқанддаги, балки Ўзбекистондаги энг катта меҳмонхоналардан бири ҳисобланади. Меҳмонхонада туристларга кўрсатиладиган хизмат турларининг кўпчилиги сифатли даражада, лекин шу қаторда меҳмонхонада ҳам баъзан камчиликлар учраб туради. Аста-секинлик билан янги рақобатчилар ҳам пайдо бўла бошлади, бундан эса ҳеч ҳам қўрқмаслик керак. Агар биз қўрқиб ортга чекинсак, рақобатчилар биздан ўзиб, бозорда пешқадамлик даражасига эриши мумкин. Щундай ҳолат рўй берганда ўзимизнинг энг самарали ва фойдали стратегик режамизни ишлаб чиқишимиз ва амалда қўллашимиз лозимдир.

Бунинг учун авалламбор «Афросиёб – Палас» меҳмонхонаси фаолиятининг таҳлил қилишда кўп омилларни хисобга олувчи ва энг мақбул деб топилган СВОТ матрицасидан фойдаланамиз. Меҳмонхонанинг кучли ёки кучсиз томонларини шунингдек, хавф ва имкониятларини аниқ рўйхати тузилгандан сўнг улар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатиш босқичи бошланади.

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар	Имкониятлар	Хавфлар
<ul style="list-style-type: none"> * Замонавий услубда жиҳозланган хоналар * Малакали бошқа – рув ва ишлаб чиқариш ходимлари * Янги ғояларнинг мавжудлиги ва уларни доимий қўллаб туриш * Меҳмонхонанинг бошқа ташкилотлар ва идоралар билан алоқалари * Бозорнинг машҳур пешқадами * Кўрсатиладиган хизматларга туристларнинг ижобий фикри * Шаҳарнинг марказида жойлашганилиги 	<ul style="list-style-type: none"> * Талаб доирасида ишиаеб чиқилмаган стратегия * Янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши * Меҳмонхона нархининг бошқа меҳмонхоналарга нисбатан баландлиги * Инновацион технологияларнинг етишмаслиги * Коммунал хизматларнинг сифатли даражада эмаслиги * Меҳмонхона номерларининг бандлигининг пастлиги * Меҳмонхона хизматларига талабнинг пастлиги 	<ul style="list-style-type: none"> * Бозорнинг каттароқ улушини эгаллаш * Чет эл инвестицияларининг киритилиши * Янги хизматлар турини кўпайтириш * Янги хизмат турларига талабни ошириш * Янги бозорларга чиқиш * Рекламани кучайтириш 	<ul style="list-style-type: none"> * Хизматларни сотиш хажмининг пастлиги * Кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши * Туристларнинг талаб ва дидларининг ўзгариши * Малакали кадр ва мутахассисларнинг етишмаслиги

Кучли ва кучсиз томонлар, истиқбол, яъни келажакдаги қутиладиган ходисалар матрицасида эса имкониятлар ва хавфлар кўрсаткичлари берилади. Биз бу кўрсаткичларга тегишли балл бериб, уларнинг профилини ҳосил қиласиз. Профилга қараб, «Афросиёб – Палас» меҳмонхонаси фаолиятини қайдаражада ривожланаётганини, унинг қўллаган стратегияси аниқ мўлжалга олиб борадими ёки йўқми билиб олсак бўлади.

Туристлик фирманинг кучли ва кучсиз томонларини ифодаловчи профил



Туристлик фирманинг хавфлар ва имкониятларини ифодаловчи профил



Мустақил назорат қилиш учун топшириқ:

Кўйидаги ўқув топшириғини бажариш учун 4 гурухга бўлининг:

1. Мустақил равишда сизларга маъқул бўлган 4 майдондан бирининг тегишли кўрсатгичларини ва хислатларини ёзиб олинг :
КИ (куч ва имкониятлар);
КХ (куч ва хавфлар);
КуИ (кучсизлик ва имкониятлар);
КуХ (кучсизлик ва хавфлар).
2. Ёзганларингизни гуриҳда мухакома қилинг ва биргаликда бўлиши мумкин бўлган жуфт комбинацияларни кўриб чиқинг ва улардан корхонанинг келажакдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиша ҳисобга олиниши керак бўлганларни ажратиб олинг.
3. Ушбу жуфт комбинацияларни жорий қилиниш усулини конкрет мисолда кўриб чиқинг
Гурухнинг ушбу мавзу бўйича билимларини ифодаловчи кўргазмали тақдимот тайёрланг.

Таянч сўз ва иборалар: Туристлик корхонанинг маркетинг стратегияси, СВОТ-таҳлил усули, Имконият ва хавфлар матрицалари, корхонанинг профили, кучли жиҳатлар, кучсиз жиҳатлар, имкониятлар, хавфлар. муҳит факторлари рақобатчилар муҳити, муҳимлилик даражаси, Корхона таҳлили, «Афросиёб – Палас» меҳмонхонаси.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Таҳлил қилиш учун қўлланиладиган (SWOT)- СВОТ усулининг мазмунини нимани ифодалайди?
2. Ўзаро алоқаларни белгиловчи СВОТ – таҳлил матрицасининг стратегия танлашдаги аҳамияти нимадан иборат?
3. Имконият ва хавфлар матрицаларининг ташкилот стратегиясига тъсири нимадан иборат?
4. Матрица ичida ҳосил бўлган 9 та имкониятлар майдони ташкилот учун қандай аҳамиятга эга?
5. Ўзаро алоқаларни белгиловчи СВОТ – таҳлил матрицасининг майдонларида ҳосил бўлган стратегиялар мазмунини ифодалаб беринг.
6. Корхонанинг профилини тузиш усули нимани ифодалайди?
7. Корхона профил жадвалини аниқ мисолда кўрсатинг?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009

2. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
3. Камилова Ф.К. – «Халқаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
4. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
5. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Растов н.Д. 2007.
6. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образование, МЭСИ – 2000.
7. Петросов А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. Учебное пособие М.; 2001.
8. Тухлиев И.С. Стратегическое планирование. Учеб. пособие Т.; 2004.
9. Қарриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
- 10.Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
- 11.Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
- 12.Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
- 13.Интернет сай tlari:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - http://www.tourlib.columb.net.ua/Lib/Books_tourism/bogolubov.htm

4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХАТЛАР ЙЎНАЛИШИ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

Режа:

- 4.1. Ўзбекистон иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлар
- 4.2. Бозор ислоҳотларини биринчи босқичидаги устувор йўналишлар
- 4.3. Бозор ислоҳотларини иккинчи босқичидаги устувор йўналишлар

4.1. Ўзбекистон иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлар

Стратегияларнинг шаклланиш асосларини макроиқтисодиёт даражасида Президент Ислом Каримовнинг қатор асарларида аниқ кўрсатилган бўлиб, бу ўз навбатида бўлажак тайёрланадиган стратегик режалар учун дастур вазифасини бажаради. Жумладан бу асарларида айтишларича биз ислоҳотлар стратегияси ва улар йўлини шакллантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишига ва амалга оширишига муваффақ бўлдик. Барча ислоҳ қилиш жараёнинг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Бу - фоят масъулиятли ва мураккаб масала. Умумий стратегияга эга бўлмай, пировард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислоҳ қилишнинг таъсирчан чора-тадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозир ислоҳ қилиш стратегиясинянг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қиласи. Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиетига утиш - эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувиdir.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш, миллий давлатчилигимизни барпо этиш, бунинг учун мустаҳкам моддий негиз

яратиш манфаатларини кўзлаб қўйидагилар иқтисодиётни ислоҳ, қилиш соҳасида стратегик мақсадлар қилиб белгиланди:

1. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шартшароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.
2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулқдан маҳрум бўлишига йўл қўймаслик, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.
3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хужалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиши, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.
4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чукур структуравий ўзгаришлар қилиш рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қушилиб бориш.
5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.
6. Стратегик мақсадларга изчиллик билан эришиб бориш ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидаги асосий устувор йўналишларни аниқ ажратиб олиш заруратини келтириб чиқарди. Бунда ғоят кескин муаммоларни яқин фурсатларда ҳал этишга ёрдам берадиган асосий бўгинларни топиш муҳим эди.

4.2. Бозор ислоҳотларини биринчи босқичидаги устувор йўналишлар

Бизнинг бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастуримиз устувор вазифаларни босқичма-босқич ҳам қилишига асосланади.

Биринчи босқич — тоталитар ўтмишдан ҳозирги, замонавий бозор муносабатларига ўтишга қаратилган чора-тадбирлар, занжиридаги бошланғич бўгиндир. Мазкур даврнинг хусусияти ҳам мураккаблиги ҳам ана шунда.

Биринчи босқичда ғоят муҳим ва биринчи даражали чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналишлар сифатида қўйидагилар илгари сурилди:

- ёкилги-энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш хажмларини ошириб бориш, шунинг ҳисобига республиканинг энергетика мустақиллигига эришиш;
- товарларни четдан келтириш ўрнига уларни ўзимизда ишлаб чиқарувчи

корхоналарни ривожлантириш асосида, бошқа минтақалардан келтириладиган халқ хўжалигини ва аҳоли турмушини таъминлайдиган ғоят муҳим маҳсулот турларига республиканинг қарамлигини камайтириш чораларини кўриш;

- қишлоқ хўжалик хом ашёсининг энг муҳим турларини (пахта, ипак, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни) янада тўла қайта ишлаш, енгил ва маҳаллий саноатнинг туташ ишлаб чиқаришларини — туқимачилик, ип йигириш, тикувчилик ва бошқа корхоналарни ривожлантириш; энг муҳим истеъмол молларини ишлаб чикқарадиган тармоқларни жадал ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулот ҳилини кўпайтириш, ош тузи, спирт, гугурт ва бошқа ўта камёб товарларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни бунёд этиш.

Кишлоқ, хўжалигидағи ислоҳот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўгини деб белгиланди.

Дехқончилик секторни ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозорга ўтиши стратегиясида ҳал қилувчи муаммолардандир. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги доимо амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳотлар марказида туради. Зеро бу бутун иқтисодиётимизнинг асоси дир. Бутун иқтисодий ислоҳотларимиз дастурининг юқорида кўрсатиб ўтилган асосий устувор йўналишлари билан бир қаторда, ислоҳотни амалга оширишнинг ҳамма босқичларида долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қанча умумий устуворликларни ҳам аниқ кўрсатиб ўтиш керак. Улар жамиятни янгилаш жараёнининг беистисно ҳамма йўналишларини қамраб олади. Умумий устуворликлар ислоҳот босқичларининг изчиллигини, унинг узлуксиз кечишини таъминлайди. Кўзланган ўзгаришлар муқаррар бўлиши учун шарт-шароит яратади.

Ислоҳотлар стратегиясини руёбга чиқаришда биз учун **умумий устуворлик**, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Ана шу чора-тадбирлар орасида қўйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

- республикада ижтимоий-сиёсий баркарорликнинг, фуқаролар орасида тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг ишончли кафолатларини таъминлаш;
- ижтимоий адолат қоидаларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг энг муҳтоҷ бўлган қатламлари — кексалар, ногиронлар, етимлар, кўп болали оиласлар ва уқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли воситасини яратиш;
- ижтимоий ёрдамни унга муҳтоҷ бўлган шахсларга бериш, бундай ёрдамнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини кучайтириш, нафақалар ва бошқа тўловлар тизимини аҳолининг реал даромадлари билан боғлаган ҳолда уйғунлаштириш ҳисобига ижтимоий ёрдамнинг таъсирчанлигини ошириш;
- аҳолининг энг муҳтоҷ қатламларини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ролини ошириш, кам таъминланган аҳоли

- қатламларини ижтимоий қўллаб-қўувватлашга хизмат қилувчи маҳсус жамгармалар фаолиятини кучайтириш учун шароит яратиш;
- меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда иш билан таъминлаш соҳасида фаол сиёsat юритиши, республиканинг иш кучи ортиқча бўлган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни устун даражада ривожлантириш ҳисобидан янги иш жойларини яратишни рағбатлантириш.
 - Яна бошқа умумий устуворликлар таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлашдан иборатдир. Ҳозир республика жамиятни ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичига изчил суратда қадам қўйди.

4.3. Бозор ислоҳотларини иккинчи босқичидаги устувор йўналишлар

Бозор ислоҳотларини иккинчи иккинчи босқичи — бу қонуниятли ва бизнинг бош стратегиямиздан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға томон илгарилаб бориш давридир. Бу жамиятимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини ислоҳ қилиш жараёнини кенг қамраб олиш давридир. Бу янада чуқур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар, етук бозор муносабатларини ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий мулқдорлари қатламини шакллантириш давридир.

Иккинчи бозор тизимларининг шаклланиши тугалланадиган давр бўлиб, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришни, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни қўзда тутади. У ёш давлатимизнинг иқтисодий тизимини мустаҳкамлашга, иқтисодий мустақилликка эришишга ҳамда миллий валютанинг муомаласи ва ички алмашинуви барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган. Бу шундан кейинги босқичларда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда қўшилиш, унда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун мустаҳкам негиз яратиладиган даврdir.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи мақсад-муддаоларидан келиб чиқсан ҳолда куч-ғайратларимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз керак булган асосий вазифалар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ лозим.

Биринчи ва, эҳтимолки, асосий вазифа давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказишдан иборат.

Бу ишнинг асосий моҳияти мулкларни чинакам мулқдорлар қўлига топширишни тезлаштиришдан, уларнинг эгаларида ҳақиқий хўжа-йинлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, кичик хусусий корхоналар ташкил қилишни рағбат-

лантириш ҳисобига ижтимоий ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг улушини ошириш зарур.

Ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги иккинчи энг мухим вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайишига бархам бериш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, ҳам корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришишдан иборат.

Бу эса ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва юксалтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши, ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришни назарда тутади. Шу нарсани аниқ-равshan англаб олиш зарур ўз ишлаб чиқаришимизни тиклаб олмай ва иқтисодиётни юксалтирмай туриб, цивилизациялашган бозор сари амалда илгарилаб бориш, ўз мустақиллигини, суверенитетини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиб қолиш, Ўзбекистоннинг кўп миллионли аҳолиси учун ишончли ижтимоий кафолатларни вужудга келтириш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш мумкин эмас.

Учинчи муҳим вазифа — миллий валюта сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Иқдисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислоҳотларни муваффақиятли амалга, оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамизни мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқдисодий ислоҳотларнинггина эмас, балки ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир. қачон миллий валюта кучли ва обрули бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади.

Унинг конвертациясига, қатъий валюталарга эркин суратда алмаштирилишига бутун чоралар билан эришмоқ лозим. Бунга эса пулнинг қадрсизланишига қарши таъсиран чораларни амалга ошириш, ўзимизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади.

Тўртинчи стратегик вазифа — иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, ҳом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Бундай таркибий ўзгаришларда республика учун энг асосий ҳисобланган тармоқларни, жумладан ёқилги-энергетика ва ғалла комплексларини ривожлантиришда иқтисодий мустаҳкилликни таъминлаш назарда тутилиши лозим. Шунингдек, бу ўзгаришлар республика иқтисодиёти учун устувор ҳисобланган, бой табиий, минерал ҳом- ашё, меҳнат ресурсларига асосланган ҳамда истиқболда халқаро ва давлатлараро меҳнат тақсимотида, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг мустаҳкам ўрин эгаллашини кафолатловчи ишлаб чиқаришларни илдам суръатлар билан ўстиришга қаратилиши лозим. Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартирмай туриб чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди.

Жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатга бардошлилигини ошириш мухим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун корхоналарни замонавий илғор технология, энг янги ускуналар, айниқса кичик ва ўрта корхоналар учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш талаб қилинади. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида мазкур масалага ғоятда катта аҳмият берилиб, қисқа муддат ичидаги ички бозорни тўлдириш учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кичик, ихчам технологияларни жорий Қилиш концепциясини ва миллий дастурини ишлаб чиқиши зарурлиги ғояси илгари сурилди.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонинг Ўзбекистон мусатақаллигининг 16 йиллигига бағишиланган қўшма мажлисдаги маъруzasида таъкидланганидек Республикаизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимиизда турган вазифларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳакида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даражага ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос мухим ўрнини эгаллайди.

Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларни шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991 – 2000 мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётida улкан из колдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд – ҳуқуқ тизими ва ижтимоий – гуманитар соҳаларни изчилислоҳ қилишини таъминлашда гоят мухим роль ўйнган давр бўлди.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимиз нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг мухим омили ва асосисни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимиизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи – энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа туради.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги

тўсиқларни бартараф этиш – буларнинг барчаси ислоҳотларни чуқурлаширишнинг ҳал қилувчи йўналиши хисобланади.

Айниқса, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ғоят мухим аҳамият касб этади. Бунинг негизини маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин раобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқиши ва **хизмат қўрсатилиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланнишини ташкил қиласди**. Шуни таъкидлаш керакки, мустқиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат қўрсатиш соҳаларининг улуши 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди.

Ҳозирги кунда малакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган, уларда жами иш билан банд ахолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётига етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаравонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг мухим омилига айлангани эътиборга сазавордир.

Ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз ҳалқининг тинчлиги ва фаравонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда.

Бу стратегия авваломбор тажрибада ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ўзгаришларни чуқурлашириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши ва жаҳон хўжалик тизимидан интеграциялашишига қаратилган йўлимизни бундан буён ҳам изчил давом эттиришини таъминлаши даркор.

Фақат ана шундайгина сиёсатгина ўз олдимизга қўйилган узоқ муддатли мақсад – муддаоларимизни - ўз олдимизга қўйилган узоқ муддатли мақсад – муддаоларимизни- Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин деб такидлади Президент Ислом Каримов ўз маърузаларида.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор ислоҳотларини биринчи босқичи, бозор ислоҳотларини иккинчи босқичи, устувор йўналишлар, макроиқтисодиёт, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, стратегик мақсадлар.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Стратегияларнинг шаклланиш асослари макроиктисодиёт даражасида Президентнинг кайси асарларида кўрсатилган ?
2. Ўзбекистон иқтисодиётни ислоҳ, қилиш соҳасида стратегик мақсадлар қилиб нималар белгиланди?
3. Бозор ислоҳотларини биринчи босқичда устувор йўналишлар сифатида нималар кўрсатилган?
4. Бозор ислоҳотларини иккинчи босқичда устувор йўналишлар сифатида нималар кўрсатилган ?
5. Умумий устуворликлар вазифалари ислоҳот босқичларининг вазифаларидан нимаси билан фарқланади?
6. Ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич 1991-2000 нималардан иборат бўлди?
7. Ислоҳот ва ўзгаришларни 2001 йилдан 2007 йилгacha бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич нималардан иборат бўлди ?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда Т.:Ўзбекистон.1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон, 1997 .
4. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2007 йил 23 май.

5. «BOSTON CONSULTING GROUP» КОМПАНИЯСИ ТАЙЁРЛАГАН БКГ «ҮСИШ/УЛУШ» МАТРИЦАСИНІ СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГДА ҚҰЛЛАШ.

Режа:

- 5.1. Хўжалик портфели матрицасининг модели
- 5.2. «Ўсиш / улуш» БКГ матрицаси квадрантидаги пуфакчалар моҳияти
- 5.3. Матрицанинг юқори ўнг катагига тушувчи компаниялар «Сўроқ белгилар» ёки «Қийин болалар» мазмуни
- 5.4. Матрицанинг юқори чап катагига тушувчи «Юлдузлар» мазмуни
- 5.5. Матрицанинг пастки чап катагига тушувчи «Софин сигирлар» мазмуни
- 5.6. Матрицанинг пастки унг катагига тушувчи «Итлар» мазмуни

5.1. Хўжалик портфели матрицасининг модели

Хўжалик портфели матрицаси-диверсифицерланган компания фаолиятининг (бизнесини) ҳар бир турдаги стратегик ҳолатини таққословчи икки ўлчамли модели ҳисобланади. Диверсифицерланган компания фаолияти турининг сифатини баҳолашда кенг тарқалган усулларидан бири бўлиб, хўжалик портфелининг матрицали таҳлили ҳисобланади.

Хўжалик портфели матрицаси диверсифицерланган компаниянинг ҳар бир таркибий тузилмасини стратегик ҳолатини таққослайдиган жадвалдан иборат бўлади .

Матрица стратегик ҳолатни ҳарактерловчи исталган жуфтлик кўрсаткичлар асосида тузилиши мумкин. Ўта аҳамиятли бўлиб тармоқ ўсиш суръатлари, бозор улуши, тармоқни узок муддатли жозибадорлиги, рақобатбардошлиги ва мазкур маҳсулотнинг ёки бозорнинг ривожланиш босқичи ҳисобланади. Одатда матрицанинг битта ўқи тармоқ жозибадорлигини ифодалайди, бошқаси эса унданги фаолиятнинг конкрет тури ҳолатини акс эттиради. Хўжалик портфели матрицасини З хили кенг қўлланилади – БКГ компанияни томонидан ишлаб чиқилган “ўсиш / улуш” матрицаси, General Electric компанияси томонидан яратилган тармоқ жозибадорлиги/рақобатдаги

холат матрицаси ва Hofer/A.D.Little тармоғининг ҳаётий цикли матрицаларидир.

5.2. «Ўсиш / улуш» БКГ матрицаси квадрантидаги пуфакчалар мөхијити


«Ўсиш / улуш» матрицаси.

БКГ матрицаси диверсифицерланган компания хўжалик бўлинмасини холатини тармоқ ўсиш суръати ва бозорнинг нисбий улуши курсатгичлари асосида таққослайди ва хулоса қилади.

Энг кўп қўлланиладиган тўрт квадрантдан ташкил топган меҳнат фаоллиги портфели матрицаси етакчи консалтинг компанияси бўлган Boston Consulting Group (БКГ) томонидан ишлаб чиқилган.

Чизмада мазкур матрица акс эттирилган. Ўқлар бўйича тармоқ ўсиш суръати ва бозорнинг нисбий улуши қайд қилинган. Ҳар бир хўжалик бўлинмаси пуфакчалар кўринишида акс эттирилган бўлиб, унинг ўлчами барча фаолият туридаги корхонанинг умумий фойдадаги улушини акс эттиради.

Бозорнинг нисбий улуши



БКГ нинг компания хўжалик портфелини “Ўсиш / улуш” матрицаси

Жадвалнинг чап қисмида жойлашган пуфакчалар ўз бозорида етакчи бўлган компанияларни тафсивлайди. Матрицани ўнг қисмида жойлашган пуфакчалар компанияни ўз тармоғида иккинчи даражали позицияни эгаллаганлигидан далолат беради. Етакчилардан уларни орқада қолиш

даражаси бозорни нисбий улушкини аниқлади. Бозорнинг нисбий улуси 0,1 бўлган кўрсаткич шундан далолат берадики, йирик рақобатчи эгаллаган улушнинг $\frac{1}{10}$ қисминигина эгаллаганлигини билдиради; 0,8-4/5, ёки мазкур улушнинг 80% ини эгаллаганлигини билдиради.

Компания хўжалик портфелини таҳлилига ихтисослаштирилган кўпгина эксперталар бозорни юқори ва паст нисбий улушлари ўртасидаги чегарани ўтказиш асосланмаган деб ҳисоблайдилар, чунки фақатгина ўз бозорларида етакчилик қилувчи бизнесгина жадвалнинг чап қисмига тушади. Улар чегарани 0,75-0,80 оралиғида ўрнатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар, чунки чап квадрантга ўртадан юқори даражада жойлашган (лекин, етакчи бўлмаса ҳам) кучли компаниялар ҳам тушиб қолиши мумкин, шу тарзда ўнг квадрантларга рақобатчиларга аниқ ютқазувчи ёки ўртачадан паст даражада жойлашган фирмалар ҳам тушиб колади.

Бозорнинг нисбий улуси компания рақиб кучларини ва фоизларда ифодаланган бозорни ҳақиқий улушга қараганда, бозордаги позициясини белгиловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

5.3. Матрицанинг юқори ўнг катагига тушувчи компаниялар «Сўроқ белгилар» ёки «Қийин болалар» квадрантларнинг мазмуни

Сўроқ белгилари ёки қийин болалар

“Ресурсларни эгалловчи” компаниялар бўлиб капитал айланмаси ва янги капитал қўйилмалари учун ўз фаолиятидан етарли даражада тушумларга эга бўлмаган компаниялар (хўжалик бўлинмалар) ҳисобланади.

Матрицанинг юқори ўнг катагига тушувчи компаниялар (хўжалик бўлинмалар)ни БКГ “сўроқ белгилари” ёки “қийин болалар” деб аталади. Юқори ўсиш суръатлари уларни тармоқ нуқтаи назаридан жозибадор қиласди. Лекин бозорнинг паст нисбий улуси шу савонни қўядики мазкур бўлинмалар янада самарали харакат қилувчи, йирикроқ рақобатчилар билан мувофақиятли курашга оладими, йўқми деган масалани қўйганлиги сабабли – “сўроқ белгилари” ёки “қийин болалар” деб юритилади.

Шу билан бирга “сўроқ белгилари” босқичидаги бизнес “ресурсларни эгалловчи” бўлганлиги сабабли мазкур бизнесни молиялаштиришга эҳтиёж юқори (тезда ўсиш ва янги товарларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш каттагина маблағларни талаб этганлиги сабабли), унинг даромадлар микдори эса паст бўлади. (ишлаб чиқариш доирасида иқтисод қилиш ва эгри тажриба самарасидан фойдаланиш имкониятлари чекланганлиги, бозордаги паст улуш қўринишида – натижада – фойдани янада паст даражасига эга бўлиши).

Тез ўсуви тармоқда “сўроқ белгиси / ресурсларни эгалловчи” босқичида фақатгина бизнес тармоқни юқори суръат ўсувига эришиш учун каттагина молиявий қўйилмаларини талаб қилиши мумкин; Агар олдига тармоқ етакчиси бўлишни мақсад қўйган бўлса, бозорни етарли даражада улушкини эгаллаши ва бозорни суръат ўсишига етишиш учун янада йирик ҳаражатларга эҳтиёж сезиш мумкин. “Ресурсларни эгалловчи” бўлиб ҳисобланувчи компаниялар учун

бундай фаолият йўналишини молиялаштириш арзийдими, йўқми деган масалани ҳал қилиши керак бўлади.

“Сўроқ белгиси”да қўйидаги стратегиялардан бирини танлаш лозим бўлади: ёки агрессив тарзда инвестициялаш ва “юлдуз”га айланиши, ёки ўз фаолиятини ўзгартириши ва ресурсларини бизнеснинг янада истиқболли соҳаларига ўтказиш талаб этилади.

БКГ шуни тасъкидлайдики, сўроқ белгиси босқичида хўжалик бўлинмалари учун иккита стратегик имкониятга амал қиласди:

1) тез ўсуви тармоқ имкониятларидан фойдаланишга қаратилган экспанция ва инвестицияни агрессив стратегияси

2) агар бозорда улушни эгаллаш ва қувватларни кенгайтиришга кетадиган харажатлар қўйиладиган мавжуд қайтимдан ошиб кетса ва молиявий таҳдид анчагина ортиб кетса қотиб қолиш стратегияси юзага келади.

Кучли, эгри тажриба самарасини тавсифловчи тармоқда жозибадор сўроқ белгиси учун мажбурий бўлиб тез ўсиш стратегиясини излаш мақсадга мувофиқдир. Бундай вазиятларда бозор улушкини кенгайтиришда юқори мувофақият келтиради, бу эса юқори бозор улуш ва янада каттароқ йиғилган ишлаб чиқариш тажрибасига ҳамда пастроқ харажатларига эга бўлган фирмалар билан рақобат қилиш имкониятини беради. Қанчалик бозорни юқори нисбий улушкига эга рақобатчиларни тўпланган тажрибаси юқори бўлса, шунчалик, харажатлар бўйича уларни афзалликлари кучли бўлади. Бундан БКГ шундай хулосага келади, қачонки “сўроқ белгиси” бозорни каттагина қисмини эгаллаши ва тезда ўсиш стратегиясини мувофиқиятли амалга оширмас экан, у йиғилган тажрибага teng бўлаги каби катта реализация ҳажмига эга бўлган фирмалар билан таққослаганда харажатлар бўйича рақобатбардош бўлишига эришишга умид қилмаса ҳам бўлади (эгри тажриба бўйича анча олға силжиши). Бундай ҳолатда қотиб қолиш узоқ муддатли альтернативни ягона имконияти бўлиб колади.

Сўроқ белгиси босқичида хўжалик бўлинмаларини бошқаришда корпарация стратегияси қўйидагилардир: хўжалик бўлинманинг имконияти бўлмаган ўта кучсизларини ёпиш, эгри тажриба бўйича етакчиларга етиб олиш, юқори салохиятли сўроқ белгиларини инвестициялашни кўчайтириш ва улардан юлдузлар бўлиши учун ўстиришга интилиш.

5.4. Матрицанинг юқори чап катагига тушувчи «Юлдузлар» квадрантининг мазмуни

Юлдузлар – бу компаниялар тез ривожланаётган тармоқларда кучли рақобат позициясига эга бўлади, корпарациянинг фойда ва даромадларини ўсишини юқори даражада таъминлайди ва ресурсларни эгалловчи бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Тез ўсуви тармоқларда бозорни юқори нисбий улушкига эга компаниялар (хўжалик бўлинмалари) БКГ жадвалида юлдузлар деб аталади, чунки улар янада кўпроқ фойда олишни ва ўсиш истиқболини ваъда қиласдилар. Тез ўсуви бозорда ўрнини эгаллаш позициясини қўллаб, юлдуз компаниялар одатда ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради ва айланма

капитални орттириш учун каттагина миқдорда инвестицияларга муҳтож бўладилар. Лекин уларни ўзи ҳам ишлаб чиқариш тажрибаси ва ишлаб чиқаришда иқтисод қилиш ҳисобидан ҳаражатларнинг паст даражаси бўлишидан каттагина маблағлар оқимини тўпланган бўлади.

Юлдуз – компаниялар уларни инвестицияларга бўлган эҳтиёжи бўйича фарқ қиласди. Улардан баъзилари ўзларини инвестицион эҳтиёжларини шахсий фаолиятларидан олинган тушумлар ҳисобидан қоплайдилар; бошқалари эса хўжаликни юқори ўсиш суръатидан орқада қолмаслик учун она компаниялар томонидан молиявий кўллаб-куватлашга муҳтож бўладилар.

Лекин, одатда ёш юлдуз – компаниялар ўзлари ишлаб топган маблағлардан анча ортиқ маблағларни талаб қиласди. Шунинг учун улар ресурсни эгалловчи бўлиб қоладилар.

5.5. Матрицанинг пастки чап катагига тушувчи «Соғин сигирлар» квадрантининг мазмуни

Соғин сигирлар.

Суст ўсуви тармоқларда бозорни юқори нисбий улушкига эга бўлган компаниялар (хўжалик бўлинмалари) БКГ схемасида соғин сигирлар дейилади. Соғин сигир-компаниялар қайта реинвестициялашга бўлган эҳтиёжларидан ортиқ ҳажмида маблағлар ишлаб топадилар. Бизнес мазкур квадрантга тушишининг ва соғин сигир бўлиши учун икки сабаби мавжуд. Бу хўжалик бўлинмасини нисбий бозор улуси катта ва у тармоқда етакчиликни эгаллайди, сотиш ҳажми ва яхши мовқеи унга каттагина даромад олишга имкон беради. Тармоқ ўсиш суръати унчалик улкан бўлмаганлиги сабабли капитал реинвестициялаш ва бозорда етакчилик позициясини сақлаб қолиш учун зарур бўладиган маблағга нисбатан жорий фаолиятдан кўпроқ маблағ оладилар. Соғин сигирлар – корпарация хўжалик портфелини қимматли таркибий қисми ҳисобланади, чунки улар янги харидларни молиялаштиришга, ресурсларни эгалловчилар эҳтиёжини қондиришга, дивиденdlар тўлашга маблағларини ғамлайдилар.

Кўпгина соғин сигирлар – мазкур тармоқда талаб ўтиш билан етилиш босқичидан кейин матрицанинг чап пастки квадратига тушувчи кечаги юлдузлар бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан ўсиш истиқболи нуқтаи назаридан жозибадорлиги кам бўлса ҳам соғин сигирлар жуда қимматли хўжалик бўлинмалари ҳисобланади. **Улардан олинадиган қўшимча маблағ оқимлари дивиденdlарни тўлаш учун, харидларни молиялаштиришга ва бўлгуси юлдузлар ўсиб чиқишида қийин болаларга ва ривожланадиган юлдузларни инвестициялаш учун фойдаланилади.**

Корпарациянинг барча хатти-харакатлари соғин сигирларни гуллаб-яшновчи ҳолатини сақлаб қолиш зарур, чунки уларни молиявий реурслар оқимини ғамлаш имкониятидан янада узоқроқ фойдаланишни кўзда тутилади. Мақсад шундай қўйилиши керакки, соғин сигирлар бозор позициясини барча давр мобайнида ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш зарур, чунки уларнинг ишлаб топган маблағлари бошқа бўлинмаларни ривожлантириш учун сарфланади.

Лекин, соғин сигирларнинг пастки ўнг бурчаг квадрантида жойлаштирилган холати кучсизланган соғин сигирлар ҳосилни йиғишига ва секин-аста “қисқаришга” мойил бўлади, бунга кучли рақобат ёки капитал қўйилмаларга эҳтиёжни ўсиши олиб келади.

5.6. Матрицанинг пастки унг катагига тушувчи «Итлар» квадрантининг мазмуни

Итлар

Суст ўсуви тармокларда бозорни паст нисбий улушига эга бўлган компаниялар (хўжалик бўлинмалари) ўсиш истиқболини кучсизлиги сабабли, бозорда позицияни орқада қолиши ва натижада эгри тажрибага эга бўлган етакчилардан орқада қолиш уларни фойда микдорини чеклаганлиги сабабли итлар деб айтилади. Кучсизланувчи итлар (улар итлар квадрантининг пастки ўнг бурчагида жойлашади) кўп холларда узоқ муддатли истиқболга каттагина маблағ ишлаб топишга қобилияти йўқ. Баъзида бу маблағлар ҳатто жорий стратегиясини қуллаб-қувватлашга мустаҳкамлашга ва ҳимоя қилишга ҳам етарли эмас, айниқса бозорда қаттиқ рақобат ҳамда, фойда нормаси доимий равища паст бўлган холатларда мазкур вазият кузатилади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, кучсизланувчи итларга айрим ўзига хос вазиятлардан ташқари БКГ ҳосилни йиғиш стратегиясини, қисқартириш ёки қайси вариант кўпроқ фойда берса шунга боғлиқ равища батамом тугатиш стратегияси қулланилади.

Таянч сўз ва иборалар: Boston Consulting Group, БКГ « Ўсиш / Улуш » матрицаси, хўжалик портфели матрицаси, пуфакчалар, сўроқ белгилар, қийин болалар, юлдузлар, соғин сигирлар, итлар.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Хўжалик портфели матрицасининг модели нимадан иборат?
2. «Ўсиш / улуш» БКГ матрицаси квадрантидаги пуфакчалар нимани ифодалайди?
3. Матрицанинг юқори ўнг катагига тушувчи компаниялар «Сўроқ белгилар» ёки «Қийин болалар» квадрантининг мазмуни нимадан иборат?
4. Матрицанинг юқори чап катагига тушувчи «Юлдузлар» квадрантининг мазмуни нимадан иборат?
5. Матрицанинг пастки чап катагига тушувчи «Соғин сигирлар» квадрантининг мазмуни нимадан иборат?
6. Матрицанинг пастки унг катагига тушувчи «Итлар» квадрантининг мазмуни нимадан иборат?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Камилова Ф.К. – «Халкар туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
2. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
3. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Раствор н.Д. 2007.
4. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
5. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образования, МЭСИ – 2000.
6. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
7. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
8. Тухлиев И.С. Стратегическое планирование. Учеб. пособие Т.; 2004.

6. ТУРИСТЛИК КОРХОННИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАНЛАШ.

Режа:

- 6.1. БКГ ни «Ўсиш/улуш» матрицасининг асосий афзалликлари
- 6.2. Кучсизроқ, камроқ жозибадор сўроқ белгиларни инвестициялаш
- 6.3. Портфел таркибида итларнинг қолиш холатлари
- 6.4. Мезонларни фақатгина паст-юқори деб баҳолавчи тўрт катакли матрица
- 6.5. Туристлик корхонанинг стратегиясини шакллантиришда БКГ матрицаси

6.1. БКГ ни «Ўсиш/улуш» матрицасининг асосий афзалликлари

Сустлашув итларга ҳосилни йиғиши стратегияси, қисқартириш ёки бартарф қилиш стратегиялардан бирини танлашга тўғри келади: ундан кучлироқ итлар эса улар фойдаси ва маблағлар оқими ҳали етарли даражада таъминлай оладиган вақтга қадар фаолият кўрсатади .

БКГни “ўсиш/улуш” матрицасини асосий афзаллиги шундаки, у нақд мабалғлар ҳаракатига ва ҳар бир бизнесни инвестицион тавсифига эътиборни кучайтиради, ҳамда корпарация барча портфели иш фаоллигини оптималлаштириш мақсадида хўжалик бўлинмалари ўртасида молиявий ресурслар қандай тақсимланган деган саволга жавоб беради. БКГ хulosаларига мос равищда корпарацияни ишочли узоқ муддатли стратегияси ресурсларни эгалловчиларни бозор улушини оширишни молиялаштириш учун, ўсиш учун ўз шахсий маблағлари ҳозирча етарли бўлмаган ёш юлдузлар учун, юлдузларга ўсиб чиқишига яхши имконитларга эга бўлган қийин болалар учун соғин сигирлардан тушадиган қўшимча мабағлардан фойдаланиш зарур. Агар муваффақият қозонса ресурс эгалловчилар юлдузга айланади ҳамда, молиялаштиришга бўлган эҳтиёжини тўлиқ ўзи қонлайди. Сўнг, қачонки бозорда юлдузлар ўсиш суръати секинлашса ва бозор пишиб-етилиши босқичига ўтса, юлдузлар соғин сигирларга айланади (ўтади).

Шу тарзда қийин болалар/сўроқ берлиси янги юлдуз (эҳтимолки, ҳали ресурс эгалловчи бўлиб ҳисобланади)-юлдуз, шахсий эҳтиёжини таъминловчи-

соғин сигир йўли бўйича бизнесни харакат кетма-кетлиги муваффақитли амалга оширилади.

БКГ матрицаси ҳар бир хўжалик бўлинмаси фойдалилигига, инвестицига бўлган эҳтиёжига ва харакатни мавжудлигига ургу беради, ҳамда, диверсиланган компанияни молиявий ресурсларини мазкур бўлинмалар ўртасида ўз иш (мехнат) фаоллиги портфелини оптимизация қилиш мақсадларида қайта тақсимланишдан келадиган фойдага алоҳида эътибор беради.

6.2. Кучизроқ, камроқ жозибадор сўроқ белгиларни инвестициялаш

Янада кучизроқ, камроқ жозибадор сўроқ белгилари яъни инвестициялаш ва кенгайтириш стратегиси унчалик тўғри келмайдиган сўроқ белгилари кўп ҳолларда диверсияланган компания учун ортиқча юқ (дахмаза) бўлади, чунки, уларга кетадиган юқори харажатлар, бозорни паст нисбий улуши билан қўшилади ва уларни ресурсларни эгалловчи натураси улар туғилган корпарациядан мазкур бизнесга у бозорни юқори ўсиш суръатидан орқада қолмаслиги учун капитал қўйилмаларни юқори даражасини қўллаб-куватлашни талаб этади. БКГ шундай деб ҳисоблайдики, сўроқ белгилари бартараф қилиш учун биринчи номзод бўлиб ҳисобланадилар агарки:

1. Улар ўз фойдалилик даражасини қуллаб қувватлай олмаса (давом эттира олмаса) ва ўз шахсий маблағлари ҳисобидан фаолият кўрсата олмаса;
2. Компаниядан талаб қиланидиган капитал оқими жуда кам миқдорда бўлса, лекин сўроқ белгиларини барчаси ҳам ресурсларни эгалловчи ёки ишончсиз рақобатчи бўлиб ҳисобланмайди.

Улардан айримлари тармоққа тегишли бўлган, катта капитал харажатларни талаб қилмайдиган, қаердаки ишлаб чиқариш доирасида иқтисод унчалик катта бўлмаган ва фақатгина эгри тажрибани кучиз самараси бор бўлган тармоқлар кўп ҳолларда тармоқ лидерлари билан teng рақобат қила оладилар ҳамда ўз фаолиятини оқлаш учун етарли даражада даромад келтира олади.

Лекин, табиийки кучизланиб бораётган сўроқ белгилари корпарация ресурсларини жамғариш учун камроқ афзалроқдир ва уларнинг роли компания портфели таркибида унчалик юқори эмас. Юлдузга айланиш қобилияти бўлмаган сўроқ белгилари матрицани қўйи катагига силжиб бориб (вертикал равишда пастга) ҳалокатга маҳкумдир, шу сабабли бозор талабини пишиш босқичига ўтиб тармоқ ўсишини сустлашиб бориш даражаси бўйича итларга айланади.

6.3. Портфел таркибида итларнинг қолиш холатлари

Портфел таркибида итлар шу вақтгача қоладики, қачонки улар бутун фирма фаолиятига мос равишдаги жамғармаларини қўйига мос равишдаги жамғармаларини қўйганга қадар вақтгача келади.


Кучли итлар ҳатто фойдани мақбул даражаси ва маблағларни етарли даражаси билан таъминлаши мумкин. Лекин, БКГ матрицасида итлар қанчалик


қўйи ва ўнг тарафда бўлса, шунчалик фойдалироқ корпарация активларини жойлаштириш билан боғланади. БКГ бундай итларга нисбатан ҳосилни йиғиш стратегиясини қўллашни тавсия этади. Агар мазкур стратегиядан фойдаланиш ўзини оқламаса, унда кучсиз итлар портфел таркибидан чиқарилиши мумкин.

БКГ схемаси компаниялар учун иккита ҳолатда оригинал якун топишини қайд қиласди: 1) юлдузлар позицияси кучсизланса, у қийин болаларга айланади ва тармоқ ўсишини сустлашиши даражаси бўйича итларга айланувчи ва 2) қачонки, соғин сигирлар бозорда ўз лидерлик даражасини сустлашувчи итлар даражасигача ўз позицийасини йўқотса. Бошқа стратегик хатоларга қўйидагилар киради: барқарор соғин сигирларни ҳаддан ортиқ инвестициялаш, сўроқ белгиларига етарли даражада маблағ киритмаслик, бу эса ўз навбатида бунинг натижасида улар юлдуз бўлиши ўрнига итлар категориясига тушиб қолади ва юлдузларга айланишни ваъда қилувчи янада истиқболли соҳаларга эътиборни жалб қилиш ўрнига барча сўроқ белгилари бўйича ресурсларни совурилишига сабаб бўлади. Ўсиш/улуш матрицасини афзалликлари ва камчиликлари. Ўсиш/улуш матрицаси каттагина камчиликларга эга.

БКГ хўжалик портфели матрицаси ҳар бир алоҳида фаолият (бизнес) учун стратегия ҳарактери тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун сўзсиз равишда фойда келтирди. Диверсияланган корпарацияга турлих хўжалик бўлинмаларидан тушадиган пул маблағлари ва уларга эҳтиёжи призмаси орқали назар ташлаш (қараш) корпаратив стратегияни молиявий жиҳатлари (аспектлари)ни тушунишига қўйилган муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. БКГ матрицаси хўжалик портфели ичida ўзаро молиявий ҳамкорликни биринчи ўринга қўяди, қабул қилиниши керак бўлган молиявий қарорларни турларини кўрсатадиҳ ва нима учун корпарация ичida ресурсларни тақсимлаш усутунлиги (афзаллиги) турли хўжалик бўлинмалари учун турлича эканлигини тушунтиради. бундан ташқари у кенгайтириш ва инвестициялаш стратегияси учун ҳам, баратарф (тугатиш) стратегияси учун ҳам уларни мувафақиятли рационолизация қилиш усулларини таклиф этади. Шунга қарамасдан мазкур матрица аналитик жиҳатдан тугатилмаган ва потенциал жиҳатдан адашишга олиб келиши мумкин.

Расм 6.1. Портфелнинг хозирги ва келажақдаги ҳолати матрицаси.





6.4. Мезонларни фақатгина паст-юқори деб баҳолавчи түрт катакли матрица

- 1 Мезонларни фақатгина паст-юқори деб баҳолавчи түрт катакли матрица күпгина хўжалик бўлинмалари бозорда ўртага темп ўсиши билан ишлашлигини акс эттиrmайди ва уларни нисбий бозор улуши юқори ҳам паст ҳам эмас, балки қандайдир шунинг ўртасида. Бундай ҳолатдаулар матрицани қайси катагида мавжуд бўлди. (жойлашинишини)?
- 2 Хўжалик бўлинмаларини юлдуз, соғин сигирлар итлар ва сўроқ белгилари каби кўриб чиқиб, уларга нисбатан содда ёндашув бўлиб ҳисобланган тўрт гурухга бўлишга тўғри келади. Максимал даражадаг бозор улушига эга баъзи лидерлар фойдалик нуқтай назаридан ҳеч қачон юлдуз бўлмаганлар. Бозорни паст нисбий улушига эга кўпгина копаниялар итлар ёки сўроқ белгилари бўлиб ҳисобланмайдилар кўпгина ҳолларда фирмада иккиламчи ролни ўйнатувчилар барқарор темп ўсишига эга бўлади, фойдалилироқ ва хатто лидерлар деб аталувчилардан ҳам ўзиб мувофақиятли рақабот қилиш қобилиятига эга бўлади. Бундан шундай хулоса келадики, баҳолашни талаб этувчи таянч (асос) характеристикаси (тавсифи) бўлиб, бозорда компанияни

нисбий улуши тренди бўлиб ҳисобланади. Компания ўз позициясини мустаҳкамлайдими ёки йўқотадими ва нима учун? Мазкур камчиликни 2-чизмада кўрсатилганидек ҳаракат йўналиши стрелкаси билан кўрсатиб бартараф этиш мумкин.

- 3 БКГ матрицаси хўжалик бўлинмалари ўртасида инвестициялашни нисбий имкониятларини акс эттирамайди. Масалан, юлдузни инвестициялаш ҳар доим ҳам соғин сигирларни инвестициялашда юқори фойда келтиргани каби юқори фойдали бўлавермайди. матрица сўроқ белгиси ким бўлиб-потенциал ғолибми ёки тасадифий мағлубми деган саволга жавоб бермайди. Бундан ташқари улкан (буюк) капитал қўйилмалар кучли итни соғин сигирга айлантирадими йўқми бу ҳам тушунарсиз?
- 4 Суст ўсувчи бозорда лидерлик позицияси соғин сигир мақомини кафолатламайди. чунки, биринчидан ҳимояланиш ва мустаҳкамлаш стратегиясида инвестицион эҳтиёж инфляцияга ўтказиладиган таъсирлар ва эскирган асМавзу ускуналарни алмаштириш (янгилаш) бўйича ҳаракатлар технологиясини ўзгариши юқор микдордаги ёки барча пул маблағларини сўриб олиши мумкин ва иккинчидан бозорда рақобатни пишиб етилиши босқичига ўта бориб кўп ҳолларда кескинлашди ва бозорда эгаллаган улуш ҳамда сотиш хажмини ошириш учун кейигни кураш фойда нормасини пасайишига ва исталган нақд маблағлар тушумини тўхтатишга олиб келиши мумкин.
- 5 Хўжалик бўлинмалари гуруҳини ўзоқ муддатли жозибадорлигини тўғри баҳолаш учун стратегиялар нафақатгина тармоқ темп ўсишини балки бозорни нисбий улушкини ҳам таҳлил қилиниши зарур.
- 6 Бозорни нисбий улуши ва даромадлилик ўртасида боғлиқлик эгри тажриба самараси каби кучли эмас. Харажатларни пасайтириш учун тўпланган ишлаб чиқариш тажрибасининг муҳимлиги бир тармоқдан бошқасига ўзгариб туради.

Баъзида юқори бозор улуши паст таннарх ҳисобидан афзалликка айланади, баъзида йўқ. Бундан, стратегиялар танлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки эгри тажриба самараси тотал рақобат афзаллигини берувчи етарли даражадаги кучли омил бўлиб ҳисобланади (эгри тажрибадан бошқа ҳам жуда юқори рақобат устунлиги манбалари амал қиласи).

6.5. Туристлик корхонанинг стратегиясини шакллантиришда БКГ матрицаси

Корпоратив стратегик режалаштиришнинг тарихий биринчи модели деб “ростадоли” модели тилга олинади ва у кўпроқ ВСГ номи билан машҳурдир. Бу модел стратегик майдондаги маълум бир бизнес турининг муайян ҳолатини акс эттиради ҳамда икки координата ўқлари ёрдамида топилади. Бунда биринчи

координата ўқи маълум бир хизмат бозорининг ўсиш суръатини топиш учун ишлатилса, иккинчиси, меҳмохонанинг қурилаётган хизмат бозоридаги нисбий улушни аниқлаш учун ишлатилади.

BCG моделининг пайдо бўлиши Boston Consulting Group консалтинг компанияси томонидан ўтказилган илмий ишнинг мантиқий якуни билан боғлиқдир.

BCG матрицаси “Ўсиш/бозор улуши” матрицаси дейилади. БКГ матрицасидан икки мезондан фойдаланилади: биринчи мезон жалб қилувчанлик индикатори сифатидаги мақсадли сегментнинг ўсиш суръати бўлса, иккинчиси рақобатбардошлиқ индикатори сифатидаги энг хавфли рақобатчига нисбатан бозор улушкидир. Бунда бўлиш чизиклари билан тўрт квадратга ажратилган икки киришли жадвал ҳосил бўлади.

Биринчидан, ўсиш суръатлари юқори ва паст бўлган бозорларни ажратиб турувчи асосий чизик “тармоқнинг ўсиши” ўқига нисбатан ялпи миллий маҳсулотнинг натурал қўрсаткичларга ўсиш суръатига ёки фирма фаолият қўрсатаётган турли сегментлардаги ўсиш суръатларининг ўртacha қийматига тўғри келади.

Иккинчидан эса, “бозор улуши” ўқи учун ажратиш чизиги, одатда, 1 ёки 1,5 нуқталари орқали ўтказилади. Бозор улуши бу қўрсаткичдан юқори бўлса, катта, акс ҳолда эса кичик ҳисобланади.

Матрица шу тарзда аввал киритилган “бозор нисбий улуши” тушунчасидан келиб чиқади, бу тушунча энг хавфли рақобатчи эгаллаб турган бозор улушкига нисбатан аниқланади.

“Юлдуз” – ривожланаётган тармоқда ертакчилик қилаётган товар ёки товарлар гуруҳининг шартли белгиланиши. “Юлдуз”лардан ьушган фойда жуда муҳимдир.

Лекин шу билан бирга кейинги ўсиш учун катта ҳажмдаги молиявий ресурслар зарур бўлади. Демак, фирма стратегиясининг асосий мақсади етакчиликни сақлаш ва мустаҳкамлаш. Бунинг учун маҳсулотни такомиллаштириш, нархни пасайтириш, реклама тадбирларини кучайтириш, кенг тақсимот кабилар мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бироқ тармоқ ривожланишининг секинлашиши билан “юлдуз” “соғиладиган сигир”га айланади.

“Соғиладиган сигир” деб – одатда нисбатан етук, ривожланиши барқарорлашган ва қисқарувчи тармоқда етакчи ўринни эгаллайдиган товар ёки товар гуруҳларига айтилади. Сотиш барқарор ҳолатда эканлиги ва асосий ҳаражатлар давридан ўтилган бўлса, сотишдан келган фойда ҳали ҳам унингбозордаги улушкини сақлаб туриш учун зарур бўлганидан ортиқ бўлади ва бошқа ассортимант гуруҳлари ёки алоҳида товарларни ривожлантириш ва сақлаб туриў учун ишлатилади, эришиш воситалари эса одатда сотиш каналларини таъминлаб туриш, реклама, нархдан чегирмалар, такрорий харидларни рағбатлантириш ҳисобланади.

“Қийин бола” (бошқача номи “сўроқ белгиси”) – бу тез ривожланувчи тармоқда ишлаб чиқарувчиларнинг кучли рақобати ва истеъмолчиларнинг унча кўп бўлмаган кўмаги шароитларида товар ёки товар гуруҳлари. Бозор улушки

катта эмас. Фирмаларнинг вазифаси инвестициялаш манбаларини топиш ва танланган йўналиш доирасида риваожланиши таъминлашдан иборат. Стратегияни янги сотиш каналларини топиш ва товарни силжитишга ҳаражатларнинг кенгайиши, нархни пасайтириш каби вариантлари самарали, бозордан чиқиб кетиш варианти ҳам бўлиши мумкин.

“Ит” – бу қисқараётган бозорда жуда кичик улушдаги товар ёки товарлар гурухи. “Ит” сифатида кўпинча истеъмолчилар томонидан тан олинган товарлар ёки рақобатчилар товаридан анча орқада бўлган товарлар ёки қўп ҳаражат талаб этувчи ва ўсиш имкониятлари кам бўлган товарлар намоён бўлади. Стратегик қарорларнинг вариантлари нархнинг пасайиши ва хизмат кўрсатиши ҳажмининг камайиши, соддалаштириш йўли билан фойда олиш, бозордан чиқиб кетиш.

БКГ усули бўйича таҳлил қилиш ягона портфел таркибида корхонанинг ўрнини аниқлаш, истиқболли стратегияларни башорат қилишга имконият яратади. Тез ўсувлари йўналишлар инвестицияларга эҳтиёж сезади, секин ўсувлари эса ортиқча маблағларга эга бўлади.

Сотишлар ҳажми ва фойда суммаси бўйича деярли ҳар бир йўналишнинг улушкини ҳисоблаш мумкин.

«АФРОСИЁБ – ПАЛАС» МЕҲМОНХОНАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ БКГ МАТРИЦАСИ ОРҚАЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

«Афросиёб – Палас» меҳмонхонасининг савдо ҳажми ва бозор улуси тўғрисида маълумотлар 6.1.жадвалда берилган:

Жадвал 6.1.

№	Хизмат турлари	Йиллар бўйича сотиши ҳажми минг доллар				Бозор улуши %	
		2004	2005	2006	2007	“Афросиёб Палас” мехмонхонаси	Рақобат- чилар
1.	Мехмонхона хизматлари	2400	2900	2900	2500	34	17
2.	Экспорт хизматлари	510	550	590	649	33	21
3.	Туристларни ташиб хизматлари	60	80	90	130	5	7
4.	Овқатлантириш хизматлари	1650	1700	1850	2405	11	9
5.	Валюта айрибошлиш хизматлари	200	240	280	448	15	10
6.	Суғурталаш хизматлари	20	50	60	100	1	7
7.	Телефон, интернет, почта хизматлари	900	600	580	348	40	18
8.	Маданий ҳордик хизматлари	1000	1000	980	686	16	16
9.	Экскурсия, саёҳат хизматлари	1600	1200	900	400	2	4

БКГ матрицасидан фойдаланилган ҳолда «Афросиёб – Палас» меҳмонхонасининг хизматлар стратегиясини аниқлаш ва шакллантириш масаласини қўямиз. Бунинг учун олдиндан хизмат турлари бўйича бозорнинг ўзгариш суръатини ва бозорнинг нисбий улушкини жадвал маълумотларига асосан аниқлаб оламиз.

Тармоқнинг ўсиш суръатини аниқлаш учун охирги 2007 йилги савдо ҳажми, ундан олдинги 2006 йилги савдо ҳажмига бўлинади.

Бозорнинг нисбий улушкини аниқлаш учун меҳмонхона бозори улуси даражаси рақобатчининг бозор улуси даражасига бўлинади. Бу тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни 6.2.жадвалга қўямиз.


Жадвал 6.2.

БКГ матрицасини қуриш учун маълумотлар

Хизматлар номе-ри Кўрсат-кичлар	1 Меҳмон-хона хизматлари	2 Экспорт хизматлари	3 Туристларни ташиш хизматлари	4 Овқатлантириш хизматлари	5 Валюта айрибошлиш хизматлари	6 Суғуртлаш хизматлари	7 Телефони нтернет, почта хизматлари	8 Маданий хордиқ хизматлари	9 Экскурсия, саёҳат хизматлари
Тармоқ нинг ўсиш суръати	0,86	1,1	1,44	1,3	1,6	1,7	0,6	0,7	0,44
«Афросиёб – Палас» меҳмонхонасининг нисбий бозор улуши	2,0	1,6	0,7	1,2	1,5	0,1	2,2	1,0	0,5
Умумий сотиш ҳажмида хизмат ларнинг улуши	33,9	8,4	1,6	27,0	4,2	1,2	6,7	10,7	5,3


Координаталар текислигига БКГ матрицасини жойлаштирамиз. Бунинг учун абциссалар ўқида меҳмонхоанинг нисбий бозор улушкини, ординаталар ўқига эса тармоқнинг ўсиш суръатини жойлаштирамиз.

БКГ матрицасининг умумий кўриниши



“Афросиёб-Палас” меҳмонхонаси хизматларининг БКГ матрицасидаги ифодаси

Тармоқнинг ўсиш суръати



«Афросиёб-Палас» меҳмонхонаси хизматларининг БКГ матрицасини қуриш учун тармоқнинг ўсиш суръати ва бозорнинг нисбий улуши кўрсаткичларининг ўрта арифметигини аниқлаймиз:

$$T.y.c = \frac{\sum_{i=1}^n B.y.c}{n} = \frac{0,86 + 1,1 + 1,44 + 1,3 + 1,6 + 1,7 + 0,6 + 0,7 + 0,44}{9} = \frac{9,74}{9} = 1$$

$$B.h.y = \frac{\sum_{i=1}^n 1B.h.c}{n} = \frac{2 + 1,6 + 0,7 + 1,2 + 1,5 + 0,1 + 2,2 + 1 + 0,5}{9} = \frac{10,8}{9} = 1,2$$

Ҳисобланган қийматларни тармоқнинг ўсиш суръати ва бозорнинг нисбий улуши ўқларига қўйиб, координаталар текислигининг 4 квадрантга бўламиз ва БКГ матрицасини қурамиз. 1- жадвалдаги маълумотларни «Тармоқнинг ўсиш

суръати» ва «Бозорнинг нисбий улушки» нинг координаталари деб олиб, бу координаталарга мос нуқталарни ўз ичига олган айланинг диаметри шу хизматнинг умумий реализациядаги улушини кўрсатади.

Бу БКГ матрицада 2 ва 5 номерли хизматлар, яъни экспорт ва валюта айрибошлиш хизматларидан тушган фойда жуда муҳимдир. Лекин шу билан бирга кейинги ўсиш учун ката ҳажмдаги молиявий ресурслар зарур бўлади. Демак, меҳмонхона стратегиясини асосий мақсади – етакчиликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунинг учун хизматларни такомиллаштириш, нархни пасайтириш, реклама тадбирларини кучайтириш кенг тақсимот кабилар мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бироқ тармоқ ривожланишининг секинлашиши билан «Юлдуз» «Софин сигирлар» га айланди.

Бу БКГ матрицасидаги «Юлдуз» даражасидаги хизматларнинг стратегияси реализация ҳажмини ошириш, қўшимча инвестициялар киритиш ва уларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

БКГ матрицасида «Софин сигирлар» бўлиб 7 ва 1 номерли хизматлар, яъни меҳмонхона ва телефон, Интернет, почта хизматлари ҳисобланади.

Софиладиган сигирлар деб нисбатан етук, ривожланиши барқарорлашган ва қисқарувчи тармоқда етакчи ўринни эгаллайдиган хизматлар турларига айтилади. Хизмат кўрсатиш барқарор ҳолатда эканлиги ва асосий ҳаракатлар давридан ўтилган бўлса, табиийки, сотищдан келган фойда ҳам, унинг бозордаги улушкини сақлаб туриш учун зарур бўлмаганидан ортиқ бўлади ва бошқа хизмат гуруҳлари ёки алоҳида хизмат турларини ривожлантириш ва сақлаб туриш учун ишлатилади. Бундай шароитларга меҳмонхона максимал фойда олишга интилади, эришиш воситалари эса одатда хизмат кўрсатиш каналларини таъминлаб туриш, нархдан чегирмалар, такрорий ҳаридларни рағбатлантириш ҳисобланади. Бу ерда 7- хизмат турини, яъни почта, Интернет, телефон хизматларидаги савдо ҳажмини кенгайтириш керак. 1-номерли хизмат турини, яъни экспорт хизматларини қўллаб-қувватлаш керак.

Софин сигирлардан келадиган маблағларни 2, 3, 4, 5 номерли хизматларга, яъни экспорт, туристларни ташиш, овқатланиш, валюта айрибошлиш хизматларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш керак.

БКГ матрицасида қийин бола бу тез ривожланувчи тармоқда ишлаб чиқарувчиларнинг кучли рақобати ва истеъмолчиларнинг унча кўп бўлмаган кўмаги шароитларида хизмат ёки хизмат гуруҳларидир. Бозордаги улушки катта эмас. Меҳмонхонанинг вазифаси инвестициялаш манбаларини топиш ва танланган йўналиш доирасида риваожланиши таъминлашдан иборат. Стратегиянинг янги каналларини топиш, хизматларни кўпайтиришга ҳаражатларнинг кенгайиши, нархни пасайтириш каби вариантлари самарали бозордан чиқиб кетиш варианти ҳам бўлиши мумкин. Бу БКГ матрицасида 6, 3 ва 4 номерли хизматлар, яъни суғурталаш, овқатлантириш ва туристларни ташиш хизматлари «софин сигирлар» бўлиб ҳисобланади.

Меҳмонхонадаги суғурталаш ва туристларни ташиш хизматларининг стратегияси киритилаётган инвестицияларни тадқиқот қилиш ва муҳокама қилишдан иборат ёки хизматлар тўпламидан суғурталаш хизматларини олиб

ташлаш ёки туристларни ташиш хизматининг бозордаги улушни кенгайтиришдан иборатdir.

4 номерли хизмат, яъни овқатлантириш хизматларининг стратегияси бозордаги улушни кенгайтиришдан иборат.

«Ит»лар - бу бозорда қисқараётган бозорда жуда кичик улушдаги хизмат ёки химатлар гуруҳи ҳисобланади. «Ит»лар сифатида кўпинча истеъмолчилар томонидан тан олинмаган хизматлар ёки рақобатчилар хизматларидан анча орқада қолган хизматлар ёки кўп ҳаражат талаб этувчи ва ўсиш имкониятлари кам бўлган хизматлар намоён бўлади. Стратегик қарорларнинг вариантлари: нархнинг пасайиши ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиши, соддалаштириш йўли билан фойда олиш, бозордан чиқиб кетиш.

«Афросиёб – Палас» меҳмонхонасининг хизматларининг БКГ матрицасида «Ит»лар даражасидаги хизматлар бўлиб, 8 ва 9 номерли хизматлар, яъни маданий ҳордиқ ва экскурсия, саёҳат хизматлари ҳисобланади.

Экскурсия, саёҳат хизматларини хизматлар портфелидан олиб ташлаш стратегияси бу экскурсия, саёҳат хизматларининг стратегияси ҳисобланади.

Маданий ҳордиқ олиш хизматларига бу хизматларнинг реализация ҳажмини кичрайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш керак бўлади.

БКГ МАТРИЦАСИННИГ АФЗАЛЛИГИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

БКГ матрицасининг асосий аналитик қиймати шундаки, унинг ёрдамида меҳмонхона ҳар бир хизмат турининг стратегик ҳолатларини аниқлаб олиш билан бирга нақд пул оқимининг стратегик баланси бўйича тавсияномалар бериш имкони ҳам мавжуд. Стратегия ҳаражатлар нуқтаи назаридан ва келажакда меҳмонхона ҳар бир хизмат туридан пул маблағларини олиш имконияти нуқтаи назаридан қарабади.

Шундай пайлар бўладики, меҳмонхона томонидан ишлаб чиқилаётган хизмат ўз ҳаёт циклининг охирги босқичи арафасида бўлади ва меҳмонхона тасарруфида ортиқча пул маблағлари пайдо бўлади, бу маблағларни сармоялаштиришни давом эттириш ҳожати қолмайди. Назарий тарафдан қарабанд, меҳмонхона шу маблағларини ўз акция эгаларига қайтариб бериш кутилган эди, улар эса кейинчалик ўзлари хоҳлаган меҳмонхоналарига янги сармояларни қўшишга имкон беришарди. Лекин, бошқарув персоналининг табиати ва шу билан солиқ қонунилиги сармояларни шу меҳмонхона миқёсида қайта тақсимланишни тақозо этмокда, яъни, ўзларининг капиталларини янги хизмат турларига, янги бозорларга, янги мамлакатларга йўналтиришни кўзда тутади.

БКГ матрицаси меҳмонхона ўз мақсадларини ҳаёт циклининг бошланғич босқичидаги хоҳлаётган бозордаги улушга, ҳаёт циклининг ўсиш босқичидаги бозорни эгаллаб олиш ва уни сақлаб колиш йўлларидағи мақсадлари нисбатан белгилаши лозимдир, хизмат кўрсатишдан фойда олиш эса факатгина ҳаёт циклининг тўйиниши босқичида амалга ошириш мумкин.

БКГ матрицасининг оптимал бизнес-стратегияси сифатида ҳаёт цикининг тўйиниши босқичида турган хизмат кўрсатишнинг бозордаги катта

миқдоридаги улушининг эгаллаш стратегияси туради. Бунга эришиш учун стратегик манба сифатида меҳмонхона хизмат кўрсатиш портфелини баланслаштириш мақсадида маълум турдаги «Юлдузли» турдаги фаолиятга, келажакда «соғиладиган сигирлар» тоифасига Кирishi кузатилаётган баъзи бир «қийин болалар» ни «Юлдузли» табақаларга ўтказиш учун шу соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш кўзда тутилади.

БКГ матрицасининг камчиликлари.

1. БКГ матрицаси хизмат кўрсатиш соҳалари учун бозор ҳақидаги ноаниқ таассуроти асосида таркиб топади. Мазмун моҳияти юзасидан қилинган сезиларсиз ўзгаришлар бозор улушкида катта ўзгаришларга, кейинчалик эса таҳлилнинг умуман бошқа натижаларига олиб келиши мумкин.
2. БКГ матрицасининг рақобат даражаси кучли бўлмаган ёки ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган соҳаларда қўллаш пайтида матрица бу шароитларда ишламай келаяпти.
3. Юқори ўсиш суръатлари – меҳмонхона қизиқиш манбайнинг фақатгина ягона, қолаверса энг муҳим жиҳати эмасдир.
4. Бозорнинг бошқа кўрсаткичлари билан солиширилганда бозордаги улушининг аҳамияти жуда ҳам ошириб юборилган. Кўпгина ўзгаришлар бизнес даражасига таъсир кўрсатсада, БКГ матрицасида улар фақатгина инкор қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкини, ҳозирги қунда туризмни ривожлантириш энг долзарб муаммо ҳисобланади. Бу муммоларни ҳал қилишда асосан туристик фирмалар ва меҳмонхоналарнинг ўрни жудаям каттадир.

Бунинг учун биз асосий эътиборимизни туристик фирмалар ва меҳмонхоналарни кўпроқ ташкил этишга уларнинг фаолиятларини ривожлантиришга, уларнинг миссия ва мақсадларини аниқлашга, стратегияларини шакллантиришга кўпроқ аҳамият беришимиз керак. Бунда туристик корхоналарнинг ва меҳмонхоналарнинг асосий мақсади туристларни кўпроқ Ўзбекистонга жалб қилиш ва реклама фаолиятини кучайтиришдан иборат бўлиши керак.

Ҳар бир туристик корхона бозорда пешқадамлик даражасига эришиш учун ўзининг биринчи навбатда миссиясини, мақсадларини ва стратегияларини белгилаб олиш керак бўлади.

Ҳар бир туристик фирманинг қай даражада фаолият кўрсатаётганини, унинг бозорда қандай фаолиятда бўлишини уларнинг танлаган стратегиялари аниқлаб беради. Бу стратегияларни шакллантиришда эса ҳар хил таҳлил усулларидан фойдаланса бўлади. Анна шундай аниқ таҳлил усулларидан СВОТ таҳлил усули ва БКГ матрицаси таҳлил усулини «Афросиёб-Палас» меҳмонхонасида фаолиятида таҳлил қилдик. Бу таҳлилларга асосан «Афросиёб-Палас» меҳмонхонасининг кучли ва кучсиз томонларини, кутилаётган имконият ва хавфларини ажратиб, энг яхши стратегияни аниқлаш бўлади. «Афросиёб-Палас» меҳмонхонаси хизматларини БКГ таҳлил усулида таҳлил қилиб, бу хизматларнинг меҳмонхоналардаги улушларини аниқлаб, хизматларнинг ҳар бирига мос равища энг яхши, яъни оптимал стратегия

қўллаймиз. Бу стратегиялар асосида эса хизматларнинг сифатини янада ошириш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: Портфел таркиби, кучсизроқ, камроқ жозибадор сўроқ белгиларни инвестициялаш, портфелнинг хозирги ва келажакдаги ҳолати матрицаси, бозорни нисбий улуши ва даромадлилик ўртасида боғлиқлик, жалб қилувчанлик индикатори, рақобатбардошлиқ индикатори.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. БКГ ни «Ўсиш/улуш» матрицасининг асосий афзалликлари нимадан иборат?
2. Кучсизроқ, камроқ жозибадор сўроқ белгиларни инвестициялаш қандай амалга оширилади?
3. Портфел таркибида итларнинг қолиш холатлари қандай содир бўлади?
4. Мезонларни фақатгина паст-юқори деб баҳолавчи тўрт катакли матрица нимани ифодалайди?
5. Туристлик корхонанинг стратегиясини шакллантиришда БКГ матрицаси қандай хисобланади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
3. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2007 йил 23 май.
4. Камилова Ф.К. – «Халқаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
5. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
6. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Раствор н.Д. 2007.
7. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
8. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
9. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образования, МЭСИ – 2000.
10. Карриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
11. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
12. Интернет сайтлари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - <http://www.OrexCA.ru>

7. СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГНИ АНИҚЛАШДА «GENERAL ELECTRIC» КОМПАНИЯСИ ТАМОНИДАН ЯРАТИЛГАН «ТАРМОҚ ЖОЗИБАДОРЛИГИ /РАҚОБАТДАГИ ХОЛАТ» МАТРИЦАСИНИНГ АФЗАЛЛИГИ.

Режа:

- 7.1. «Тармоқ жозибодорлиги / рақобатдаги холат» матрицасининг афзаллиги
- 7.2. Жозибадорликни барча омилларини аниқ баҳолаш
- 7.3. Кучлар/рақобат ўрнини баҳолаш омиллари
- 7.4. Жозибадорлик/рақобатдаги ўрни матрицасининг таҳлили

7.1. «Тармоқ жозибодорлиги / рақобатдаги холат» матрицасининг афзаллиги.

Мазкур «Тармоқ жозибодорлиги / рақобатдаги холат» матрицасида ҳар бир хўжалик бўлинмаси рақобатдаги бўлинманинг тутган ўрни ва кучлари, ҳамда тармоқни узоқ муддатли жозибадорлигини миқдор жиҳатдан баҳолаш асосида аниқланади. БКГ “ўсиш/улуши” матрицаси камчиликларининг бир қисмини бартараф этувчи муқобил ёндашув General Electric (GE) компанияси томонидан таклиф этилади. Ўзининг диверсификация портфелини таҳдил қилиш учун ишлаб чиқилган (Mc Kensly and Company консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда) мазкур тўққиз катакли матрица координатларни икки ўлчамли тизимида жойлашган, яъни конкрет бизнес рақобатдаги ўрни / кучлари ва тармоқ жозибадорлиги (1-чизма). Унинг вертикал ва горизантал иккала элементи ҳам ягона кўрсатгичларни аниқламасдан, балки бирликлар комплексини тавсиялади.

Узоқ муддатли тармоқ жозибадорлигини аниқлаш мезони ўз ичига:

- бозор хажмини ва унинг ўсиш суръти, технологик талабларни;
- рақобат кувватини;
- кирувчи ва чиқувчи тўсиқларни, мавсумий ва даврий тебранишларни; капитал қўйилмаларга бўлган эхтиёжни;
- ривожланаётган тармоқлар имконияти ва таҳдидларни;
- социал, экологик омилларни ҳамда давлат томонидан тартибга солиниши таъсирларини ўз ичига олади.

Тармоқни узоқ муддатли жозибадорлигини расмий, миқдор жиҳатдан баҳолаш учун, ҳар бир кўрсаткичга корпарация раҳбарияти унинг муҳимлигига мос келувчи **вазн** бериш зарур, ҳамда шу кўрсаткич диверсификация стратегиясини танлашда муҳим рол ўйнашини ҳисобга олиш зарур. Барча вазин йифиндиси 1.0 га teng бўлиш зарур.


Жозибадорликни аниқ баҳолаш тармоқ жозибадорлигини ҳар бир кўрсаткичнинг баҳосини (баҳолашда 1 дан 5 гача ёки 1 дан 10 гача бўлган шкаладан фойдаланиш мумкин) мазкур кўрсаткични улушга кўпайтириш йўли билан топилади.

Масалан 0,25 вазин 8 га улуш 2,0 га teng бўлган аниқ баҳони беради.

7.2. Жозибадорликни барча омилларини аниқ баҳолаш.

Жозибадорликни барча омилларини аниқ баҳолаш сўммаси тармоқни узоқ муддатли жозибадорлигини курсатади. Мазкур жараён қуйида акс эттирилган:

Расм 7.1. Рақботда тутган ҳолати ва жозибадорлигини таҳлил қилиш учун General Electric матрицаси



Тармоқ жозибадорлиги кўрсаткичи	Вазни	Улуш	Тармоқни аниқ баҳолаш
Бозор хажми ва тахминий ўсиш	0,15	5	0,75
Мавсумий ва циклик тебраниш	0,10	8	0,80
Технологик ҳолат	0,10	1	0,10
Рақобат интенсивлиги	0,25	4	1,00
Кутулажак имкониятлар ва таҳдидлар	0,15	1	0,15
Капиталга бўлган эҳтиёж	0,05	2	0,10
Тармоқ даромадлилиги	0,10	3	0,30
Социал ва сиёсий омиллар, давлат томонидан бошқариладиган атроф мухит омиллар	0,10	7	0,70
Тармоқ жозибадорлигини баҳолаш	1,00	-	3,90

Жозибадорликни баҳолаш корпарация портфелида акс эттирилган ҳар бир тармоқ учун алоҳида ҳисобланади. Тармоқ жозибадорлиги даражаси матрицадаги вертикал бўйича унинг ҳолатини акс эттиради. (Расм 7.1.)

Ҳар бир хўжалик бўлинмасини “кучлари/рақобатдаги ўрни” кўрсаткичини миқдорий баҳолаш учун, тармоқ жозибадорлигини баҳолашда фойдаланилганга ўхшашиб ёндашувдан фойдаланилади.

7.3. Кучлар/рақобат ўрнини баҳолаш омиллари

Кучлар/рақобат ўрнини баҳолаш учун фойдаланилдиган омилларга қўйидагилар киради:

- бозорнинг нисбий улуси;
- товар сифати бўйича рақибга айланиш имконияти;
- бозорлар ва истеъмолчиларни билиш;
- ноу-хоу технологияси муқобил;
- исталган бош ҳусусиятларнинг устунликлари ;
- менежмент даражаси ва нисбий рақобатчиларнинг фойда даражаси (7.1.расмга қаралсин).

Аналитик таҳлилчига қўйидагиларни танлаш зарур бўлади:

Ҳар бир хўжалик бўлинмасини ёки бир хил омиллар асосида баҳолаш (бу эса тармоқлараро таққослаш асосини кучайтиради) ёки унинг тармоғи учун янада аҳамиятли омиллар асосида (бу эса рақиб ўринлари тўғрисида объектив хуласа қилишга имконият беради) баҳолашни ўтказишни талаб этади.

Ҳар бир бўлинма рақобатида кучлар/ўрнини баҳолаш матрица горизантали бўйича унинг ҳолатини аниқлайди: айнан, у кучли, ўртача ёки кучсиз позицияга эришганини акс эттиради.

Тармоқ жозибадорлигини ва бизнес кучини баҳолаш матрица тўқиз катагидан бирида жойлашганини аниқлайди. General Electric матрицасида айланчалалар майдони тармоқ ўлчамига пропорционалликни,

айланчалалар ичидағи сектор эса мазкур хұжалик бўлинмасининг бозор улушкини акс эттиради.

Корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш учун матрица таҳлил натижаларидан фойдаланиш.

7.4. Жозибадорлик/рақобатдаги ўрни матрицасининг таҳлили

Жозибадорлик/рақобатдаги ўрни матрицаси таҳлилини энг муҳим стратегик натижалари компания бизнесини ҳар бир тури учун инвестицион устунликларни баҳолашга тегишли бўлади. Матрицанинг юқори чап қисмидаги З та катаклар тамоқнинг узоқ муддатли жозибадорлиги ва бизнеснинг рақобат ўрни/кучлари ижобий бўлган вазиятдаги бизнес турлари инвестициялаш учун устувордир

Мазкур З та катакка тушиб қолувчи хұжалик бўлинмалари учун стратегик мақсад бўлиб “ўсиш ва қуриш”, бунда “юқори-кучли” (матрицанинг юқоридаги чап бурчаги) катакка тушувчи бизнес инвестиция миқдорини энг юқори талабларини тақдим этади.

Ундан кейин устунлик бўйича матрицани ўнг юқори бурчагида диагонал бўйича чапда жойлашган З та ячейкада ўрин олган бизнес турлари туради. Мазкур бизнес турлари одатда ўртача афзалликка эга бўлади. Улар тармоқда ўз ўрнини ҳимоя қилиш ва сақлаш учун барқарор қайта инвестициялашга лойикдир. Лекин, шу З та ячейкадан биридаги бизнес ноодатий жозибадорлик имкониятига эга бўлса, у янада юқори инвестицион афзалликка эга бўлади ва янада агрессив стратегик ёндашувдан фойдаланиш учун сигнал олади.

Матрицанинг ўнг томонидаги паст бурчагидаги З та катакда жойлашган паст бурчагидаги З та катакда жойлашган хұжалик бўлинмаслари учун тавсия этиладиган стратегиялар бу одатда ҳосилни йиғиши ёки ўринни қайта тиклаш учун яхши потенциал имконият мавжуд бўлган ўта ўзига хос вазиятларда қисқартириш, бу “қайта ўйлаб кўриш ва қайта кўриш”, “инқироз”ни баъзи стратегияси турларидан фойдаланиш бўшлиши мумкин.

Жозибадорлик/рақобатдаги ўрни тўққиз катакли матрицани З та афзаллик томони мавжуд:

Мазкур матрица “ўсиш / улуш” матрицасига қараганды кучли концептуал асосга эга.

Биринчидан, у “юқори / паст” ва “кучли / кучсиз” тушучалари ўртасида оралиқ қиймларини жорий қиласи.

Иккинчидан, у ўзгарувчан стратегик қийматларни янада кенг тўпламда фойдаланилади. БКГ матрицаси факатгина 2 та кўрсатгичга асосланади: тармоқ ўсиш суръатига ва бозорни нисбий улушкига тўққиз катакли GE матрицаси хұжалик бўлинмаси рақобатдаги ўрни / кучлари ва тармоқни узоқ муддатли жозибадорлигини баҳолашда кўпгина омилларни хисобга олади.

Учинчидан, тўққиз катакли матрицада шу нарса энг муҳимки, у бизнес турлари бўйича корпарация ресурсларини ҳаракат йўналишини кўрсатади. Бу эса конкрет афзалликка эришиш ва ҳаммадан яхшироқ ҳаракат қилиш учун асос яратади.

Лекин БКГ матрицаси каби GE матрицаси ўзига хос стратегияларни ишлаб чиқиши бўйича реал тавсияларни таъминламайди; максимум матрица жозибадорлик рақобатдаги ўрни матрицаси қайси стратегияга йўналтириш керак деган саволга жавоб беради: агрессив кенгайтириш, химоя ва мудофаа ёки ҳосилни йиғиштириш қисқартириш. Бундай кўрсатма келажакда компания портфелини бошқариш учун қимматли ҳисобланниб шу билан бирга турли фаолият турлари ўртасида стратегик мувофиқлаштириш тўғрисидаги масалани эътиборга олмаслик, менсимаслик, ҳамда қандай стратегик ёндашувлардан ва хўжалик бўлинмаси даражасида қандай стратегик ҳаракатларни амалга ошириш масалаларини эътиборга олмайди.

Мазкур матрицани бошқа камчилиги бўлиб, ғалабага эришишга тайёр бизнес турларни аниқлаш мумкин эмас, чунки уларнинг тармоғи тез ўсиш босқичининг бошланғич фазасига ўтади.

Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш мисолида «General Electric» компанияси матрицасини қўллаш.

Ҳозирги кунда бутун дунёда хизмат кўрсатиш соҳасидан келаётган даромад улуши жуда катта хисобланади. Шунинг учун хам дунё миқёсида хизматларнинг сони ва сифатини ошириш мухим роль ўйнайди. Хизмат кўрсатишнинг ўзига хос, ажойиб турларидан бири бу – туризм фаолиятидир. Дунёда хеч бир давлат йўқки унинг тарихи, табиати, гўзал манзаралари, қадимий урф-одатлари, маданияти бўлмаса. Хар бир худудда, давлатда бу фаолиятни олиб бориш мумкин. Бунга энг аввало инсонларнинг қизиқиши, хордиқ чиқариши, бўш вақтининг ёки ортиқча маблағнинг кўплиги туртки бўлади.

Туризм фаолиятининг ўзи иккига бўлинади:

1) Ички туризм – бу бир мамлакат ичida одамларнинг бир худуддан иккинчи худудга дам олиш, даволаниш, спорт, атроф мухитни ўрганиш каби мақсадларда қисқа муддатли ҳаракатидир.

2) Ташқи туризм – энг нуфузли туристлик ҳаракат бўлиб, бир мамлакатга бошқа мамлакатдан келган туристларни қабул қилиш ва бошқа мамлакатларга туристлик хизматлар кўрсатиш. Ташқаридан туристларни қабул қилиш ва чиқариш. Туризм фаолияти орқали иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида туристлар қабул қилувчи мамлакатга даромад, валюта тушуми таъминланади, иш билан бандлик амалга оширилади.

Туризм фаолиятининг ички туризм шаклини афзалликларини кўриб чиқсан

1. Аввалинбор махаллий ахоли сони жуда қўпчиликни ташкил қиласди. Ташқаридан келган туристлардан тушадиган даромад катта ва қиммат бўлиши мумкин лекин ички ахоли сони кўп арzon миқдорда хизмат кўрсатилса хам сон жихатидан кўплиги даромаднинг хажмини оширади;
2. Махаллий ахолини ўз худуди билан таништириш, ахборот бериш имконияти мавжуд.
3. Янги иш ўринлари пайдо бўлиб ахолини иш билан таъминланиши;

4. Янги турдаги маршрутлар яратилиши, янги турдаги турлар яратилиши ва ривожлантириш имконияти; ва шу сингари кўплаб авзал томонлари мавжуд.

Кўплаб тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ахолининг кўпинча, соғломлаштириш, экологик, эгзотик ва тарихий, диний туризга бўлган эҳтиёжи катта. Шу сабабли хам ахолининг талабларини инобатга олган холда ички туризмни ривожлантиришни йўлга қўйиш керак.

Ички туримнинг стратегиясини аниқлаб, кутилажак даромадларни кўриш мумкин. Бу стратегияни аниқлашда General Electric компанияси компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “тармоқ жозибадорлиги – рақобатдаги холат” матрицаси орқали аниқлаш афзаллик томонлари кўп.

Турнинг ўзига хос афзалликлари:

1. Бозорнинг усиш сурати яхшиланади;
2. Тармокнинг фойдалилиги катта, чунки бу дам оладиган, табиат қўйнида сайд килиш инсон соғлиги ва қайфиятига катта тасир курсатади;
3. Рақобат холати бошида нисбаттан кам деярли йук бўлади, чунки қупгина тур фирмалар ташки туризм билан шугулланади;
4. Мавсумийлик ички туризмда деярли булмайди;
5. Фаолият айланувчандир йил давомида ҳарактланади;
6. Нархлар маҳаллий ахоли учун арзанлаштиరлади;

Турнинг камчилик ва хавфлари:

1. Атроф муҳит, ижтимоий, хуқуқий ва демографик омилларнинг хавфлари;
2. Тармоқа кириш ва чиқиша хавф хатарларнинг содир булиши мумкинлиги;
3. Янги рақобатчиларнинг пайдо булиши ва кучайиши;
4. Истемолчиларнинг талабини узгариши;
5. Бозорнинг улуши камайиши ва бошқалар

Тармоқнинг узоқ муддатли жозибадорлиги матрицанинг қўйидаги баҳолаш жадвали орқали аниқланади

Тармоқ жозибадорлиги курсатгичи	Вазни	Улуши	Тармоқни аник баҳолаш
Бозор улчами ва усиш суръати	0.15	5	0.75
Тармоқ даромадлилиги	0.20	7	1.40
Тармок фойдалилик чегараси	0.10	8	0.80
Рақобат интансивлиги	0.10	4	0,40
Мавсумийлик	0.05	3	0.15
Капитал куйилмалар ва технологияга куйиладиган талаблар	0.10	4	0,40
Атроф муҳит, ижтимоий хуқукий ва демокрафик омиллар	0.15	7	1,05
Мавжуд имконият ва таҳдидлар	0.15	6	0,95
Тармокка кириш ва чиқиш тусиклари	0,15	2	0,30
Тармок жозибадорлигини баҳолаш	1,00	-	6,20


**Тармоқнинг рақобатдаги холати матрицанинг қўйидаги баҳолаш жадвали
орқали аниқланади**

Рақобатдаги холат	Вазни	Улиши	Тармоқни аник баҳолаш
Бозорнинг нисбий улиши	0,30	8	2,4
Нисбий ракобатчилар фойда чегараси	0,15	9	1,35
Нарх ва сифат бўйича ракобат килиш кобилияти	0,15	6	0,90
Бозор ва истимолчиларни билиш	0,10	5	0,50
Ракобат кучлар ва салбий тамонлар	0,20	6	1,20
Техник имконият даражаси	0,10	8	0,8
Ракобат холатини баҳолаш	1,00	-	7,15

Ушбу баҳолаш жадвали ёрдамида аниқланган ички туризм фаолиятидаги узоқ муддатли жозибадорлиги ва ракобатдаги холати «General Electric» компанияси матрицасининг талаби бўйича қўйидаги холатни ифодалайди:

Raқобат ҳолати

*Тармоқнинг узоқ муддатли
жозибадорлиги*



Бу матрицани таҳлил қиласиган бўлсак, бизнинг ички туризмнинг аҳамияти шундаки, у рақобатда кучли, чунки у билан ҳозирча рақобат қиласиган рақобатдошлар деярли йўқ. Тармоқ жозибадорлиги эса ўрта ҳолда, яъни рақобатдаги баҳомиз 7,15 тармоқ жозибадорлиги эса 6,20 билан баҳоланди. Бу кўрсаткичлардан йўналишнинг стратегиясини кўриб бунданда юқори кучли даражага эришиш мумкинлигини аниқлаш мумкин.

Ички туризмнинг ривожлантириш стратегиялари қўйидагиларидан иборат:

1. Ички «General Electric» компанияси матрицаси орқали корхоналарнинг фаолиятнинг келажаги ва ҳозирги кунини аниқ баҳолаш мумкин. Бу матрица бошқа матрицалардан ҳам афзаллиги шунда, яни унда фаолиятнинг баҳосини хисоблаш мумкин. Бу матрицани ҳар хил соҳадаги, йўналишдаги корхона ва фирмалар учун қуллаш мумкин

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришни оммавий тус олиши учун фақатгина юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар етарли эмас, албатта. Бунинг учун туристлик таълим, тарбия, тарғибот, ташкилий-хуқуқий, ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал қилишда бир ёқадан бош чиқариб, йўлимида учраган барча камчиликларни бартараф этишимиз керак. Ватанимизда ички туризмнинг тараққиёт салоҳияти ниҳоятда катта ва уни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун барча имкониятлар майжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан жаҳонда ички туризми тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, оқилона фойдаланиш ҳамда илмий асосда хатоларсиз амалга ошириш лозим.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси “Ўзбектуризм” Миллий компанияси томонидан юқорида зикр этилган ички туризмни ривожлантириш чора ва тадбирларини, Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш Концепциясида кўрсатилган вазифаларни амалиётда тадбиқ этиш ишларини бошлаб юборди. Ўзбекистонда ички туризмнинг ривожланиши, нафақат маънавий илм-фан, маданият, маърифат, табиатни муҳофаза қилиш, ички туристларни Она табиатимизга жалб этиш, қизиқтириш, ноёб жойлар, урф одатлар, маданият, санъат дунёсини сақлаш ва давом эттириш муаммоларини ҳал қилишга, балки шу билан бирга иқтисодий масалаларни - маҳаллий ҳалқнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларни янги иш жойлари билан таъминлаш, ҳамда Ватанимизнинг валюта заҳирасининг бойишига катта ҳисса қўшади.

Ҳозирги кунда ички туризмни ривожлантиришда куплаб тарихий жойлар, меҳмонхоналар реконструкция қилинди, куплаб кунгил очар масаканлар, истироҳат бөвлари, театр, кино театрлар ва бошқа хизмат курсатиш жойлари қурилмоқда. Куплаб тур фирмалар фаолиятини айнан ички туризмга боғлаб янги турлар ишлаб чиқиб маҳаллий аҳоли учун хизмат курсатмоқда.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда General Electric компанияси матрицасини қўллаш орқали тармоқнинг узоқ муддатли жозибадорлигини ва тармоқнинг рақобатдаги холатини баҳолаб кўриб чиқдик. Келажакда ушбу матрицани қўллаш тур фирмалар учун жуда қулай ва у орқали тур фирманинг стратегиясини аниқлаш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: General Electric, тармоқ жозибадорлиги/рақобатдаги холат матрицаси, кучлар/рақобат ўрнини баҳолаш омиллари, рақобат қуввати, бозор хажми ва таҳминий ўсиш, мавсумий ва циклик тебраниш, технологик холат, рақобат интенсивлиги, тармоқ даромадли, тармоқ жозибадорлигини баҳолаш.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. «Тармоқ жозибодорлиги/рақобатдаги холат» матрицасининг афзаллиги нимадан иборат?
2. Жозибадорликни барча омилларини аниқ баҳолаш қандай амалга оширилади?
3. Кучлар/рақобат ўрнини баҳолаш омиллари қандай амалга оширилади?
4. Жозибадорлик/рақобатдаги ўрни матрицасининг таҳлили нимадан иборат?
5. Матрицанинг юқори чап қисмидаги З та катаклар вазият нимани кўрсатади?
6. Матрицанинг ўнг юқори бурчагида диагонал бўйича чапда жойлашган З та ячейкадаги вазият нимани кўрсатади?
7. Матрицанинг ўнг томонидаги паст бурчагидаги З та катакда жойлашган вазият нимани кўрсатади?
8. Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш мисолида «General Electric» компанияси матрицасини қўллаш қандай амалга оширилади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Камилова Ф.К. – «Халкаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
2. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
3. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Раств н.Д. 2007.
4. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
5. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
6. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образования, МЭСИ – 2000.
7. Петросов А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. Учебное пособие М.; 2001.
8. Тухлиев И.С. Стратегическое планирование. Учеб. пособие Т.; 2004.
9. Карриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
10. Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
11. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
12. Интернет сайтлари:
- <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>

8. ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯЛАРНИ ТАНЛАШ

Режа:

- 8.1. Туризмда инновацион стратегияларнинг моҳияти
- 8.2. Инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари ва туризм корхоналарининг инновацион стратегиялари
- 8.3. Туризмда инновацион дастурлар ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари ва уни амалга ошириш
- 8.4. Ўзбекистоннинг туризм соҳасида фойдаланадиган стандарт ва маҳсус дастурлар

8.1. Туризмда инновацион стратегияларнинг моҳияти

Туризм билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг турли соҳалардаги янги технологик ўзгаришларга туристик корхоналарнинг ўз вақтида мослашиши фаолият натижаларида янги иш методларини яратиш ва такомиллаштириш қобилияти корхона фаолиятни давом эттириш учун зарур шарт хисобланади. Инновацияларни жорий этиш зарурияти, рақобат курашини ва бозорнинг бошқа қатор талабларини рағбатлантиради. Улардан фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати замонавий шахс руҳиятидаги ўзгаришлар, ўзгариб турадиган истеъмолчи талаб истак ва хошишлари, демографик, иқтисодий ва ижтимоий тартибларининг ўзгариши билан изоҳланади.

Стратегик бошқаришга қарашларни замонавий тизими ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ўзгаришлар таъсири остида шакллантирилди ҳамда қайта ташил этилди. Стратегия туризм фирмасининг ташқи муҳит талабаларига реакцияси сифатида фирма салоҳиятидан фойдаланиш ва тараққиёт воситаси ҳисобланиб, унинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва кучайтиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Мазкур реакцияни тушуниш ва баҳолаш ўртасидаги фарқ тушунчанинг турли хил таърифларда ифодаланиши билан белгиланади.

1990 йилларнинг ўрталарида туристик талабда қўйидаги янги тенденциялар вужудга келди:

- туристлар хатти-ҳаракатлари стереотипининг ўзгариши. Туристик ташрифлар мотивациясида дам олишни фаол шаклларининг таъсири кучайди, туризмни замонавий турлари сафига экзотик турлар кира бошлади, туристик ташрифлар мотивацияси қониқишига бўлган талаб ва таассуротлар ўзгаришида акс этади;
- саёҳат қилувчиларни ёш таркибининг яъни туристларни умумий таркибида ёши ўтган шахслар улушкини ортиши талабни индивидуаллаштириш ва маҳсуслаштиришни талаб қилмоқда. Туристлар аксарият ҳолларда ўзларининг шахсий хошиш-истаги бўйича танланган якка ташрифларни афзал қўрадилар. Ҳаммага маълум бўлган ва “аҳоли гавжум” курортларга гурухли турлар кўпчиликни эндиликда қониқтирмайди. Шу сабабли, туристлик фирмалар барча туристлар учун ўз маҳсулотини йўналтиргайди, балки, мижозларни аниқ мақсадли гурухларини қондиришга йўналтиради. Умумий туристик ташрифлар таркибида чет элга бўлган ташрифлар сонини

ортиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида мамлакат ичкарисидаги туристлар сонини камайтириш тенденцияси кузатилади;

- истеъмолчи-турист фикрини экологиялаштириш. Атроф-муҳит билан инсоният жамиятини узлуксиз бирлигини англаш юз беради, натижада экологик турларга бўлган талаб ортади;
- туристик ташрифлар давомийлиги ва частотасининг ўзгариши. Саёҳатлар частотаси узоқ муддатли бўлиб, уларни давомийлиги эса камайиш тенденциясига эгадир. Бундай вазият “интерваллар” билан саёҳат қилиш деган номни олди. Бунинг сабаби, аввалло асосий таътилни бўлаклашга бўлган истеъмолчиларни интилиши билан изоҳланади. Интерваллар билан саёҳат қилиш туризм соҳасидаги кескин бўлган муаммолардан бирини ечишга, яъни туризм корхоналари фаолиятидаги номавсумий тенгсизликни бартараф этишга ёрдам беради;
- сервис (хизмат кўрсатиш) даражасига туристлар талабининг ошиши, туристлар янада саводли ва тажрибали бўлиб, натижада яна ҳам талабчанроқ бўлишди;
- туристик дам олишни интенсификациялаш экскурсияларни турли сайдлар ҳамда учрашувлар билан бойитишни талаб қилмоқда.

Мазкур факторларнинг таъсири шунга олиб келадики, ҳозирги шароитда инновациялар туристик корхоналар учун бозорда яшаб қолишининг асосий шарти бўлиб қолмоқда.

Янгиликлар бозор эҳтиёжининг ўлчови бўйича жорий этилишида менежер унинг зарурияти ва мақсадга мувофиқлигини олдиндан кўра билиши керак. Мазкур соҳадаги ишлар доирасида қуидагилар тавсия этилади:

- исталган бозор улушкини таъминлаш учун зарур бўлган товар хизматларни аниқлаш;
- эскирган товар ва хизматларни ўрнини босувчиларини аниқлаш инновациянинг фирма фаолиятининг барча соҳаларига жорий қилиш (реклама ва ҳоказо);
- инновациянинг қисқа ва узоқ муддатли дастурлари мувозанатини саклаш (фойдани қандай ошириш керак? мавжуд маблағлардан қай тарзда самарали фойдаланиш мумкин? ва ҳоказо)

Ҳозирги вақтда хизматлар ишлаб чиқаришда инновациянинг қуидаги асосий хилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- янги турдаги техника, қурилма мослама, инструментлар ҳамда хизмат кўрсатишида меҳнатнинг техник-технологик усуллари билан боғлиқ инновациялар. Замонавий хизматлар соҳасига ягона сезиларли тенденциялар, компьютер техникасини жорий қилиш, мижозлар билан ишлашни енгиллатувчи ахборот технологиясини тадбиқ этиш ;
- ташкилий-технологик хизматларнинг янги турлари, хизмат кўрсатишнинг янада самарали шакллари ва меҳнатнинг ташкилий-меъёрлари билан боғлиқ инновация тури ҳисобланади;
- бошқарув менежментнинг шакл ва усулларидан фойдаланувчи ташкилотнинг ички ва ташки алоқаларини такомиллаштиришга йўналтирилган инновациялардир;

- комплекс, бир вақтнинг ўзида сервис фаолиятининг турли жиҳат ва томонларини қамраб олувчи инновация туридир.

Хозирги вақтда туризм соҳасида инновацияларни янги туристик маҳсулотни яратишга ёки мавжудларини ўзгартишига қаратилган, янги бозорларни ўзлаштишига, илгор ахборот телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишига, туристик, транспорт ва меҳмонхона хизматларини тақдим этишини олдиндан бронлаш (банд қилиши)ни тақомиллаштишига, туристик корхонанинг фаолиятига ташкилий-бошқарувнинг замонавий шаклларини жорий қилишига йўналтирилган фаолиятлар натижаси сифатида тушуниш керак.

8.2. Инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари ва туризм корхоналарининг инновацион стратегиялари

Туризм корхоналари инновацион фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- одатдаги хизматларни кўрсатишида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- янги хусусиятли янги хизматларни жорий этиш;
- олдин фойдаланилмаган янги туристик ресурслардан фойдаланиш;
- хизмат кўрсатишида ва истеъмолни ташкил этишида одатдаги туристик хизматларни ўзгартириш;
- туристик хизмат ва товарлар сотишини янги бозорларини аниqlаш ҳамда улардан фойдаланиш.

Янгиликни жорий этишида туризм корхонаси қуидаги инновацион стратегиялардан бирини танлаб олади:

- ҳужумкор стратегия (бозорни янги соҳаларига ва бозор истиқболларига йўналтириш);
- ҳимояланиш стратегияси (ракиб фаолияти натижалари таҳлил қилингандан кейингина бозорга чиқиш);
- ҳазм қилувчи стратегия (янгиликларни бошқа компаниялардан харид қилиш);
- оралиқ стратегия (ракобатчилар ўртасидаги бозор ўрнини тўлдириш);
- бозорни яратиш (бозорни кенгайтирувчи янгиликларни жорий этиш);
- қароқчилик стратегияси (бозор фаолиятини камайтирувчи янгиликларни жорий этиш);
- мутахассис-дастурчиларни жалб қилиш.

Қоидага кўра, инновацион жараёнлар жорий этишини менежерларнинг қайси таркибий бўлинмаларда ишлов беришидан қатъий назар ишлаб чиқариш, ташкилий-технологик, маркетинг ва бошқарув фаолиятининг турли томонларини қамраб олади. Менежерлар, маркетинг бўйича мутахассислардан ташқари, инновацион жараёнларга оддий ходимлар ҳам туризм корхонасининг барча персонал ходимлари ҳам бевосита алоқадор ҳисобланади. Бундай вазиятда жорий этиш жараёни вертикал равишда юқоридан пастга йўналтирилади.

Агар янгиликлар муваффақиятли жорий этилса унда мазкур вертикалга истеъмолчилар ҳам қўшалади. Бу ҳолатда янгиликлар янада кенгроқ тарқалиш имкониятини касб этади: янгиликларни муваффақиятли туризм корхонасига сотиш ҳажмини оширишга, мижозлар сонини орттиришга имкон беради ва бир вақтнинг ўзида рақибларда ҳам мазкур муваффақиятни такрорлаш истагини уйғотади.

Туризм амалиётига инновацияларни жорий этишни мураккаблигини англаган ҳолда менежерлар инновацияларни ўзлаштиришни барча жараёнини режалаштиришлари ҳамда унинг бориш жараёни ва натижаларини дикқат билан кузатишлари зарур. Бизнинг фикримизча, уларга ёрдам тариқасида таклиф этиладиган инновацион дастур ишланмалари катта рол ўйнаши мумкин.

8.3. Туризмда инновацион дастурлар ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари ва уни амалга ошириш

Инновацион дастур «техник-маркетинг сиёsat» тизимини муваффақиятли фаолиятини таъминлайди, унда маркетингни роли ахборот таъминотида ҳамда эришилган натижаларни баҳолаш тизимини шакллантиришда ва бош мақсадларни белгилашда иштирок этишда намоён бўлади.

Инновацион дастурларни мавжудлиги туризм корхонасини ресурсларидан фойдаланишни енгиллаштиради, мақсадга эришиш учун янада мақбул воситаларни танлаш имконини беради ҳамда ташқи муҳитнинг таъсири натижасида келиб чиқадиган хавфни анча камайтиради.

Инновацион дастурни ишлаб чиқиши асосий босқичлари ва уни амалга ошириш чизмада кўрсатилган.

Инновацион дастурларни ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари



Етакчи инновацияларни ўрганиш ва ишлаб чиқариш жараёнида олимлар ва менежерларни узвий ҳамкорлиги, компанияни умумий мақсадларга эришиши учун ўзаро алоқалари ўта муҳим ҳисобланиб унинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга имкон беради.

Инновацион дастурларни саралашда новатор-туризм корхоналари тўғри фундаментал инновацион дастурларни танлаб олиши зарур. Қандайдир лойиҳалардан бирига тўхталишдан олдин, туризм корхоналари уларнинг ўзлари фаолият қўрсатадиган умуий иқтисодий муҳитни ҳисобга олишлари зарур. Улар ўз ресурсларини қисқа муддатли маҳсулот хилма-хиллигига қаратмасдан ўз қудратини кенгайтирилган ва узоқ муддатли лойиҳаларга сарфлашлари ҳамда уларни жорий этишдан каттагина натижаларга эришиш ва реал фойда олишга қартилган бўлиши керак.

Кўп ҳолларда инновацион дастурлар корхона фаолиятини узоқ муддатли режалаштириш билан боғлиқ бўлади. Бизнинг фикримизча, туризм корхоналари лойиҳа тўғрисида қарорлар қабул қилишдан олдин уни учта позиция бўйича кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир:

- мумкин бўлган технологик тўсиклар;
- рентабелликка таъсир қўрсатувчи иқтисодий муҳит омиллари;
- унинг технологик ва иқтисодий амалга оширишга эришиш учун лойиҳалар устида ишлаш давомийлиги.

8.4. Ўзбекистоннинг туризм соҳасида фойдаланадиган стандарт ва маҳсус дастурлар

Янада илғор туризм фирмаларида шундай ишонч мавжудки, у ёки бу лойиҳани қабул қилишда улар ўз олдига шундай мақсадни қўядики, уни категорияларга бўлишга нисбатан мақсадларни аниқлаш ва тавсифлаш янада фойдалиdir. Шу тарзда, мақсадларни шакллантириш инновацион дастурларни танлаш жараёнида устувор ҳолатни белгилайди.

Умумий мақсадлар – тармоқдаги барча технологик ўзгаришлар ва янгиликлардан хабардор бўлиши, уларга мос келиши, бозорда рақобатбардошли бўлиши зарур.

Хусусиятли мақсадлар туризм корхонаси етакчи бўлган фаолият соҳаларини танлаш, бунда қуидагиларни англаши зарур:

- туризм компанияси барча соҳаларда ҳам етакчилик позициясини эгаллай олмайди;
- шундай чегара мавжудки, маълум муаммони ечиш бўйича исталган хатти-харакатлар рақобатга олиб келмайди;
- битта, аниқ қайд этилган маълум мақсадга эришиш учун кучли харакатланиш, бунда ярим куч билан кенг қамровли вазифаларни қамраб ишлашга нисбатан барча зарурий ресурслардан фойдаланиш талаб этилади.

Туризм соҳаси замонавий компьютер технологиялари каттагина фойда олиб келадиган иқтисодиёт секторларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги йирик турфирмаларда (Планета тур, Жаннат ороми, Ориент вояж, Ясмина тур) анкета сўрови ўтказиш натижалари уларнинг офисларида асосан **MS Offise** стандарт таъминот дастуридан фойдаланиши маълум бўлди. (Диаграмма 8.1.)

MS Word дастури асосан иш юритиш ёзишмаларида, прайс-варақа ва йўлланмаларни шакллантиришда, турли хил бланкалар ва бошқа хужжатларни тайёрлашда фойдаланилади.


MS Excel дастури асосан турларнинг қийматини ҳисоблашда фойдаланилади. Масалан, турларнинг ҳисоб-китобини тезлатиш мақсадида Тошкентдаги Планета Тур фирмаси ходимлари томонидан нархларнинг ҳисоб-китоб шаблони тузилган. Шунингдек, **MS Excel** дастурида туристик компаниялар маркетологлари бозорни маркетинг тадқиқотларида, жадваллар тузишда, ҳисботлар тайёрлашда, ундан ташқари расмлар ва диаграммалар тайёрлашда фойдаланилади.

MS Access дастури ҳамкор турагентлар ва истеъмолчилар ҳақидаги маълумотларни ҳамда турли хилдаги маълумотлар базасини яратиш ва ишлатишда фойдаланилади.

MS Power Point дастури ходимлар томонидан ўз фирмасини ёки меҳмонхонасини тақдимотини ўтказишда фойдаланилади.

Диаграмма 8.1.

Туризм фирмалари офисларида стандарт таъминот дастуридан фойдаланиш холати




Юқорида кўрсатилган стандарт дастурларида ташқари ҳозирги пайтда туристик фирмаларда 30 дан ортиқ махсус дастурлар таъминоти ҳам мавжуд.

Бу дастурлар турларнинг тўловларини назорат қилиш, транспорт ва меҳмонхоналардаги вақтнинг календар ҳисобини олиб боришда ҳамда турли хилдаги анкета ва туристлар рўйхатини расмийлаштиришда фойдаланилади.

Ўзбекистоннинг туризм хизмат бозорида 10 га яқин турфирмаларнинг фаолиятини автоматлаштиридиган дастурлар қўлланалади. Улардан энг кўп фойдаланиладиган дастурлар қуидагилар: “1С-Рарус: Турагентство”, “InTour Office”, “Мастер-Тур”, “Само-Тур”, “ТурВин”, “Турбо-тур”, “Аист-2.5” ва бошқалар.

Ўзбекистоннинг туризм сервисида қўлланиладиган махсус дастурлар таркиби ва тузилиши қуидаги 8.2. диаграммада кўрсатилган.

Диаграмма 8.2.



Бу дастурларни қўллаш турли нархларга эга бўлиб, жумладан, Ўзбекистон хизмат бозорида 500\$ дан 1500\$ гача бўлиши мумкин.

Меҳмонхоналарни резервлаш ва жойларни олдиндан банд қилиш тизими, авиабилетлар ва бошқа транспорт воситаларига билетлар сотиш тизими, круизлар ва ҳ.к. Бугунги кунда булар Ata-deus, Gabriel, Sabre, Word Span, Apollo каби йирик тизимлар бўлиб, улар Internet да ўз вакилларига эга. Бундан ташқари, Internet технологиялари туризм фирмалариға факсларни жўнатиш ва халқаро телефон сўзлашувларига сарфланадиган ҳаражатлар ҳисобидан каттагина маблағларни иқтисод қилишга имконят беради.

Масалан, Туркияга бир варак факсни жўнатиш нархи 2.5 доллар (1 минутнинг нархи) ни ташкил этса, худди шу сахифани E-mail электрон почтаси билан жўнатиш – 0.1 доллар миқдорида ҳақ олинади. Бундан ташқари бошқача усул ҳам мавжуд, E-mail каналларидан фойдаланиш, яъни бир ойда 5 доллар сарфлаб ўз почта қутингизни электрон почтасини очиб ҳар килобайтига 1 центдан (Россия ва СНГ давлатларида) 5 центгача (жаҳон бўйича) тўлаб чекланмаган миқдордаги маълумотларни қабул қилишингиз мумкин. "Relcom" фирмаси орқали рўйхатдан ўtkазиш қийматларини ҳисобга олиб (20 доллар бунга ўхшаш ҳаражатлар 25 мартаға, баъзи ҳолатларда 100 ва ундан ҳам кўпроқ маротаба камайтирилиши мумкин.

Бошқа мисол, жаҳон бўйича отелларни брон қилиш (олдиндан жойни бронлаш)га имкон берувчи Worldhotel тизими ва жаҳоннинг турли шаҳарларидағи метролар схемаси, поезд жадваллари, билетларни сотиш бўйича вертиуал агентликлар, авиакомпаниялар тўғрисида, машиналарни ижарага олиш, круизлар ва кўпгина бошқа нарсалар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ABC Travel Center тизими шулар жумласидандир. Бундай тизимлардан кўп ҳолларда вақти ўтиб бораётган йўлланмани ёки авиачипталарни 20-50% гача арzon ҳарид қилиб олиш мумкин.

Янги технологиялар оқими натижасида турхизматлар бозорини интенсив қайта таркиблаш амалга оширилмоқда. Бунда муомала қиймати тезда тушиб кетди. Бу эса олдин улар учун мумкин бўлмаган яъни агентликларга хизматлардан 2-3 кишини фойдаланиш имкониятини берди. Бу дегани унча катта бўлмаган турагентликлар йирик ташкилотлар билан жиддий рақобат курашга кириша оладилар. Бунга мисол сифатида "TISS" немис фирмасини олишимиз мумкин. 2007 йилда икки киши авиачипталар савдоси билан шуғулланиб 140 млн. немис маркаси миқдорида оборотни таъминладилар ва шунга яраша фойда олишди.

Таянч сўз ва иборалар: Туризмда инновацион стратегиялар, инновацион фаолият, туризмда инновацион дастур, “1С-Рарус: Турагентство”, “InTour Office”, “Мастер-Тур”, “Само-Тур”, “ТурВин”, “Турбо-тур”, “Аист-2.5”, Ata-deus, Gabriel, Sabre, Word Span, Apollo, MS Access, MS Excel, MS Word, MS Power Point.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризмда инновацион стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?
2. Туризм корхоналари инновацион фаолиятининг асосий йўналишларига нималар киради?
3. Туризм корхоналарида қандай инновацион стратегиялар мавжуд?
4. Хизматлар ишлаб чиқишида инновациянинг қандай асосий хиллари мавжуд?
5. Туризмда инновацион дастурларни ишлаб чиқишини асосий босқичлари ва уни амалга ошириш шнималардан иборат?
6. Ўзбекистоннинг туризм соҳасида қандай стандарт ва маҳсус дастурлардан фойдаланмоқда?
7. Туризм талабида қандай янги тенденциялар юзага келди?
8. Жаҳон бўйича маҳмонхона-отелларни брон қилиш бўйича дастурлардан мисоллар келтиринг.

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
3. Камилова Ф.К. – «Халкаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
4. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
5. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Раствор н.Д. 2007.
6. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
7. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
8. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образования, МЭСИ – 2000.
9. Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
10. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
11. Интернет сайtlари:
- <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>

9. ТУРИСТЛИК ФИРМАЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

- 9.1. Турфирмаларда ўтказилган сўров натижалари
- 9.2. Турфирма фаолиятининг асосий муаммолари
- 9.3. «Балхаш Тур» туристик фирмасининг асосий стратегиялари

9.1. Турфирмаларда ўтказилган сўров натижалари

Ҳар қандай стратегияни биринчи марта ишлаб чиқувчи туристик фирма уни инновация сифатида кўриши ва ушбу фирманинг ташқи мухитга мослаша олишининг янги усули деб тарифлаши мумкин. Ўз стратегиясини шакллантирувчи фирма унинг учун янги бўлган усуллардан фойдаланиш зарурияти билан туқнашади. Фирма ўз мақсадига эришишга қаратилган стратегия инновацион ҳолатда намоён бўлади. Стратегияни кўриб чиқиш жиҳатларини солиштирган ҳолда унинг ажратилган таркиблар ҳолатини баҳолаб, стратегияни қай даражада янги бўлганлигини тушуниш мумкин.

Тадқиқот қилинган 27та туристик фирма фаолияти тезкор режалаштириш асосида амалга оширилмоқда. Стратегик бошқаришни қабул қилмайдиган фирманинг иш юритиш мазмуни, моҳияти билан стратегик ва тезкор режалаштиришни бир-бирига зид қилиб қуяди.

Стратегия - фирманинг ташқи ва ички мухитидаги хавф түғдирадиган, унинг фаолияти учун янги имкониятлар яратадиган хилма хил ўзгаришилар шароитида ривожланишига қаратилгандир.

Менежернинг аниқ харакати бошқариш кўринишларини қарама-қарши бўлишига йул кўймайди. Мақсадлари, услублари ва вақт улчамлари билан фарқланадиган стратегик ва тактик бошқаришни менежер амалга оширади. Шунингдек, фирманинг истиқболдаги ҳолати, хавф-хатарлар, имкониятлар таҳлилида жорий рентабелликни таъминлаш жараени ҳисобга олинади. Фирманинг ўрни ва рақобат таҳлилини ўтказишида фирманинг жорий ҳолатидан келиб чиқиш зарур. Диверсификация йўллари таҳлилини ўтказаётгандаги фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатидаги камчиликлар таҳлили мухим ҳисобланади. Агар стратегияни фақат иқтисодий фаолиятнинг ташқи мухитдаги олдиндан кутиладиган ўзаришларга мослашиш деб тушунсак, бошқариш усуллари бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Туристик фирмалар асосий эътиборни ўзининг ташки мухитини ўрганишга қаратади. «Туристлик хизматлар бозорида рақобатни белгиловчи кучларини кўрсатинг» деган саволга жавобларнинг 32% - ҳақиқий рақибларни; 29% - харидорларнинг бозордаги якка ҳокимлиги; 21% - етказиб берувчиларнинг бозор устунлигини; 8% - ўрнини босувчилар (худди ўша эҳтиёжни бошқа усуллар билан кондириш) пайдо бўлиш хавфларини кўрсатишиди. Туристлик тармоқда юқорида кўрсатилган кучлар таъсири - рақобатнинг тезкор ривожланиши ва фирмалардаги мавжуд афзалликлар «эскиришига» шароит яратади. Ташқи мухит таҳлили фирмаларга хавф-хатарлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишини ўз вақтида пайқаш, кутилмаган

холатлар пайдо бўлишига қарши зарур режаларни ишлаб чиқиш имконини бериб, салоҳиятли хавф-хатарларини фойдали имкониятларга айлантиришга ҳаракат қилиш лозим. Туристлик фирма раҳбарларидан (эгаларидан) олинган маълумот, уларнинг фаолиятидаги асосий муаммолар аниқланди, жумладан 66,8% жавоблар туристик фирмалар фаолиятининг асосий муаммоси солиқ сиёсатининг нобарқарорлиги ташкил этиши қайд этилган. Бунинг асосий сабаби, фирма фаолияти даражасидаги хуқуқий меъёрларнинг такомиллашмаганигидан далолат беради. Шунингдек, мавжуд солиқ кодексида туризмдаги четга саёҳатга чиқиш борасидаги нарҳ-навога қушилган кўшимча қиймат солигини тўлаш курсатилмаган, яъни уни турнинг жами ҳисоби бўйича тўлаш керак-ми ёки бўлмаса хизматлар учун олинган тўлиқ ва хорижий шахсларга хизмат қўрсатиш борасидаги баҳолар ҳисоби ўртасидаги фарқдан тўлаш лозимлиги аниқ белгилаб берилмаган. Бу хусусиятларни белгиловчи изоҳлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгилаб берилмаган. Бундан ташқари, туристик фирма ва турист ўртасидаги пулли хизматларни қўрсатиш тўғрисидаги шартномани тавфисловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар кодексининг 703-моддасидаги зиддиятлар бартараф қилинмаган.

9.2. Турфирма фаолиятининг асосий муаммолари

Турфирма фаолиятининг асосий муаммоларига қўйидаги жавоблар олинди туристик хизматлар бозорида юқори рақобат - 60,8 % , давлат томондан туризмни ривожлантиришга кўмак етарли бўлмаган - 55,0 % , ўз маблағларининг етишмовчилиги - 51.7 %, истеъмолчининг тўлов қобилиятсизлиги - 49% каби оммиларни курсатишиди.

Муаммоларнинг муҳимлиги туристик бозорда ҳар хил муддат давомида ишлайдиган фирмалар томонидан тақдим этилмоқда. Бир йилдан кам ишлайдиган фирмалар энг кучли рақобатга учрашмоқда. Беш йилдан кўп амал қилувчи фирмалар бу муаммони тўртинчи ўринга қўйган, ёш фирмалар эса камроқ давлат қўмагига ишонч хосил қилишади (дастлабки муаммолар ўртасида бешинчи ўрин), шу билан бирга ўз кучига ишонган фирмалар муҳимлиги бўйича бу муаммони иккинчи ўринга қўйишган.

Жадвал 9.1. Туристлик фирмалар фаолиятидаги асосий муаммолар (мувофиқ гурухлар бўйича жавоб берувчиларнинг сонидан фоиз ҳисобида)

Муаммо сифатида таъқидланган	Жами фирмалар дан	Шу жумдадан фаолия даври бўйича фирмалар		
		1 йилдан кам	2-5 йил	5 йилдан кўп
Солиқ сиёсатининг нобарқарорлиги	66,8	58,5	67,7	70,9
Туристик хизматлар бозоридаги юқори рақобат	60,8	61,1	63,5	54,3

Давлат томонидан туризм ривожланишига етарлича ёрдам бермаслиқ	55,0	46,5	53,5	64,8
Ўз пул маблағларнинг етишмовчилиги	51,7	51,8	51,1	53,0
Истеъмолчиларнинг тўлашга қодир эмаслиги	49,0	49,8	48,8	56,3
Туристик фаолиятни тартибга келтирадиган хуқуқий ва меъёрий хужжатларнинг етишмаслиги	41,6	38,9	41,5	44,1
Туризм инфратизилмасинг қониқарсиз ҳолати	35,0	31,3	33,3	41,7
Сармояларнинг танқислиги	20,0	20,8	19,1	21,5
Малакали ходимларнинг етишмаслиги	14,0	18,7	13,1	12,6
Юқори тижорат фоизи	9,0	10,2	9,7	6,5
Жавоб беришга қийналганлар	2,6	4,4	2,5	1,7

Бозор таҳлилиниң асосий жихатлари - туристик йўналишлар, вакт даврлари, асосий рақиблар бўйича унинг жорий ва қутиладиган ҳажмини баҳолаш ҳамда олдиндан ўрганиш билан боғлик. Илмий адабиётларга мувофиқ тегишли ихтисослашган услубиятлар йўқ. Аксарият фирмалар фирмаларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда анъанавий ёки такомиллашган услублардан фойдаланади. Аммо улар рақиб мақсадини, вазифаларини, хилма ҳил йўналишлар бўйича фаолият афзалликларни ва истиқболларни аниқлашга имкон яратмайди. Фирмалар ўз рақибларини ўрганиш учун маҳсус технологиялар шакллантириш бўйича тажриба мавжуд.

Туристик фирмалар рақиблар фаолияти юзасидан вужудга келувчи хавфхатарлар ёки қулай имкониятлар борлигини асосли исботлашга харакат қилишадилар. Бу фирма ишларнинг ҳолатига рақиблар ҳаракатларининг қутилажак таъсирини ва рақиблар салоҳиятини баҳолашга, зарурий хаттихаракатларни бажариш учун, қолган вакт захирасини баҳолашга имкон беради. Суров ўтказилган фирмаларнинг 33% стратегик гурӯҳлар хариталарни, фирмадаги рақобат афзалликларнинг кесимларини, Бостон маслаҳатчи гурӯҳнинг матрицаси орқали ва SWOT - таҳлилини (шаклланишнинг ҳил даражаси билан) бажаради.

Мисол учун «Балхаш тур» туристик фирмаси 2009 йилда ривожланишнинг ўз стратегиясини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга киришди. Фирма муваффақиятли ривожланмоқда, зарурий материал-техникавий ва касбий базага эга. Аммо у талабнинг мавсумий тебранишларга бўйисинади, қимматли реклама фаолиятини амалга оширади, айрим туристик йўналишлар бўйича юқори харажатларга эга. Иккинчи жадвалда буюртмачилар портфелидаги жойлашув

тұғрисида маълумотлар, рақиблар жойлашуви ва фирманинг бизнес соҳасида фаолият истиқболлари көлтирилген

Жадвал 9.2.

«Балхаш Тур» туристик фирма айрим хизматларнинг ҳаёт цикли босқичлари

Хизматлар тоифалари	Тур йўналиши	Ҳаёт цикл босқичи	Буюртмалар портфелида жойлашуви	Рақобатда холати	Фойда	Бизнес соҳадаги истиқболлар
Гурухий турлар	Австрия	Етуклиқ	Фойдали	Ишончли	-	Эскирган
	Буюк Британия	Ўсиш	Истиқболли	Қулай	-	Истиқболли
	Германия	Пасайиш	Эскирган	Суст	-	Бозордан чиқариш
	Греция	Ўсиш	Истиқболли	Ишончли	+	Фойдали
	Бразилия	Ўсиш	Истиқболли	Қулай	+	Фойдали
	Тунис	Етуклиқ	Фойдали	Кучли	+	Эскирган
	Франция	Ўсиш	Истиқболли	Кучли	+	Фойдали
	Хорватия	Бозорга чиқиши	Муаммоли	Қулай	+	Истиқболли
	Швейцария	Етуклиқ	Фойдали	Суст	-	Эскирган
Якка турлар	Австрия	Ўсиш	Истиқболли	Ишончли	-	Фойдали
	Италия	Ўсиш	Истиқболли	Кучли	+	Фойдали
	Россия	Ўсиш	Истиқболли	Қулай	+	Фойдали
	Дарё круизлари	Бозорга чиқиши	Муаммоли	Ишончли	+	Истиқболли
	Франция	Ўсиш	Истиқболли	Қулай	+	Фойдали
	Швейцария	Ўсиш	Истиқболли	Кучли	+	Фойдали
	Темир йул ва авиа чипталарни сотиш	Ўсиш	Ўсиш	Кучли	+	Фойдали

«Балхаш Тур» компанияси фаолиятидаги ўн олтига йўналишларидан ўнтаси ўсиш босқичидан ҳаёт циклнинг етуклиқ босқичига ўтиш истиқболи билан ривожланмоқда. Бостон консалтинг гурухи матрицасида ўн йуналиш бизнеснинг истиқболли соҳасига киритилган ва фирманинг рақобат афзаликларини ифодалайди. Забт этган бозорларда фаолиятнинг уч йўналиши барқарор даромад көлтиради. Фақат бир йўналиш - Германия тушкунлик босқичидадир. Тушкунликнинг сабаби - виза олиш қоидаларига талабчанликнинг кучайишига асосланган. Эндиликда агентликлар хужжатларни топширишда имтиёзлардан маҳрум бўлди, туристлар бевосита сухбатдан ўтишга мажбур. Фирма туристнинг хорижда ҳар бир қадамини ҳисобга олиши шарт, батафсил ёзилган дастурдан иборат шерикнинг таклифномаси ва кундалик ҳаёт ўлашнинг исботи, ички паспорт нусхаси хужжатлар пакетига солиниши керак, агарда чет эл паспорти 2000 йилдан кейин берилган бўлса, эскисини ҳам қўшиб қўйиш зарур. Буларнинг барчаси Германия йўналишда талабнинг кескин пасайиб кетишига олиб келди. Буюртмалар портфелида икки

йўналиш - Хорватия ва Россия дарёлари бўйича круизлари муаммоли соҳага киритилган, улар яхши истиқболга эга.

Туристик фирмалар билан бажариладиган ички ва ташқи муҳитларни ўрганиш SWOT- таҳлил матрицасини қўриш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Матрицани тўлдириш пайтида ташқи муҳитда пайдо бўлган имкониятлардан фойда олиш учун фирманинг кучли томонидан фойдалиниш бўйича тадқиқот стратегисияни ишлаб чиқишга ундейдиган жуфт комбинациялар ташкил бўлади.

9.3. «Балхаш Тур» туристик фирмасининг асосий стратегиялари

«Балхаш Тур» туристик фирмаси тўрт асосий стратегияни ажратган, фирма ички муҳитдаги кучини ташқи муҳит имкониятлари билан солиширишда қўйидагиларни ўз ичига олган стратегияси аниқланган: рақобат афзалликлари ва савдо маркасидан фойдаланиб, фирманинг обру-эътиборини маъқуллаш, ходимларнинг билим ва кўникмаларга таянган ҳолда истеъмолчиларнинг ишонч даражасини маъқуллаш, савдо маркасидан ва малакали кадрлардан фойдаланган ҳолда «юлдузли» турмаҳсулотларни олдинга суриш, етуклик босқичида турган турмаҳсулотлар даромадлилигини сақлаш. Фирманинг ички муҳитидаги кучини ташқи муҳит хавф-ҳатарлари билан таққослаш «Балхаш Тур» ҳамкорлик қилувчи агентликлар афзалликларни тан олиш ҳисобидан агентлик тармоғини кенгайтиришга қўпроқ эътибор беришга имкон яратади. Фирма бозорга чиқувчи турмаҳсулотларнинг олға силжишини фаоллашириши керак, бунда Россия ва Хорватия истеъмолчилари учун қимматликларни яратиш имкониятларидан фойдаланиши керак. Фирма мувофиқ йўналишларни ишлаб чиқиши учун бозор тадқиқотини маблағ билан таъминлаши зарур. Янги, бошқаларга нисбатан паст нархларни таклиф этувчи шерикларни топиш, меҳмонхоналар билан тўғридан тўғри шартномалар тузиш орқали фирма ўз мижозларига арzonроқ бўлган турларни тақдим этиши мумкин.

Фирма суст томонларини ташқи муҳит имкониятлари билан солишириш орқали фирмани ички ва халқаро бозор мониторингга, ўзгаришларга эгилувчан тарзда жавоб беришга қаратади. Янги рақибларни бетараф қилиш йўли, бу - ўз обуси ва хизматлар сифатини юқори даражада сақлашдир. Фирма замонавий технологиялар ёрдамида юқори малакали ходимлар билан шаклланган ноёб туристик маҳсулотни тақдим этиш орқали истеъмолчилар савдолашишига йўл қўймайди.

Фирманинг ожиз томонларини ташқи муҳит хавф - хатарлари билан солишириш орқали унинг ҳаракатларини марказлаштирилган диверсификация (истеъмолчиларни савдолашишга бўлган қобилиятини пасайтириш ва янги рақибларнинг таъсирини бартараф қилиш мақсадида янги йўналишларни ишлаб чиқиши) бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратади. Фирма циклнинг тушкунлик босқичида бўлган фаолиятини йўқ қилиб, бўш маблағларни янги турлар ишлаб чиқишга жалб қилиши керак. Янги рақиблар таъсирини пасайтириш учун фирма ўз ҳаракатни янги ишончли шерикларга ва хизмат стандартларини оширишга қаратиши даркор.

Аммо фирманинг асосий стратегиялари унинг инновацион ривожланишида умумий белгиларни яратади. Фирма билан танланган стратегияларни баҳолаш учун мезонларни тартибга келтириб, уни амалга ошириш зарур. Таҳлил қилинадиган «Балхаш Тур» фирмасида ҳар бир стратегияни баҳолашда олти мезондан фойдаланади (2.1 жадвал). Бозорга чиқадиган турмаҳсулотларни табақалаштириш стратегиясининг яқуний баҳоси 279 бални ташкил этади. Стратегия афзаликлари ва камчиликларини баҳоланиши - уларнинг моҳияти камайиб борадиган тартибда жойлаштириш имконини беради. Энг қўп балл тўплаган стратегия устун бўлиб қолади. Саккиз стратегия ўртасида биринчи ўринни истеъмолчи билан ўзаро боғланган стратегия эгаллаган (283 балл). Иккинчи ўринда «юлдузли» турмаҳсулотларни жадал ўсиши стратегияси, учинчи ўринни бозорга чиқувчи турмаҳсулотларни табақалаш стратегияси эгаллаган. Фирманинг бош стратегиясини қуидагича шакллантириш мумкин: истеъмолчиларга янги туристик маҳсулотларни, рақибларга нисбатан юқори сифатли хизматларни тақдим этиш орқали хизматлар бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш.

Бозорга чиқувчи турмаҳсулотларни табақалаштириш стратегиясини баҳолаш

Мезонлар	Мезон вазни, баллар	Стратегия афзаликлари	Стратегия камчиликлари	Баҳоси, баллар	
				мезон	стратегия
Даромадлар	10	Даромадлар ўсиши		6	60
Харажатлар	8		Харажатлар ўсиши	7	56
Акционерлар мақсадлари ва манфаатлари	9	Амал қилинмоқда		5	45
Вазифага мос келиши	6	Мос келади		10	60
Хавф - хатар	1		Юқори	2	2
Истеъмолчилар мақсадлари ва манфаатлари	7	Амал қилинмоқда		8	56

Амалиётда, фирма стратегияларнинг юз берадиган вариантлари, одатдагидек, бир-бирини истисно этмайди ва ўзаро ҳар хил алоқада бўлиши мумкин. Фирма ривожланишининг муқобил вариантларига прагматик ҳолда қараш керак, чунки имкониятлар қаторига бир вақтнинг ўзида ишлов берган маҳалда ресурслар етишмовчилиги рўй бериши мумкин. Туристик тармоқ ривожланишининг инновацон турини яратиш учун уч муҳим белги: инновацион мақсадлар ва фаолият натижалари, мақсадга эришиш учун

инновация маблағлари, доимий асосда инновацион йўналишни тақрор ишлаб чиқиши таъминлайдиган инновацион менежменти бўлиши керак.

Таянч сўз ва иборалар: Турфирма, «Балхаш тур» туристик фирмаси, стратегия, режалаштириш, туристлик хизматлар бозори, туристлик тармоқ, рақобат, туризм инфратизилмаси, ҳаёт цикли, турмаҳсулот.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Турфирмаларда ўтказилган суров натижалари нимани курсатди?
2. Турфирма фаолиятининг асосий муаммолари нималардан иборат?
3. «Балхаш Тур» туристик фирмасининг асосий стратегиялари нимадан иборат?
4. Туризм соҳасида инновацион стратегия механизмини шакллантириш қандай амалга оширилади?
5. «Балхаш Тур» туристик фирма айрим хизматларнинг ҳаёт цикли босқичлари нималарни ифодалайди?
6. Бозорга чиқувчи турмаҳсулотларни табақалаштириш стратегиясини баҳолаш қандай амалга оширилади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
2. Камилова Ф.К. – «Халқаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
3. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
4. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Раств н.Д. 2007.
5. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
6. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
7. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образование, МЭСИ – 2000.
8. Карриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
9. Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
10. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
11. Интернет сайtlари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - http://www.tourlib.columb.net.ua/Lib/Books_tourism/bogolubov.htm

10. ТУРИСТЛИК ХИЗМАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Режа:

- 10.1. Туристлик хизмат бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари
- 10.2. Туристлик хизмат бозори фаолиятининг мазмуни
- 10.3. Туризм тараққиётининг имкониятлари
- 10.4. Яқин келажакда туризм хизматлар бозорининг ривожланиш стратегияси

10.1. Туристлик хизмат бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари

Туристлик хизмат бозори бу туристлик хизматларнинг харидори-туристлар (талабни тақдим этувчилар) ва сотувчиларни-туроператорларни (маҳсулот билан таъминловчи) бирлаштирувчи институт ёки механизмдан иборат. Бошқа товар бозорларидан фарқли ўлароқ, туристлик хизмат бозори ўзида товарнинг сотувчидан харидорга кўчишини англатмайди. Аксинча, харидорлар заҳираланган хизматларни олиш учун манзилига қараб ҳаракат қилишади.

Бозор бу айирбошлиш соҳаси бўлиб, туристлик индустрисидаги турли корхоналар саёҳатчиларнинг хилма-хил хизматлар билан қониқтиришга қаратилган фаолиятини ифодаловчи туристлик хизматлар туристлик бозорнинг айирбошлиш предметидир. Туристлик фирмалар саёҳатлар ташкилотчиси ва туристларга хизмат кўрсатувчи сифатида ўзида туристлик индустрисидаги бозор иқтисодий муносабатлари тизимининг асосий ҳалқасини намоён этади.

Бошқача қилиб айтганда, туристлик хизмат бозори – бу туристлик маҳсулот ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси ўртасидаги иқтисодий муносабатлар пайдо бўладиган жойдир. Туристлик маҳсулотнинг ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиси ўзининг иқтисодий манфаатларига эга. Манфаатлар мос келмаслиги ҳам мумкин, лекин улар мос келса туристлик маҳсулотнинг савдо-сотиқ акти амалга оширилади. Шунинг учун бозор – бу ишлаб чиқариш ва истеъмолчи қизиқишиларини қондирадиган ўзига хос қуроли бўлиб, мазкур хўжалик юритувчи ҳукумрон туристлик субъект (туроператор, турагент) учун шу хўжалик юритувчи субъектнинг туристлик маҳсулотига қизиккан ва уни эртами-кеч харид қилишга маблағи етадиган истеъмолчилар йиғиндисини намоён этади.

Туристлик хизмат бозорининг моҳияти унинг вазифаларида ифодаланади, қуйидагиларни туристлик хизмат бозорнинг асосий вазифалари сифатида кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- туристлик маҳсулотнинг тан нархи ва истеъмолчи нархларини амалга ошириш;
- туристлик маҳсулотнинг истеъмолчигача етиб бориш жараёнини ташкил этиш;
- меҳнатга бўлган моддий манфатларни иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш.

Туристлик хизмат бозорининг биринчи вазифасини бажариш жараёнида нарх ҳаракати амалга оширилади ва бу нарса пулни туристлик маҳсулотга алмаштиришда акс этади. Бу алмаштиришнинг амалга оширилиши товар-пул муносабатларининг тугалланишини, туристлик маҳсулотда мужассамлашган

нархнинг ҳаракатини ва маҳсулот нархининг истеъмолчи томондан тан олинишини ифодалайди. Натижада, ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнинг бир меъёрда бориши таъминланади ва туристлик индустрия ривожланиши учун пул маблағлари пайдо бўлади ва жамғарилади.


Туристлик маҳсулотнинг истеъмолчига етказиш вазифаси уни ўтказиш бўйича турагентлар ва туроператорлар тармоғини яратиш орқали амалга оширилади. Мехнатга бўлган моддий раҳбатлантиришларни иқтисодий таъминлаш вазифаси туристлик хизмат бозорда тақсимот «пул–туристлик маҳсулот» алмашинуви жараёнида зарурий фаза сифатида тугалланган кўринишида гавдаланади. Ўз меҳнати учун маош оладиган туристлик фирма ишчиларида сифатни ўстириш ва туристлик маҳсулот сонини кўпайтириш, уни истеъмолчилар талабларига биноан ишлаб чиқариш учун моддий манфатлар яратилади.

Туристлик хизмат бозори субъектлари, туристлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиласидиган жисмоний ва юридик шахслар, мавжудлиги билан тафсивланади. *Туристлик хизмат бозорининг учта субъектини ажратиб кўрсатиш мумкин: туристларнинг ўзлари (турмаҳсулот истеъмолчилари), туроператор ва турагентлар.*

Туристлик хизмат бозорининг ишлаш механизми деганда «пул оқими» ва туристилик маҳсулот оқими», «пул–туристлик маҳсулот» алмашинувига, туристлик маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш учун бажариладиган иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

10.2. Туристлик хизмат бозори фаолиятининг мазмуни

Туристлик хизмат бозори фаолиятининг схемаси 1.1 расмида кўрсатилган:



Туризм соҳасининг миллий иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида ўзига хослиги унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган хуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади.

Туризмнинг миллий иқтисодиётга кўрсатган ижобий таъсири мамлакатда у фақат ҳар томонлама ривожлангандагина яъни, миллий иқтисодиётини хизматлар иқтисодиётига айлантирганда амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, туризм самарадорлиги унинг мамлакатдаги бошқа ижтимоий-иктисодий тармоқлари билан параллел равишда ва ўзаро алоқада ривожланишини тақозо этади.

Жаҳон иқтисодиётидаги структуравий ўзгаришлар, хусусан туризмнинг етакчи тармоқлар гурухига кириши, замонавий жамиятнинг хусусиятларини ўзгартира бошлади. Глобализация, ахборотлаштириш, транспорт

воситаларининг ривожланиши ва жаҳон иқтисодиётидаги структуравий ўзгаришлар таъсири остида жамият ўзининг минг йилликлар давомидаги цивилизацияларга хос бўлган мукум ҳолатини йўқотди. Туризм таъсири остида ер курраси аҳолисининг катта қисми доимий ҳаракатда яшашни бошлади ва узлуксиз равишда туристлар оқимини кенгайтириб бормоқда. Инсоният тарихида одамлар ўртасида ўрнашиб қолган алоқалар алгоритмлари ўзгара бошлади. Миллий ва жаҳон хўжалигидаги ўзгаришлар билан бир қаторда туризм иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларидан ўзгариб борди.

10.3. Туризм тараққиётининг имкониятлари

Кўпгина аналитик-олимларнинг фикрича, туризм тараққиётининг негизида қўйидаги имкониятлар мавжуд деб ҳисоблашади:

1. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт нафақат хизмат сафарларини, балки билиш-танишиш мақсадида амалга ошириладиган сафарлар ҳажминининг кенгайишига олиб келди;
2. Транспорт турларининг такоммилашуви сафарларнинг арzonлашишига олиб келди ва аҳолининг кўп қатламлари учун сафарларга чиқиш имкониятини яратди;
3. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ёлланма ишчи ва хизматчилар сонини ошириди ҳамда уларнинг моддий ва маданий савиясининг ўсиши туризмга бўлган қизиқиши ўсишига олиб келди;
4. Мехнат интенсификацияси ва ишчиларнинг таътил муддатининг узайиши мазмунлироқ хордиқ чиқаришга зарурияят ва имкониятни тақозо қилди;
5. Давлатлараро алоқалар ва маданий алмашинувнинг ривожланиши шахслараро алоқалар кенгайишига олиб келди ва бунинг натижасида туризмга бўлган эҳтиёжлар кўпаяди;
6. Кўпгина давлатларда валюта олиб чиқишига чекловнинг камайиши ва чегарал расмиятчиликларнинг соддалашуви ҳам туризм ривожланишини рағбатлантиради.

Юқорида келтирилган фикрларни ҳисобга олиб, бир қатор мамлакатлар аллақачон ўз ҳудудларини жаҳон туристлик оқимлар учун доимо ҳаракатда бўладиган жойларга айлантиришга ўтишган. Бу нарса транспорт воситалари, меҳмонхона, ресторан тизимлари, маданий-кўнгил очар индустряси, бронлаштириш, ахборотлаштириш, алоқа ва х. к. ларни яратиш ва кенгайтиришда ўз аксини топади. АҚШ, Швейцария, Канада, Франция, БАА, Саудия Арабстони, Испания, Туркия, Жазоир, Хитой ва бошқа мамлакатларда иқтисодиёт ва уни бошқаришнинг барча тизими максимал тарзда туристларни жалб этишга қаратилган. Агарда мазкур оқимлар бошқа мамлакатлар ҳудудларини эгалласа, улар юқорида келтирилган мамлакатлар туризм бизнеси томонидан максимал даражада назорат қилинадиган каналлар орқали ўтиши учун барча чоралар кўрилади.

Туризм соҳаси шахарсозлик стратегиясига ҳам таъсир ўтказади, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш эса албатта ўзи билан ўнлаб ва юзлаб миллион долларларни олиб келадиган туристлик оқимлар учун қулай шарт-шароитлар

яратиш билан боғланиб қолади. Бу ҳол эса, қонуниятга айланиб боради, чунки туристлар сонининг ўсиши билан маҳаллий товар ва хизмат ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад туризм индустрияси ва унинг шиддатли ўсиб бораётган ҳамда, мазкур минтақа ва унинг яқинидаги худудларда жойлашган барча тармоқларда кузатиладиган, мультиплекатив самара таъсири остида қолиб кетади.

Туризмнинг иқтисодий моҳияти кўп жиҳатдан туризмда кенг қамровли бўлган мультиплекатив самара таъсирига асосланади. Туризм назариётчиларидан бири бўлган Ирена Енджейчикнинг таъкидлашича, «мультиплекатив самара таъсири натижасида туризмдаги битта иш ўрни туризм билан ҳамкорлик тизими орқали боғланган бошқа соҳа ва секторларида еттита янги иш ўрнини яратади» [30, 10 б.]. Шу хусусияти сабабли, туризм Ўзбекистоннинг кўпгина, айниқса катта рекреацион имкониятлари мавжуд минтақалари ривожланиши учун сифат жиҳатидан янги давр бошланишига туртки бўлиши мумкин. Бу ҳол эса, фикримизча, Ўзбекистоннинг жанубий худудлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Карши, Термез ва бутун Фарғона водийси учун айниқса муҳимдир. Бу воҳалар туризм ҳисобига нафақат ўзларининг ривожланиш тезлигини ошириши балки, йиғилиб қолган ижтимоий – иқтисодий муаммоларини ҳам ҳал этиши мумкин.

Туристлик фаолиятнинг комплекс табиати туризмни кенгроқ - тармоқлараро, тармоқлар ичида ва хўжаликлараро контекстида кўриб чиқишини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, туристлик бозорнинг моҳияти ва таркибини аниқлашда туристлик хизматларнинг ўзига хослигини очиб беришдан иборат. Анъанавий номоддийлиги, сезилмаслиги, сақланмаслиги, истеъмолчининг сервис жараёнида иштирок этиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ажралмаслиги каби белгилари туризм хизматларни тўлалигича тавсифламайди. Туристлик хизматларнинг хусусиятларини тадқиқ қилишнинг янги имкониятлари таҳлилга жамиятга даромад келтириш ва ташқи самара концепцияларини қўллаш билан боғлиқ деб ўйлаймиз. Мазкур концепцияга асосан, жамият даромади шахсий даромаддан фарқи унинг ҳисобга олинмаслик ва норақобатлик фаолиятидир. Туристлик хизматлар бу белгиларига кўра, аралаш даромад ҳисобланади, чунки уларга истеъмол қилишда чеклаш, рақобатлик каби хусусиятлар хосдир. Аралаш даромад сифатида туристлик хизмат савдо-сотик обьекти сифатида намоён бўлади яъни, тўлов тижорати асосида амалга оширилади.

Бироқ, туристлик хизматларнинг истеъмоли шерикчилик асосида фойдаланадиган обьектлар (табиат ресурслари, маданий-тарихий обидалар, миллий боғлар, қўриқхоналар, меъморчилик ва саънат ёдгорликлари) ни ишлатиш билан боғлиқ бўлади. Уларнинг кўпчилиги давлат мулки, демак – жамият мулки ҳисобланади. Уларнинг туристлар учун фойдаси - туристлар маданий – тарихий қадриятлардан баҳраманд бўлади, ижобий таъсуротлар олиши ва хордик чиқаришида мужассамдир. Хусусий бўлинадиган мулк ва жамият мулкига хос бўлган бўлинмасликнинг мураккаб бирикмаси туристлик хизматлар табиатининг қарама-қаршилиги, уларнинг истеъмол қилишни

ташкиллаштиришдаги юқори ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий маъсулияти ҳақида далолат беради.

Ўзбекистонда туризм соҳасидаги хизматлар бозори бозор иқтисодиёти ислоҳатлари ва хусусийлаштириш жараёнлари кетидан 1990-йилларнинг биринчи ярмида шакллана бошлади. Шу пайтгача бозорнинг мазкур сегменти доирасида олиб бориладиган фаолият давлат томонидан қаттиқ назорат қилинарди, давлат барча хизматларнинг асосий таъминловчиси эди. Мустақилликка эришилгандан сўнг, 90 йиллардан хозирги пайтгача, туристлик хизматлар бозори доимий ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Туризмнинг бошқа хизматлар соҳалари каби Ўзбекистондаги улуши нисбатан паст, барча хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 45% ни ташкил этади, ривожланган давлатларда унинг улуши эса 65% ни ташкил этади. Бирок, бундан 10 йил олдин унинг Ўзбекистондаги улуши атиги 18 % дан ошмасди. Туризм сектори иқтисодиётдаги ўзгаришларга таъсирчандир, чунки инфляция суратлари ва аҳолининг даромадлари ўсиши ўртасидаги мутаносиблик туристлик маҳсулотга бўлган талаб миқдорини белгилайди. 2008 йилнинг бошидаги кризис ҳодисалари аҳолининг реал даромади пасайиши, туристлик маҳсулот нархи ўсиши ва бунинг натижасида туристлик муассасаларнинг хизматларига бўлган тўлов қобилиятига мувофиқ талабнинг камайишига олиб келди.

Энг оптимистик ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда 3000 кишидан биттаси туризм индустрисида фаолият қўрсатади, бу эса шу соҳадаги жаҳон қўрсаткичлардан 50 баробар кам. (2006 йилда иқтисод соҳасида банд бўлган аҳоли сони 10467,0 минг кишини ташкил этди).

Ўзбекистонда туризмининг ҳозирги ҳолати туристлик хизматларни амалга ошириш олдинги хажмидан пасайган, туризм соҳасининг моддий базаси қисқарган ва аҳолининг туристлик хизматларга бўлган эҳтиёжи анча мос келмайдиган деб ҳисобланади. Тўла табиий ва бошқа омиллар мавжуд бўлган бир пайтда туризм мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий структурасида эга бўлган потенциали тўлиқ талабга жавоб бермайди. Жойлаштиришнинг моддий базаси: меҳмонхона, пансионат, дам олиш уйлари ва базалари ҳамда, санаторий-курорт муассасалари маънан ва жисмонан эскирган.

Бошқа томондан, жаҳоннинг энг юқори стандартларига жавоб берадиган туристлик обьектлар қурилиш суратлари устунлиги, чет эл сафарларига чиқиш ҳоллари кўпайганлиги, бутун Ўзбекистонда туристлик ташкилотлар сони кўпайгани билдиради.

Ўзбекистонда туризм хизмат бозорининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ривожланишининг асосий хусусиятларини аниқлашга имкон яратади:

- четга чиқиш туризмининг устуворлиги туристлик фирмаларнинг миллий туроператорлик схемасини ишлаб чиқишга бўлган иштиёқи йўқлиги билан изоҳланади, чунки гарб мамлакатлари ишлаб чиқсан схемалар асосида ишлаш осонроқ. Буларнинг барчаси эса капиталнинг чет элга оқиб чиқишига олиб бормоқда;
- туристлик фирмалар сони туристлик хизматларга бўлган талабдан юқори, бунинг натижасида туризм бозоридаги ўткир рақобатчилик ривожланмоқда;

- мавжуд бўлган моддий-техника база инвестиция ва реконструкцияга мухтоҷ, чунки унинг ҳозирги ҳолати жаҳон стандартларига жавоб бермайди;
- меҳмонхона хизматларига бўлган талаб пасайиши натижасида меҳмонхоналар сони ва хоналар фонди қисқармоқда;
- Ўзбекистон ҳудудларида меҳмонхона хўжалигида заарга ишлаш анъанаси сақланиб келмоқда;
- чет эл меҳмонхона компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келиш жараёни давом этмоқда.

10.4. Яқин келажакда туризм хизматлар бозорининг ривожланиши стратегияси

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳатлар нафақат туризм соҳаси ривожланишининг жадаллашишига, балки олдин, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан алоҳида мавжуд бўлганлиги сабабли, имкони бўлмаган янги туристлик хизмат турларинининг яратилишига олиб келди. Умуман олганда, Ўзбекистондаги туризм индустряси ҳали ҳам ташкил келиш жараёнини бошидан кечираётган индустря – *infant industry*- деб ҳисоблашади. Бу ҳолат туризм соҳаси ривожланиши ва бошқарилиши стратегиясига чуқур ўйланган ҳамда чет эллик ва маҳаллий мол етказиб берувчиларнинг қизиқишилари балансига амал қиласидан ёндошувни талаб этади. Бир томондан ўзбекистонлик тадбиркорлар қизиқишиларининг ҳимоясини таъминлаш, иккинчи томондан эса туризм хизмат бозорида чет эллик тадбиркорлар иштирокида рақобатли муҳит яратиш керак, буларнинг барчаси бозорда ўзбекистонликларнинг фаолиятини рағбатлантиришига олиб келади.

Иқтисодиёт инфраструктурасининг асосини ташкил этган транспорт, телекоммуникацион, молиявий хизматлар ривожланишининг давом этиши туризм соҳаси ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, туристлик сектори катта маблағ сарфланишини талаб этмайдиган, ижтимоий барқарорлик омили сифатида хизмат қиласидан худудда янги ишчи ўрин яратилишини таъминлайдиган хизмат секторларидан биридир.

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил – бу меҳнат ресурсларини тавсифидир. Бу борада Ўзбекистон иқтисодиётининг учламчи сектори яхши потенциал имкониятларга эга: қўп меҳнатни талаб этадиган хизматлар учун муҳим бўлган ишчи кучнинг нисбатан арzonлиги, умуман олганда ишчи кучнинг юқори савиялилиги, иқтисодий муҳит талабларига тез кўнига олишга, ташаббус кўрсатишга ва ижодий ёндошишга бўлган қобилиятидир.

Туризм секторининг иқтисодий ривожланиши, шубҳасиз, мос келадиган қонунчилик базасининг яратилиши билан мустаҳкамланиб туриши керак. Туризм соҳасининг ривожланиш динамикаси ҳали мавжуд қонунчилик тизимда акс эттирилмаган. Қулай иқтисодий ва инвестицион муҳит яратиш мақсадида корхоналарнинг рўйхатдан ўтказишни соддалаштиришни, лицензияга эга фаолият турлари рўйхатини қисқартиришни ва ташкилотларни

текшириш ҳолатларини камайтиришни тақозо этадиган иқтисодиётни бюрократлаштириш чоралар комплексини амалга ошириш лозим. Чет эллик сармоядорларни жалб этиш учун бухгалтер ҳисоби ва аудит тизимининг жаҳон стандартларини тадбиқ этиш ишлари олиб борилиши керак.

Чет эллик ва маҳаллий тадбиркорлар фаолияти учун рақобатли мухит яратиш ва назорат чораларининг оптимал уйғунлигини таъминлайдиган, туризм соҳасини назорат қилиш режимиининг бундан кейинги шаклланишига эҳтиёж Ўзбекистон Жаҳон бозорига чиқишида айниқса яққол сезила бошлади.

Чет эл сармояси келиши сабабли туристлик бизнес ривожланиши учун жуда зарур бўлган молиявий ресурслар, илғор технологиялар, хизмат ва бошқарувни амалга оширишнинг самарали усулларига эга бўлади ва иш юзасидан муносабатнинг ҳамда мижозларга хизмат кўрсатишнинг юқори маданий савиясига қўшилади.

Туризм соҳасининг либераллашиш томонга қараб ҳаракати келтирадиган фойдаларни тушуниш билан бир пайтда туризм соҳасида хизматларнинг объектив сабабларга кўра даражаси ҳали чет эллик таъминотчилардан пастроқ бўлган оқилона олиб бориладиган ўзбекистонлик таъминотчиларининг протекционизмига бўлган эҳтииёжни ҳам дикқатимиздан қочирмаслигимиз лозим.

Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туризмнинг тутган ўрни ҳали тўла аниқланмаган. Бироқ, охирги пайтларда Ўзбекистонда айнан ички туризмга бўлган қизиқиши кузатилмоқда. Бунга маълум сабаблар мавжуд. Эҳтимол, айнан туризм мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг тез суратларини таъминлай оладиган соҳа бўлиши мумкин.

Ҳали ҳам чиқувчи туризм киравчи туризмдан устунроқдир. Валюта келиб тушушининг мухим манбаси ва экспорт савдосининг фойдали шакли бўлган киравчи туризм яхши ривожланмаган. Ўзбекистон дунё туристларининг атиги 1% дан ҳам кам қисмини қабул қиласди.

Киравчи туризмнинг аҳволи бошқача бўлиб, уни оддий сабаблар учун рағбалантириш лозим: у жуда катта фойда келтиради. Ўзбекистонда киравчи ва чиқувчи туризмлар асосида ривожланаётган туристлик бизнес нафақат туризм саноати, балки ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлмаган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини ҳам тақозо этади. Шу тармоқларда ҳамда туристлик инфраструктурасига тегишли корхоналарда ишчи ўринлар сони ўсишининг стимулятори туристлик бизнесдир.

Туризм ривожланиши ижтимоий муаммоларни ечишда катта аҳамиятга эга. Кўпгина мамлакатларда айнан туризм эвазига янги ишчи ўринлар яратилади, аҳоли яшаш шароитларининг юқори даражаси сақланиб туради, давлатнинг тўлов балansi яхши томонга ўзгариши учун шарт-шароит яратилади. Туризм соҳасини ривожлантиришга бўлган зарурият таълим сифати даражаси кўтарилиши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими такомиллашуви, ахборот тарқатишнинг янги воситаларини тадбиқ этиш ва ҳ. к. учун замин яратади.

Туризм маданий потенциални сақлаб қолиб, уни ривожлантиришга таъсир ўтказади, турли давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги муносабатлар уйғунлашувига олиб боради, ҳокимият, жамоат ташкилотлари ва савдо структураларини атроф

муҳитни ҳимоя қилиш ишларида қатнашишга мажбур қилади. Туризмни қўллаб кувватлашдан четда қолган Ўзбекистон миллиардлаб сўмни йўқотади, минглаб потенциал иш ўринлари очилмай қолади.

Ўзбекистонда давом этаётган туристлик ўзгаришларга қарамасдан, туризмнинг давлат иқтисодиётига кўрсатган таъсири ҳали унчалик сезирали эмас. Бу таъсир микдори давлатнинг мазкур соҳа ривожланишига сарфлаган маблағ микдорига тенг. Туризмнинг кенг қамровлиги ва муҳимлиги унинг давлат иқтисодиётининг стратегик тармоқлар қаторига киришидан далолат беради. Бу эса худудий ва тармоқлараро ҳалқ хўжалиги комплексларининг мутаносиблигини таъминлаш, аҳоли бандлиги сиёсатини асослаб бериш, бюджет даромадлари ўсишини ҳамда тулов баланси ҳолатни бошқаришни таъминлаш мақсадида унинг бевосита давлат томонидан режалаштирилишини талаб этади. Шундай қилиб, туризм иқтисодиётнинг даромадли соҳаси бўлиб, туризм бизнесида муваффақиятга эришиш учун истеъмолчиларнинг туристлик хизматларга бўлган эҳтиёжларига асосланган ҳолда турмаҳсулотни ишлаб чиқариб уни сотишни ташкиллаштириш, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидалари, туристлик менежменти ва маркетинги соҳаларидағи амалиёт, ҳамда туризм хизмат бозори конъюктураси ҳақида яхши билим талаб этилади.

Яқин келажакда туризм хизматлар бозорининг қўйидаги ривожланиш стратегияси кутилмокда:

- туристлар ташриф буорадиган малакатларнинг туристлик (табиий, маданий ва тарихий) ресурслари ҳолатини ҳисобга оладиган мавжуд бўлган туристлик хизмат ва бозорларини ривожлантириш ҳамда янгиларини яратиш;
- туристлик фаолиятнинг режалаштириш ва ривожлантиришга маҳаллий жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимиятни жалб қилиш ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳар бир томоннинг эҳтиёжлари ва уларни қондиришга эришиш мақсадида саёҳат ташкилотчилари билан маҳаллий структуралар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш;
- маҳаллий аҳоли фаровонлиги ошиши, солиқ, божхона ва бошқа туризм ривожланишига тўсқинлик қиласидиган қийинчиликларни енгиб ўтиш, бунда асосий диққатни туризм соҳасидаги хизматлар нархини туристлар учун маъқул ва туристлик саноат учун фойда келтирадиган даражада сақлаб қолишга қаратиш;
- маблағларни инвестиция қилишда атроф-муҳит ҳимояси масалаларини (қурилиш, архитектура, антропоген юкламалар) ҳисобга олиш;
- аниқ маркетингни амалга ошириш ва хизматларни юргизиш учун қўпроқ микдорда ресурслар ажратиш, муайян гурухларга киравчи туристларни излаш ва улар учун таклиф килинаётган хизматларнинг манзили бўйича маълумотни ташкил этиш;
- туризм саноатида фаолият юритувчи ходимларнинг касбий савиясини ўстириш;
- гурух-гурух бўлиб дам олиш (таймшер) турини эгаллаш тизимини ривожлантириш.

Таянч сўз ва иборалар: Туристлик хизмат бозори, ривожланиш стратегияси, туристлик хизматлар, турист, туроператор, механизм, туристлик индустрияси, саёҳат, турагент, турмаҳсулот, комплекс, туризм сектори.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туристлик хизмат бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари нималардан иборат?
2. Туристлик хизмат бозори фаолиятининг мазмуни нималардан иборат?
3. Туризм тараққиётининг негизидаги имкониятлар нималардан иборат?
4. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг асосий хусусиятлари нималардан ташкил топади?
5. Яқин келажакда туризм хизматлар бозорининг ривожланиш стратегияси нималардан ташкил топади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Камилова Ф.К. – «Халкаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
2. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
3. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Раствор н.Д. 2007.
4. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
5. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
6. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образования, МЭСИ – 2000.
7. Петров А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. Учебное пособие М.; 2001.
8. Тухлиев И.С. Стратегическое планирование. Учеб. пособие Т.; 2004.
9. Карриева Ё.К. Халқаро маркетинг. Т.: Фан. 2005 й.
10. Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
11. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
12. Интернет сайtlари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - http://www.tourlib.columb.net.ua/Lib/Books_tourism/bogolubov.htm

11. ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА МОЛИЯВИЙ – ИНВЕСТИЦИОН СТРАТЕГИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Режа:

- 11.1. Инвестиция тушунчасининг аҳамияти
- 11.2. Молиявий – инвестицион стратегиянинг моҳияти
- 11.3. Хизматлар бозорида электрон бизнеснинг моҳияти ва аҳамияти
- 11.4. Туристик хизматлар бозорида электрон харид қилиш

11.1. Инвестиция тушунчасининг аҳамияти

Инвестиция – бу саноат, қишлоқ хўжалигига, хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқа тармоқларига узоқ муддатли фойда олиш мақсадида маблағ ажратиш шакли ҳисобланади.

Инвестициясиз инновация бўлиши мумкин эмаслиги каби, корхонанинг инвестицион стратегияси инновацион стратегия билан чамбарчас боғлиқ эканлиги маълум.

Корхонанинг инвестицион стратегияси молия бозори билан алоқадорлиги ва ўзаро тъясирига сезиларли даражада боғлиқдир.

Умуман олганда инвестициялар – маблағларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига фойда олиш мақсадида узоқ муддатли қўйилмаларини акс эттиради.

Иқтисодий моҳияти ва мақсадга кўра инвестициялар қуидаги турларда бўлиши мумкин. (Расм 11.1.)

Инвесторлар қимматбаҳо қофозларни сотиб олишда қуидаги мақсадларни кўзлашади:

- акцияларнинг қўшимча даромадга эга бўлиши - дивидент қўринишида;
- қимматбаҳо қофоз ва капиталнинг фонд бозордаги нархининг ўсиши эвазига олинадиган даромад.

11.2. Молиявий – инвестицион стратегиянинг моҳияти

Корхонанинг молиявий-инвестицион стратегияси ҳар хил замонавий лойиҳаларни танлаш ва амалга ошириш, қайта қуриш, кенгайтириш ёки молия – кредит бозорида вужудга келган ҳолат ва корхона келажагига мос равища аниқ маҳсулот қўринишларининг ифодаланиши инвестицион активлигини аниқлайди.

Корхона инвестицион фаолият манбаларининг имкониятлари:

- даромаднинг бир қисмидан ва амортизацион ажратмаларидан йигилган жамғарма фонди;
- қўшимча акция эмиссиясидан ва облигациялардан тушган маблағлар;
- қўшма фаолият ва бошқа интеграция шаклари доирасида келишилган корхона ва ташкилотларнинг маблағлари;
- банкнинг кредит ва ссудалари;


- марказлашган инвестицион дастурлар доирасида ажратилган давлат имтиёзли кредитлари;
- марказлаштирилган инвестицион дастурларга ажратилган қайтариб берилмайдиган давлат капитал қўйилмалар;
- хусусийлаштириш инвестицион фондлари.

Инвестицион манбаларнинг мумкин бўлган вариантларини қиёсий баҳолаш учун айрим ихтисослашганган қўйидаги мезонлар қўлланади:


- манбадан фойдаланишнинг ҳақиқийлиги ва соддалиги;
- манбанинг потенциал ҳажми;
- фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги;
- манбадан фойдаланишда ишлатилган воситаларни қайтариб олиш ёки корхона устидан назорат қилиш хуқуқидан маҳрум бўлиш хавф-хатари даражаси.

Корхонанинг молиявий – инвестицион стратегиясини шакллантиришда мавжуд инвестицион дастурларнинг уступорлиги қўйидаги муҳим белгилар асосида баҳоланади.

- лойиха кўламини белгиловчи қиймат;
- лойиха амалга ошириш давомийлиги;
- зарур ҳужжатларни йиғиш, ташкилий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ жараён давомийлигини ўз ичига олган дастурнинг ўзини қоплаш даври;
- фирма танлаган товар – бозор стратегиясининг дастур билан мутаносиблиги даражаси.



Расм 11.1. Инвестицион жараёнлар тизими



Расм 11.2. Молиявий – инвестицион стратегиясининг таркибий қисми

11.3. Хизматлар бозорида электрон бизнеснинг моҳияти ва аҳамияти

Бугунги кунда олимларнинг қайд этишича, коммуникациялар соҳасидаги инновацион жараёнлар билимлар иқтисодиётида ёки инновациялар иқтисодиётини шакллантиришда асосий рол ўйнайди.

Ахборот технологияларининг узвий интеграцияси муваффақиятнинг бошланғич зинаси бўлиб хизмат қиласи, ундан сўнг унинг изидан барча туристик бизнесни қайта қуриш амалга оширилади. Хозирги шароитда туризм индустриясини инновацион ривожлантириш бу соҳада электрон бизнесини барқарор ўсишини таъминлашдан иборат. Фирма ички жараёнларини локал тармоқ тизимиға ўтказишида компания ўз ходимларига тўпланган нау-хау хажмидан яхшироқ фойдаланиш ва ўз мажбуриятларини сермаҳсул ҳамда самаралироқ бажаришга имкон беради. Электрон бизнес деганда электрон воситалар ёрдамида истеъмолчилар билан иш юритиш тушунилади. Шуни қайд қилиш керакки, жараён ва билимлар соҳасида электрон бизнеснинг афзаллигига фақатгина янги ташқи роллар дифференциацияси ҳамда меҳнатни янги ички тақсимоти билангина эришиш мумкин. Бу эса қўшимча қийматни яратиш бўйича урнатилган ўзаро ҳамкорлигидаги олдин белгиланганди фирмани роли ва ўрнини трансакция харажатлари соҳасида ўзгартириб юборади. Электрон бизнес ҳеч қандай тўсиқларсиз барча фирмани қамраб олсагина коммуникатив воситаларда муваффақиятли рол ўйнайди ва ижобий натижалар бериши мумкин.

Фирма потенциали шундан иборатки, биринчидан, товар ва хизматларни шакллантиришга тизимли ёндашув, мижоз ва шериклар билан ташқи муносабатлар, ички жараён ва билимлар, ходимларни хулқ атвори ва хатти-харакатларидан, иккинчидан, бу ташкилотни ўзаро ҳамкорлик инфратузилмаси қандай ишлаб чиқганлигидан ташкил топади. Хизматлар бозорида электрон бизнес 11.3. расмда батафсил келтирилган.



Расм 11.3. Хизматлар бозорида электрон бизнес схемаси

Хизматлар бозорида электрон бизнеснинг моҳияти ва аҳамияти фирма учун компьютер ва коммуникацияни оригинал хусуситларга эга бўлган янги коммуникатив воситасини юзага келиши сифатида бирлаштирилсагина муваффақиятли натижага эришиш мумкин.

Электрон бизнес коммуникатив восита сифатида фирма учун қуидаги йўналишларда унинг тараққиётини таъминлайди:

- меҳнатни тақсимлаш принциплариiga мос равишда дифференциалланган шахслар ва уларнинг функциялари (ўзаро ҳамкорликда қарорлар қабул қилувчи бош марказ нуқтаи назаридан) ўртасидаги янги янада самарали мақсадлар учун жараёнлар интеграцияси (ички, мижозлар, истеъмолчилар ва шериклар);
- фирмада коллектив хотирани ва барча мавжуд билимларни мос равишда қарор қабул қилувчи марказ тасарруфига тақдим этиш мақсадида билимлар интеграцияси.


Реал вақтдаги ўзаро ҳамкорлик имкониятини берувчи электрон бизнес, хизматлар бозорида, айникса, туризм индустриясида ракобат курашида янги устивор қурол сифатида қаралади. Бирок, башорат қилиш тизимли бизнес логикаси ва технологик жараёнлар ҳамда фойдаланувчилар акценти натижасида юзага келувчи тескари алоқанинг мураккаб жараёнига тегишли бўлганлиги сабабли ҳеч ким воқеалар ривожини олдиндан батафсил айтиб бера олмайди. Ўз табиатига кўра, электрон бизнес шерикка айланган мижоз таклиф этиладиган товар ҳамда унга мос равишда уни такомиллаштириш жараёни муҳокамасида иштирок этиши талаб этилади. Унинг мақсади шундан иборатки, трансакция ҳаражатлари туширишни таклиф этиш мижоз-шерик олдин ўзи бажарган функциясини фирмага беради.

11.4. Туристик хизматлар бозорида электрон харид қилиш

Кишилар хатти-харакатларини белгиловчи турли эҳтиёжлар аксарият ҳолларда Интернет тармоғи орқали қондирилади. Унинг исботи сифатида Интернетга хусусий уланувчилар сонининг ортиши, ҳамда уларнинг асосий вақти интернетдаги турли хизматлардан фойдаланувчиларни ўсишида кузатиш мумкин. Истеъмолчи Интернетга оддий қизиқувчи сифатида кириб, маълум шароитларда электрон харидорга айланиб қолади.

Алоҳида зиналардан ўтиш тезлиги Интернетдан коммуникатив восита сифатида ишонч билдириш, уни ўрганишга индивидуал тайёрлигига ҳамда турли тўсикларни бартараф этиш қобилияти (масалан жавоб вақтини ўта чўзилиб кетиши ёки зиён келтириш хавфи) га боғлиқ бўлади. Агар туристик хизматлар бозорида электрон харид қилиш тажрибаси ижобий бўлса, харидорда электрон тизим орқали турли эҳтиёжларни қондиришга ҳамда унда янада каттароқ маблағ сарфлашга мойиллик уйғонади.

Тадқиқот натижалари шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, туристик хизматлар бозорида электрон бизнесни ҳақиқий инновацион потенциали интеллектуал товарларни яратишида, мобил радиотелефонлар, спутники алоқа, кабелли телевизион тармоқлар ижтимоий-иктисодий тизимнинг элементи бўлиб ҳисобланган интерфаол тизим фирмасига реализация қилишига имкон яратади. Туристик фирманинг сабаб-оқибатли алоқалари ижтимоий-иктисодий тизим сифатида 11.4. расмда акс эттирилган.



Ресурсларни дифференциялаш

Расм 11.4. Туристик фирманинг сабаб-оқибатли алоқалари ижтимоий-иктисодий тизим

2008 йилдаги турфирма раҳбарлари ўртасида ўтказилган анкета сўровлари натижасининг кўрсатишича, турбизнес раҳбарларининг интернетга муносабатлари тубдан ўзгарган. Туристик фирмалар интернетдаги ўз сайларига янада эътиборликроқ бўлмоқдалар. Интернет-бизнесдан олинадиган даромадлар узоқни кўрувчи турфирмалар учун янада аҳмиятли бўлди. Умуман олганда компьютер тармоқлари орқали турларни электрон сотиш чет эл фирмалари томонидан жуда кенг фойдаланилади. Ўбекистондаги туристик хизматлар бозорида турларни сотишни мазкур канали эндиғина шаклланиш палласидадир. Унинг асосий тўсиқларидан бири туристик хизматларни потенциал харидорлари ўртасида персонал компьютер ҳамда одатда харид амалга ошириладиган банк кредит карточкалари эгаларининг етарли даражада эмаслигидир.

Бугунги кунда янада оммабоп бўлган онлайн ўзбек туристик бизнеси бўлиб, туристик хизматлар рекламаси ҳисобланади., яъни мижозларга қарор қабул қилиш учун максимум маълумотлар тақдим этувчи туризм порталлари тўғрисида сўз бормоқда. Келажакда туризм хизматлари бозорида мижозларга таъсир ўтказишни янада такомиллаштирилган усувларидан фойдаланилмоқда. Ҳозирнинг ўзида исталган сайлар, тармоқлар аниқ фойдаланувчилар графики, уларнинг одатларини етарлича тадқиқ этиш имконияти мавжуд туризм хизматлари бозорида фаолият кўрсатадиган туроператор ва маркетолог янада кўпроқ ташриф буюриладиган сайларга янада қулай вақтда харид қилиш

тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун мижозга керакли, зарурий маълумотларни етказиб берса, қолган ишларни турист-харидорнинг ўзи бажаради.

Таянч сўз ва иборалар: Молиявий – инвестицион стратегия, инвестиция, инвестицион фаолият, электрон бизнес, молиявий инвестициялар, реал инвестициялар, тижорий самарадорлик, бюджет самарадорлиги, ресурсларни дифференциялаш, стандарт меъёрлар, товар ёки хизматлар.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Молиявий – инвестицион стратегия нимани аниқлади?
2. Инвестиция тушунчаси нимани англатади?
3. Корхонанинг инвестицион фаолиятини амалга оширишда қандай манбалар мавжуд.
4. Қимматбаҳо қофозларни сотиб олишда инвесторларнинг қандай асосий мақсадларини ажратиш мумкин?
5. Инвестициялар, инвесторлар ва инвестицион инфратузилманинг қандай кўринишлари мавжуд.
6. Хизматлар бозорида электрон бизнеснинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?
7. Электрон бизнес фирма учун қандай йўналишларда унинг тараққиётини таъминлайди?
8. Туристик хизматлар бозорида электрон харид қилиш қандай амалга оширилади?
9. Туристик фирманинг сабаб-оқибатли алоқлари ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида нималарни акс этади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Камилова Ф.К. – «Халкаро туризм бозори» ўқув қўлланма, Тошкент. ТДИУ-2000.
2. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
3. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Растов н.Д. 2007.
4. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
5. Синен В.С. «Организация международного туризма» М.Финансы и статистика, 2000.
6. Петросов А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. Учебное пособие М.; 2001.
7. Хлебович Д.И. Сфера услуг: маркетинг. Учебное пособие. М: КНОРУС. 2007.
8. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
9. Интернет сайтлари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - http://www.tourlib.columb.net.ua/Lib/Books_tourism/bogolubov.htm

12. КОРХОНАНИНГ «МАҲСУЛОТ – БОЗОР» СТРАТЕГИЯСИНИ АНИҚЛАШ

Режа:

- 12.1. «Махсулот-бозор» матрицасининг турлари
- 12.2. «Махсулот – бозор» стратегик имкониятиниң синов баҳоси
- 12.3. Махсулотлар, бозорлар, худудлар, корхона имкониятлари ва истемолчилар муаммолари ўртасидаги боғлиқликларини кўрсатувчи модель

12.1. «Махсулот-бозор» матрицасининг турлари

Корхонанинг бозор стратегияси унинг мўлжаллаган товар ва бозорига асосланиб, ҳамда мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бозор стратегия корхонанинг асосий мақсадини ва танланган мақсадини амалга оширишнинг асосий йўлларини ўз ичига олади.

Бозор стратегиясини факат шахсий тажриба ва интуицияга таяниб тузиш мумкин. Лекин бу ҳар доим ҳам маъқул эмаслиги амалиётда маълум. Бозор стратегияси ҳар тамонлама ишлаб чиқилган ва тегишли даражада расмийлаштирилган усулларни қўллашни талаб қиласди.

Бозор стратегияси тузишнинг қуролларидан бири бўлиб, «маҳсулот-бозор» матрицаси ҳисобланади. Бундай матрицадан фойдаланиш ишлаб чиқилаётган стратегияни корхонанинг имкониятлари билан, ишлаб чиқариш ва сотишнинг ўзига хос хусусиятлари билан, истемолчилар бозорини сегментлаш жараёни билан боғлашда муҳим ахамиятга эга.

«Махсулот-бозор» матрицасининг бир неча турлари мавжуд.

Энг содда тўрткатакли «Махсулот-бозор» матрица корхона бозор стратегиясининг рўёбга чиқадиган 4 та варианти ҳақида аниқ тасаввур беради. (21.1. жадвал). Матрицанинг горизанталида маҳсулотнинг 2 та тури анъанавий ва янги товарлар жойлашган бўлиб, вертикалида эса бозорнинг 2 тури, ўзлаштирилган ва янги бозор турлари ажратилган.

Уларнинг комбинацияси 4 та стратегик майдонни ҳосил қиласди. Ҳар бир майдон стратегиянинг амалга ошадиган варианларидан бирини ифодалайди.

Тўрткатакли «маҳсулот-бозор» матрицаси

Жадвал 12.1.

Махсулот Бозор	Анъанавий маҳсулот	Янги маҳсулот
Ўзлаштирилган бозорлар	1.Бозорнинг чуқурроқ ўзлаштирилиши.	3.Янги маҳсулот ишлаб чиқиш.
Янги бозорлар.	2.Бозор чегараларининг кенгайиши	4.Диверсификация.

1 – майдон. Корхона мавжуд маҳсулотлар билан мавжуд бозорларда ишлайди. Бу стратегиянинг унчалик ишончли бўлмаган вариантларидан ҳисобланади. Бу ерда даромаднинг узоқ муддатли оқимига ишониш мумкин эмас (рақобатчилар, маҳсулотларнинг пасайиши).

2 – майдон. Мавжуд маҳсулотларни сақлаб қолган ҳолда бозорни кенгайтириш ёки экстенсив (сифатга эътибор бермай, факат миқдорни оширишга қаратилган) стратегия. Бундай стратегия маҳсулотни ва корхонанинг ўзини реклама қилишга кетган катта харажатлар билан боғлиқ бўлади. Ушбу холат рекламага кетган сарфни қоплаш ва маҳсулотни бозорга олиб чиқиш кафолатланганда, талаб цикли ва маҳсулот яшаш циклининг бошлангич босқичларида мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3 – майдон. Янги маҳсулотни олдин маълум бўлган бозорларда сотиш стратегияси. Баъзан уни инновацион стратегия ҳам деб аталади.

4 – майдон. Янги маҳсулотларни янги бозорларда сотиш – диверсификация стратегияси. Бу узоқ муддатли истиқбол учун самарали стратегия ҳисобланади, лекин янги маҳсулот ишлаб чиқишига, рекламага ва янги бозорларга маҳсулотларни олиб чиқиш учун катта харажат талаб қилинади.

Керакли стратегияни танлаш имкониятлар ва хавфларни баҳолаш асосида амалга оширилади (12.2. жадвал).

12.2. «Маҳсулот – бозор» стратегик имкониятининг синов баҳоси

Жадвал 12.2.
«Маҳсулот – бозор» стратегик имкониятининг синов баҳоси.

Стратегия	Муваффакият имкониятлари, %	Таваккалчилик
1.	50 (20)	Аҳамиятсиз
2.	20 (40)	Катта
3.	30 (40)	Ўртача
4.	5 (50)	Жуда катта

Берилган мисолда 4 та стратегиядан корхона учун биринчиси афзалроқ, чунки муваффакиятга эришишда катта имконият билан ва қолганларга нисбатан энг кам таваккалчилик билан характерланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритганда маҳсулотлар, бозорлар ва худудлар, корхона имкониятлари ва истеъмолчиларнинг талаблари ўртасида ўзаро алоқадорлик муаммолари юзага келади. Стратегик қарорларни қабул қилишда корхона эгаси ушбу 5 та компонентларни ҳисобга олиши керак.

Маҳсулотлар, бозорлар, худудлар, корхона имкониятлари ва истеъмолчилар муаммолари ўртасидаги боғлиқликларини кўрсатувчи 1-схема стратегиянинг жуда кўп вариантлари мавжудлиги ҳақида тушунча беради: корхона имкониятининг бўлиши мумкин бўлган 3 та ҳолати, маҳсулотнинг 3 хил куриниши, 3 хил бозор шакли, маҳсулот сотиш мумкин бўлган 5 та худуд,

истеъмолчи муаммоларининг 2 хил куриниши жами корхона бозор стратегиясининг 270 хил вариантини хосил қиласди.

Аслида вариантлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин, чунки маҳсулот бозори ёки регионлар сегментлашган бўлиши мумкин. Ушбу амалга ошириш мумкин бўлган куп микдордаги стратегиялардан энг муҳимларини танлаш ва уларни таҳлил қилиш асосида бозор стратегиясининг оптимал вариантини аниқлаш керак.


Шунга ўхшашиб барча матрицалар корхонага зарур бўлган имкониятлар даражасини танлаш учун мулжалланган чегарани англатади. Матрица майдонлари бўлгуси имкониятлар таърифи билан тўлдирилади.

Тадбиркор ёки мутахассиснинг асосий мақсади тижорат муваффақиятини узок муддатга таъминловчи маҳсулотни бозорга таклиф қилиш хисобланади.


«Маҳсулот бозор» стратегик матрицасини БКГ матрицасидаги 4 та ҳолатда ифодалаш (0-50%).

«Юлдуз» - ҳолатидаги корхонани «Маҳсулот бозор» матрицасидаги стратегиясини аниқлаш:


1. Ўзлаштирилган бозорда «Юлдуз» корхона анъанавий товар билан маълум микдор муваффақиятни ушлаб туради, таваккалчилик ҳам деярли кам. Лекин товарнинг яшаш ҳаёти тугагач, унга талаб камаяди ёки бозорда у товарни ўрнини босувчи янги товар жорий қилинса муваффақиятсизликка эришади.




2. Анъанавий товар билан «Юлдуз» корхона янги бозорга чиқса, у билан бу таваккалга олиб келади, лекин айнан шу маҳсулоти Билан «Юлдуз» даражасига чиқған корхона Янги бозорда ҳам ўзини қандай йўлга қўйишни билади ва муваффақиятга эришади. Таваккалчилик бу ҳолатда ўрта.



3. Ўзлаштирилган бозорга «Юлдуз» корхона Янги товар яратиб, олиб кирса бозор уни қийинчиликсиз қабул қиласди, чунки, бозор бу корхонани яхши билади ва ишонади. Корхонанинг таваккали паст бўлиб, имконияти ҳам юқори, чунки бозор ҳар доим Янги товарга эҳтиёж сезади.




4. «Юлдуз» янги товарлари Билан янги бозорга киришда жуда катта таваккал қиласы, чунки у бу бозорда «Юлдуз» эмас, лекин маңсулот янги бўлгани учун имконияти мавжуд.




1	50
2	30
3	40
4	25

«Софин сигирлар» ҳолатидаги корхона


1. «Софин сигирлар» бозорда улуши ўзига етарли, товари сотилади, харидори ҳамиша мавжуд, даромад олади у анъанвий товари билан ўзлаштирган бозорни чуқур эплай олиши мумкин. Таваккали паст, имконияти яхши.




2. Анъанвий товар, янги бозор таваккали катта, чунки ўзининг анъанвий товари ўрта даражада сотиларди, уни янги бозорга тадбиқ қилинишдан юқори фойда олиш қийин.



3. Ўзлаштирилган бозорга янги товар билан чиқиш ҳавфи кам имконияти ҳам етарли.




4. Янги товар янги бозор «Соғин сигирлар» корхона учун жуда муҳим, жуда таваккалилик.




1	30	
2	20	
3	30	
4	20	

«Итлар» ҳолатидаги корхона


1. «Ит» ҳолатидаги корхона анъанавий товар Билан эски бозорга чиқиб, бозорни чукурроқ ўзлаштиришда имкониятлари кам, чунки бозор уни қабул қилинган, товарини янада бозорга чукур тадбиқ қилиш мумкин эмас. Таваккалчилик юқори.




2. Сифатсиз товари билан янги бозорга кириб муваффақиятга эриша олмайди, таваккалчилик жуда юқори.



3. «Ит» корхоналар янги сифатли товар ишлаб чиқаришни, яъни бозорга кирса, у фаолиятни ривожлантира олади. Агарда, унинг товари сифатли бўлса, имкониятлари мавжуд.




4. «Ит» корхона янги бозорга янги товар билан кириб келса, у учун бу фаолият янги бўлиб муваффақиятга эришиши юқори лекин таваккалчилик ҳам юқори.




1	10
2	5
3	15
4	20

«Қийин бола» ҳолатидаги корхона


1. «Қийин бола» корхоналар товари бозорда сотилиши сустлашган бозордан чиқиб кетиш ҳам мумкин ҳам «Соғин сигирлар» га ўтиши мумкин. Бунинг учун товар сотилиши ва сифатини ошириш керак. Агарда ўзгартирмаса бу ҳолат билан юқори имкониятга эриша олмайди.




2. эски товар билан Янги бозорга чиқиш таваккали катта ва «Қийин бола» товари билан муваффақитга эриша олмайди.



3. Эски бозорда «Қийин бола» Янги товар ишлаб чиқарса сотиш таваккали паст, имконияти юқори бозор уни яхши қабул қиласа, «Қийин бола» ҳолатдан чиқиб кетиб, ўзини ўнглаб олиб, «Соғин сигирлар» ҳолатига ўтиши имконияти бор.




4. Янги товар, янги бозорга чиқишида «Қийин бола»лар жуда юқори имкониятга эга ва таваккали ҳам юқори, лекин бу фаолиятда «Қийин бола» аста-аста «Соғин сигирлар» дан, хатто, «Юлдуз» га айланиш имконияти мавжуд.



1	10
2	5
3	20
4	30

12.3. Маҳсулотлар, бозорлар, худудлар, корхона имкониятлари ва истеъмолчилар муаммолари ўртасидаги боғлиқликларини кўрсатувчи модель

Маҳсулотлар, бозорлар, худудлар, корхона имкониятлари ва истеъмолчилар муаммолари ўртасидаги боғлиқлик холатини ифодаловчи матрица.



Амалиётда бошка матрица моделлари ҳам қўлланилади. Масалан, моделлардан бири турли иктисодий шароитда харакатсиз (тургун) бозор, ўзгарувчан бозор, тез ривожланадиган бозор шароитида корхона учун маъқул стратегияни куриб чиқади.

Ушбу моделда бозорнинг турли холатларида ва корхона ички структурасининг ўзгарувчан шароитларга мослашиш имкониятларида амалга ошириладиган мақсадга мувофиқ фаолиятларга эътибор берилади.

Матрицанинг катакларида турли шароитларда тадбиркорга оид ва маъмурий фаолият бўйича тавсиялар келтирилади. Қўйида ҳар бир раҳбар билиши ва амал қилиши лозим бўлган бозор талаблари ифодаланган:

- Бозор жиддий эътиборни талаб қиласи. Бозорни доимо ва ҳар томонлама ўрганинг!
- Ўзингизнинг харидорингизни қидиринг ёки уни яратинг, харидорга маҳсулот кераклигини ҳали ўзи англамасдан олдин, сизга бу маълум бўлиши керак!
- Харидор ўзининг диди ва талабининг ўзгариши, ҳақида олдиндан огоҳлантиришни кутманг. Сиздан бошқа кимдир буни уддалашига йўл қўйманг.
- Агар бозорга чиқиш имконияти мавжуд бўлса, у ҳолда ундан қўпчилик фойдаланиб қолиш мумкинлигини ҳисобга олинг.
- Атроф-муҳитни синчилаб кузатинг ва унинг ўзгаришига дархол муносабатингизни билдиринг.
- Сезгирик яхши, лекин аниқ хисоб-китоб ишончлироқдир!

Таянч сўз ва иборалар: «Маҳсулот-бозор» матрицаси, бозор, худуд, корхона имкониятлари, бозор стратегияси, диверсификация, майдон, бозорларда сотиш стратегияси, инновацион стратегия, бозор иқтисодиёти.

Мустақил шуғулланиш учун саволлар ва вазифалар:

1. «Маҳсулот-бозор» матрицасининг қандай турлари мавжуд?
2. Керакли стратегияни танлаш нималарни баҳолаш асосида олиб борилади?
3. Тўрткатакли «маҳсулот-бозор» матрицаси нимани ифодалайди?
4. «Маҳсулот – бозор» стратегик имкониятининг қандай майдонлари мавжуд?
5. Маҳсулотлар, бозорлар, худудлар, корхона имкониятлари ва истеъмолчилар муаммолари ўртасидаги боғлиқлик холатини ифодаловчи матрица нимани ифодалайди?
6. Раҳбар билиши ва амал қилиши лозим бўлган бозор талаблари нималардан иборат?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
2. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
3. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
4. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образование, МЭСИ – 2000.
5. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.

13. ТАДБИРКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Режа:

- 13.1. Тадбиркорлик фаолиятининг таркиби ва тузилиши
- 13.2. Туризм соҳасида тадбиркорлик турлари
- 13.3. Тадбиркорлик фаолиятини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишда стратегик режанинг аҳамияти
- 13.4. Корхонанинг ички режалаштиришда энг муҳим элементлари
- 13.5. Режалаштириш жараёнларидаги босқичлар

13.1. Тадбиркорлик фаолиятининг таркиби ва тузилиши

Тадбиркорлик – бу жисмоний шахсларнинг ва хўжалик субъектларининг ташаббускор фаолияти бўлиб, мулкнинг новатор фойдаланиши, пул маблағлари ва бошқа мақсадларда муваффақиятга эришадиган фаолиятдир.

Туристлик фаолият миқёсида ишбилармонлик хизматларининг юқори даражалари билан боғлиқ.

Ишбилармонлик субъекти бўлиб, ўз номидан иш кўрувчи ва ўз мулкига жавобгар алоҳида хусусий шахс ёки шериклар билан бирлашган юридик шахслар бўлиши мумкин.

Тадбиркорликнинг 2 та модули мавжуд:

- 1. Классик тадбиркорлик**
- 2. Инновацион тадбиркорлик**

Классик тадбиркорлик – бу анъанавий консерватив тадбиркорлик бўлиб, ташкилотнинг рентабеллик фаолиятини кўтарувчи максимал ресурслардан фойдаланиб анъанавий хўжаликни ташкил қилишdir.

Инновацион тадбиркорлик – новаторлик фаолияти билан боғлиқ. Бу тадбиркорликнинг роли маълум бўлмаган иқтисодий анъаналарга асосланган янгиликни яратиш билан боғлиқ. Бундай новаторлик фаолияти қоидага асосан юқори натижага олиб келади.

Замонавий шароитларда ташкилот яхши фойда олиб самарага эришиши учун ишбилармон, яхши профессионал тайёргарликка, сиёсий, психологик, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш ва хизматларга оид зарур билимга эга бўлиши, шунингдек, мутахассислар, маркетологлар, капитал эгалари билан яхши алоқаларни боғлаши учун тез тил топа олиш талаб қилинади.

Тадбиркорликнинг мажбуриятлари:

- қонунларга таянган расмий фаолиятнинг ҳар қандай саволига мустақил жавоб бера олиши ва қарор қабул қила олиши керак;
- фаолиятга оид барча иқтисодий натижаларни билиши, олдиндан шакланаётган фойдани кўра олиши керак;
- ўзига жавобгарликни олиб, таваккалчилик қилишга тайёр бўлиши керак.

Таваккалчилик деганда – мавжуд имкониятлардан фойдаланиб реализация қилишда ижобий ёки салбий натижаларга дуч келиши тушунилади.

Таваккалчилик ишлаб чиқариш, молиявий, инвестицион ва бозор каби турларга бўлинади.

Таваккалчиликни камайтиришнинг қўйидаги усуллари мавжуд::

- суғурталаш, бозорни башпорат қилиш, шериклар орасида таваккалчиликни тақсимлаш, ҳаражатларни қопловчи маблағларни заҳиралаш;
- ҳар доим инновацион жараёнларга эга бўлиш (хизматларни ишлаб чиқаришда новаторликдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш факторлари, янги бозорлар ва ноанъанавий ташкилотлар фаолияти) ни ҳаракатлантирувчи янгиликларни амалга ошириш, юқори даромадга эга бўлиш кутилади.

Тадбиркорликнинг самарали натижалари у яратган имкониятларидан келиб чиқади. Булардан айримлари қўйидагилар:

Тадбиркорлик муҳити – бу умумий шарт-шароитлар бўлиб, ишбилармонлик натижасида намоён бўлади.

Шароитнинг қўйидаги гурухлари мавжуд:

- иқтисодий шарт-шароитлар бу туристик маҳсулот ва тўлов қобилиятига талабнинг ҳақиқий таклифи, ҳақиқий ва потенциал харидорларга товар ва хизматларни сотишдан тушган даромад, тадбиркорлик учун қарз маблағларининг нақд ҳолати, уларга нақд альтернатив хизматлар ва нархлар, туристик бозорнинг инфратузилмавий ривожланиши, рақобатбардошлиқдаги шарт-шароитлардир.
- ижтимоий шарт-шароит ривожланиш йўлида қилинадиган умумий фаолият ва унга муносабат;
- давлатнинг (бошқарув аппарати) ишбилармонликка муносабати;
- миллий анъаналар ва удумлар;
- тадбиркор муносабатга киришадиган мутахассисларнинг маълумотлилий даражаси.

Хуқукий шарт-шароит – тадбиркорлик фаолиятини ривожланишининг мунтазам фаолиятга қаратилган қонун ва актлар. Асосий қонунлардан бири тадбиркорлик фаолиятига хуқукий кафолат беришdir. У ўз ичига келишилган мажбуриятга амал қилиш ва шахсий хуқуқларни олади.

13.2. Туризм соҳасида тадбиркорлик турлари

Тадбиркорлик фаолиятининг умум қабул килинган таснифида тадбиркорлик қўйидаги турларга ажратилади:

1. Ишлаб чиқариш (иш жараёни)- хизматлар ва бошка маҳсулотларни бевосита яратиш;
2. Тижорат-яратилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача ҳаракат-да воситачилик фаолияти;
3. Молиявий хизматлар ва маҳсулот яратиш максадларида молиявий маблаг туплаш ва ундан фойдланиш буйича маҳсус фаолият тури;
4. Консалтинг (маслаҳат)- умумий бошқарув, ишлаб чиқарувчилар (хизматни яратувчилар) имкониятларини баҳолаш, молияни назорат қилиш, маркетинг буйича масалаларга маслаҳат ва ёрдам бериш билан боғлиқ фаолият.

Тур хизматлар хусусиятларига кура туристлик ташкилотлар фаолиятини шартли равища маълум турга ажратиш мумкин: масалан купгина холларда туроператорлар фаолиятини турмаҳсулотни тайёрлаб, уни кисман яратиш ва истеъмолчига тақдим қилишдан иборат булади. Шу сабабли туроператор фаолиятини шартли равиша ишлаб чикириш тадбиркорларига киёслаш мумкин.

Туроператор - воситачилар тур сотувчилар вазифасини бажаради. Бундан ташкари, улар алохидаги хизмат турлари, масалан: сугурта, консуллик хизматлари ва хоказоларни бажаради.

Контрагентлар – тур маҳсулот истеъмолчилари га хизмат курсатадиган сайёхлик хизматларини бажарувчилардир(мехмоннаоналарда,рестаранларда юк ташувчи, экскурсия ташкил килувчи буюролар ва х.) Яъни хизматлар яратишда фаол иштирок этадиган хамда иш асосида ишлаб чикириш тадбиркорларидир.

Туристлик (сайёхлик) ташкилотлари хизматларни бажариш, сотиш (жумладан чакана савдо) ва ташкилий тайёргарликни муштарак холда юритади.

Консултив тадбиркорлик фаолиятидан туризм соҳасида кенг фойдаланилади. Туристлик хизматларининг таркиби канчалик мураккаб ва сифати канчалик юкори бўлса, туристлик хизматларини яратиш амалга ошириш жараёнига шунчалик жалб килинади. Мисол учун, клубга доир хордик(таймшер) куйдаги иштирокчилардан фойдаланади: промоутерлар (лоихани ишлаб чиқарувчилар), сотув буйича мутахасислар, курортларни бошкарувчилар, клубга доир хордик алмаштириш буйича мутахасислар.

Тадбиркорлик гояси – иктисадий фаолликнинг тадбиркор томонидан топилган янги шакли булиб унда маълум хизматлар(ёки товар маҳсулотлар)ни яратиш ва киритилган янгилик(инновация)дан кушимча даромад олиш мужассамлашади. Тадбиркор фаолиятини хизматлар яратиш ёки воситачиликни асосий ёки кушимча жихатини ташкил қилиш мамкин булган гоялар захирасини яратишни такоза этади. Гоялар тупланиши жорий ва истиқболли хусусиятларга эга булиши мумкин. Хар бир гояга биноан тадбиркор карор кабул килади уни амалга оширишга киришиш ёки киришмаслиги мумкин. Карор кабул қилиш жараёни хар бир тадбиркор томондан мавжуд мукобиллардан битта вариант танлашни уз шахсий технологияси буйича умуман куйидагича:


1. Амалий руёбга чикириш масаласида тадбиркор томонидан гоянинг биринчи баҳоси.
2. Амалиёт нуктаи назардан гояни бохолаш учун бозордаги вазият хакида маълумот туплаш.
3. Ишлаб чикиришга эҳтиёж тугиладиган хизмат (товар) ларга туристлик бозоридаги талаб ва таклиф обьекти, мукобил хизматлар яратишга эҳтимолли нарх, даромад хажми ва хизматларни яратиш самараси ва хоказоларни аниклаш учун тадбиркорлик хисоб китобини утказиш.
4. Иккинчи эксперт баҳолаш жалб килинган мутахасислар билан мувафаклигини урганиш максадида кузланади.
5. Гоя устида ишлашни давом эттириш ёки уни ташлаб, тадбиркорлик гоясини ишлаб чикиришга киришиш карорига келиш.

Қабул килинган ғояни амалга ошириш ҳам бир неча босқичларда амалга оширилади:

1. Лойихани амалга оширишнинг аник хисоб- китобини муфассал баён этишдан иборат бизнес режалаштириш. Бизнес режада шунингдек тадбиркорликнинг ташкилий шакли ва ғояни амалга ошириш ни бошлангич босқичи учун зарур пул маблаглари туплаш манбалари ҳам курсатилади.
2. Карз пул маблагари ва ҳамкор шериклар жалб қилиш
3. Агар илк ташкил этилаётган булса, хусусий фирма (ташкилот)ни давлат руйхатидан утказиш.
4. Фирмани товар (хизмат) лар яратишга ташкилий-техник таёrlаш.
5. Фаолият юритаётган фирма ва ҳамкорлик алокаларини бошкариш.

Тадбиркорлик ғоясини амалга ошириши ғояни амалга оширишга киришилган пайтда режалаштирилган натижага эришилганда омадли хисобланади. Тадбиркорлик мувоффакиятини хозирги кунда уз урини мустахкамлаш ва воеалар йуналишини узгартиришга интилиш билан бөгликтен тушунилади. Тижорат мувоффакияти тадбиркорлик омадига хамоханг булади, аммо тадбиркорлик фаолиятида асосий максад сифатида курилмайди. Тадбиркорлик мувоффакиятининг бундай тушунилиши тадбиркорлик маданиятига узаро уйланган ва реал ақидалар ҳамда кадриятлар хакидаги тассаввур тизими сахифасида таянади. Бу эса юкори нуфузни таъминлайди ва товар (хизматлар)яратиш ҳамда дарамаднинг ошишига ёрдам беради.

Туризм - тадбиркорликнинг ранбаранг турларини ўзида жамланган қудратли саноат. Сайёхлик хизмати курсатиш соҳасида кўплаб корхоналар, ташкилотлар ва фирмалар ўз қўлланилишини топади. Статистика нуқтаи назаридан туризм соҳасидаги тадбиркорлик турларини 13.1. расмда кўриш мумкин:



Расм 13.1. ГКТ - глобал компьютер тармоқ (бронлаш ва резервлаш тизими)

Мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм соҳаси ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар қуйдагилардир: меҳмонхона бизнеси, транспорт сайдхлик агентликлари, туроперейтинг ва глобал компьютер тармоқ системасида бронлаш ва резервлаш (ГКТ). Меҳмонхона тадбиркорлиги ҳар

қандай турмаҳсулот учун асос бўлиб хизмат қиласи. Саёҳат ёки ҳар дақиқанинг туридан қатъий назар жойлаштириш ҳар доим хизматлар мажмуига киради. Инсон ўзи шундай, у бир кеча-кундузда бир марта дам олиш, келган жойида тўлаш имкониятига эга бўлиши зарур. Турли кўриниш ва хизматларнинг турли даражаларига эга меҳмонхона ташкилотлари кўрсатадиган асосий хизматларлардан иборат. Шу сабабли у ёки бу минтаقا, саёҳлик марказида меҳмонхоналар мавжудлиги туристларни қабул қилиш имкониятига таъсир қиласи. Бундан ташкари меҳмонхона хизматларининг даражаси ва меъёрлари умуман туристларга хизмат кўрсатиш меъёрларига таъсир ўтказади.

Транспорт хам ҳар қандай саёҳатни узвий қисми ҳисобланади, чунки у масофа-вий ҳаракатни таъминлайди. Транспорт ана шу ҳаракатни анча енгиллаштаришга ёрдам беради. Замонавий транспорт туристларга саёҳат мобайнида ҳар қандай, хатто энг узок масофаларга хам, анча қиска фурсатда етказиб бериш имкониятини бермоқда. Транспорт шунингдек, экскурсия ва трансфер учун хам зарур. Минтакаларга етишиш, катнов частотаси, хизмат сифати ва даражасига кура транспорт имкониятлари саёҳлик оқимоарининг кучайишига таъсир қиласи.

Туроперейтинг – туристлик маҳсулотини шакллантириш ва уни истеъмолчиларга тақдим қилишни ўз олдига максад килиб куйилган сайёҳлик ташкилотидир. Чакана туроперейтинг имкониятлари сайёҳлик таклифлари таркалиши, уни танлаш имкониятлари, сайёҳларга хизмат курсатиш буйича ракобат меъёрларига таъсир қиласи.

Турагент – туристлик маҳсулотларни сотиш буйича ташкилотлар туристлик дуконлари демак. Уларнинг имкониятларидан ишончлилиги ва конпатентлигидан истеъмолчилар танлови белгиланади, демак сайёҳлик бозори имкониятлари хам шунга боғлиқдир. ГКТ- глобал компьютер тармок(бронлаш ва резервлаш тизими) туристлик бозорига XX асрларнинг 90 йиллари бошида оммавий тарзда критила бошлади. Улар турмаҳсултни сотишнинг катта имкониятли мукобил канал вазифасини уташи мумкин. Ҳозирданок шундай тармоқлар ёрдамида туроператорлар томонидан бозорнинг каттагина қисмини эгаллашини башорат килувчи мутахассислар тадқиқотлари мавжуд. Бироқ худди шу мутахассислар туроператорлар ва турагентлар бозорида ўз ўринларини маҳсус ташкилотлар ва савдо маслаҳат пунктлари сифатида топади ва қола билади деб таъкидлашмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маълумот оқимининг тезлашуви ва танлаш ҳамда буюртма бериш имкониятларининг кенгайиши компьютер тизимининг туризм соҳасидаги қўшган катта ҳиссаси ҳисобланади.

13.3. Тадбиркорлик фаолиятини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишда стратегик режанинг аҳамияти

Сиз тадбиркорлик асосида ўз корхонингизни очдингиз – баракалла! Энди ишни олиб бориш керақ, ишлаб – чиқаришни ташкил қилишга тўғри келади...

Ишлаб-чиқариш, иқтисодиётни, технологияни, ташкил қилиш жиҳатидан мукаммал жараён ҳисобланади.

Тадбиркор ўзини ҳамма жойда керакли эканлигини, усиз бирон-бир муаммони хал қилииш мумкин эмас деб ўйлади. Ҳақиқатдан ҳам бошида шундай бўлади. Лекин бир вақтни ўзида бир неча ишларни зиммасига олиши, ҳамма жойда улгуришга харакат қилиш, баъзан имконият доирасидан чиқиб кетиши, омадсизликка олиб келиши мумкин.

Тадбиркор бошқалар ундан кўра яхшироқ қиласиган ишларни зиммасига олиши керак эмас. Тадбиркор команда тузатган пайтда ўзининг тадбиркорлигини кўрсатган ҳолда, атрофини ҳақиқий мутахассислар билан тўлдириши, ишлаб-чиқариш бўйича, маҳсулот сифати бўйича, таъминот бўйича, меҳнат муносабатлари бўйича, савдо бўйича, юқори малакали мутахассисларга ишонмоғи ва маслаҳатчилар хизматига мурожаат қилмоғи лозим.

Ўзига бевосита таллукли бўлган масалаларни олиб қолиши керак. Тадбиркор-бу ишни ташкил этувчи ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини ва ишлаб-чиқаришни ташкил қиласи.

Ташкил қилиш – мақсадни аниқлаш, ресурслардан шу мақсадга эришиш учун оқилона фойдаланиш демакдир.

Ташкил- қилиш бу масалани хал қилиш йўлини аниқлаш, уни бевоста ижрочиларга етказиш ва уни бажарилишини назорат қилиш.

Ташкил- қилиш бу қарорлар қабул қилишни билиш, мажбурият ва масъулиятни тақсимлашда адашмаслик.

Ташкил қилиш- бошқаришни режалаштириш ва уни таҳлил қилиш. Бунда тадбиркорнинг таланти, сезгирилиги кам, бунинг учун чукур билимга эга бўлиши керак.

Ўзининг масштаби ва иш фаолиятидан қатъий назар ҳар қандай ташкилот ҳам режалаштириш ишлари билан шуғулланиши керак.

Режалаштириш дегани ташкилотнинг маълум келажакга йўналтирилган мақсадини аниқлаш, усулларини таҳлил қилиш ва керакли ресурслар билан таъминлаш.

Агар узоқ муддатли режалаштириш катта фирмалар фаолияти миқёсида бўлса, ҳар кунги ёки жорий режалаштириш ҳар қандай корхонанинг бошқарув элементи бўлиб ҳисобланади. Бундай режалаштириш ўз ичига маълум дастурларни тайёрлашни қамраб олади масалан, уларга капитал маблағларни йўналтириш дастури, маҳсулот сифатини ошириш дастури, илмий ишлаб чиқариш ва конструкторлик ишлари дастури ва х. к.

Корхона миқёсидаги режалаштиришнинг умумий холати 13.2. расмда кўрсатилган.

Расм 13.2. Корхонанинг ички режалаштирилиши:



13.4. Корхонанинг ички режалаштиришда энг муҳим элементлари

Корхонанинг ички режалаштиришнинг асосий элементлари қуйидагилар:

Башорат қилиш: Башорат қилиш алоҳида тармоқлар, миллий иқтисодиётни ва бутун минтақани келажак ривожини ўрганишини ўз ичига олади. Шундай йўл билан йирик компаниялар ўзининг ривожланишининг умумий мақсадларини бутун ва алоҳида бўлимларга ажратадилар. Корхонанинг ички режа башорат қилинишининг элементи тўғридан- тўғри маркетинг билан боғлиқ бўлган ҳолда корхонанинг бозор стратегияси формасини қабул қиласди. Албатта бундай шароитда ҳар қандай корхоналар ишлайвермайди. Чунки буни амалга ошириш учун етарли ресурслар, тажрибали ходимлар билан таъминланган бўлиши ва ахборот базаси яхши йўлга қўйилган бўлиши керак.

Масаланинг қўйилиши. Умумий масаланинг қўйилиши башорат қилиш базасида яратилади ва уни амалга ошириш учун керакли ресурслар билан таъминлаб, тахминий муддати белгиланади.

Режага узгартириш киритиш. Дастурлаш пайтида режани амалга ошириш муддати аниқланади. Дастурни алоҳида босқичлари – билан боҳлаш, ишлаб чиқариш ва савдо операциялари бир-бирига бокланган ҳолда амалга оширилади.

Бюджетни ташкил қилиш. Дастур ресурсларни бўлинмалар орасида тақсимлаш ва ҳар турдаги бюджетларни ташкил қилиш асосида тузилади.


Бюджет бу – рақам ҳолатидаги режа бўлиб, пул ёки натурал ифодасидаги даромад ва харажат баланси ҳисобланади.

Асосий турдаги бюджетга кирим ва чиқим сметаси, хом-ашё харажат сметаси, капитал харажатлари сметаси, касса бюджети (нақд пул кирими ва тушумини таҳмин қилиш) ва бошқалар. Шу йўл асосида ҳар бир бўлинманинг аниқ функциялари, ижро этувчилари ва алоҳида операциаларга масъуллар аниқланади.

13.5. Режалаштириш жараёнларидағи босқичлар

Режани амалга ошириш. Оҳирги босқич бу - қилинган қарорларни қўйи табақаларга узатиш. Шу ҳолатдан сўнг режани амалга ошириш амалиётда бошланади.

Агарда стратегик характеридаги узоқ муддатли режа бутун корхона даражасидаги фаолият натижаси бўлса, у ҳолда қолган режалаштириш босқичлари асосан бўлинмалар даражасида бўлиб ва бир-бири билан боғланишини талаб қиласди.



Расм 13.3. Стратегик муаммоларни таҳлил қилиш

Биринчи босқичда Сиз корхонангиз қайси бозорда ишлашига қараб, ўша бозорни таҳлил қилинишгиз керак. Таҳлил икки ёқлама бўлиши шарт. Сиз корхонангизни иш фаолиятини ўша бозорда яхши томондан ҳам ва ёмон томондан ҳам кўришингиз керак. Лекин шуни ҳисобга олишингиз лозимки, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида қатор муаммоларга дуч келасиз: харидорларни талаб ва таклифларини ўзгариши, илмий-техникавий янгиликларнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасининг ўсиши, бозор ва рақобатчиларнинг стратегиясини ўзгариши, маблағ етишмаслиги қийинчиликлари ва х.к. Шунинг учун иш фаолиятингизни яқин бир-беш йилга башорат қилинг. Сизнинг корхонангиз шундай бозор шароитига мослаша оладими?

Агар сиз қониқарли жавоб олсангиз, кейинги режалаштириш босқичига ўтишингиз мумкин.

Қандайдир мақсадни олдингизга қўйиш учун, ички имкониятларингизни ҳисобга олиш лозим. Энг муҳими корхонангизни бозор ўзгариши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда кучли ва кучсиз томонлар каталогини тузиб чиқиш таклиф этилади. Бу каталог орқали сиз етиша олмайдиган мақсадларни аниқлаш мумкин. Қунт билан қўйилган масалаларни ўрганиб чиқиб, энг қисқа муддатда ҳал қилинадиган ва уларнинг муҳимроғини танлаб олиш лозим.

Тадбиркорликда ривожланишнинг энг маъқул вариантини топиш

Учинчи босқичда тузилган каталог ёрдамида Сиз корхона ривожи учун моддий ва ташкилий маблағларни аниқлаб оласиз. Айниқса учта муҳим қўрсаткичларга аҳамият беринг: корхонанинг бозордаги ўрни, корхонанинг ҳўжалик секторига ва тармоқга тегишлилиги, ишлаб чиқариш дастурининг ассортимент структураси.

Бу энг қийин босқич ҳисобланиб, ўзидан олдинги икки босқичда қилинган барча маълумотларни ўз ичига олиб, корхона иш фаолиятини барча имконияти билан таҳлил қилинади ва ривожланиш учун энг маъқул варианти танлаб олинади.

Корхона ва ички бозор миқёсида олдиндан барча ўзгаришларни билиш имконяти йўқлиги, ривожланишнинг энг маъқул вариантини танлаб олиш масаласи мураккаб ҳисобланади.

Иқтисодий таваккални ўсиши ва кўпчилик бозорларни башорат қилишни иложи йўқлиги муносабати билан умумий стратегик мўлжал ва корхонанинг ривожланишини башорат қилиш экстраполяция, (келажакни ўтган замон тажрибасига асосан кўра билиш) йўли билан аниқланади. Бунда асосан турли ишларга масъулиятли бошқарувчи ва менеджернинг ички ҳиссиёт ва тажрибаси муҳим роль ўйнайди.

Иккинчи ва учинчи босқичларда бошқарув ва ишлаб чиқаришни режалаштириш жараёнида қўшимча мутахассисларни жалб қилиш талаб этилади. + ўшимча иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилар ёки маслаҳатчи гуруҳ ёлламақчи бўлсангиз (агар сизни маблағингиз етарли бўлса), яхшиси ўзингиз билан бир неча йил давомида ишлаган, билган одамни ёллаш мақсадга

мувофиқ бўлади. Бундай мутахассислар сизни имкониятларингизга объектив баҳо бера оладилар ва кутилмаган ишлардан огоҳлантирадилар.

Ҳозирги пайтда режалаштириш, бошқариш, маркетинг ва инновацион ривожланиш бўйича мутахассислар гуруҳи билан шартнома тузиш деярли қийинчилик туғдирмайди. Кўпгина консультация бўйича ишлайдиган фирма ва бюролар «ёш» тадбиркорлар билан боғланишга шай туришади. Мутахассис-консультант танлашда жиддий муаммога дуч келмаслик учун жуда эҳтиёткорона йўл тутишингиз керак яъни, Сиз ўзингиз консультация бўйича хизмат кўрсатиш бозорида харидор бўлиб қоласиз ва қиммат баҳода «сифатсиз» маҳсулот олиш хавфи келиб чиқади. Шошилманг ва иложи бўлса ёнингиздаги ҳамкасбингиздан маслаҳат олинг.

Таянч сўз ва иборалар: Тадбиркорлик стратегияси, классик тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, таваккалчилик, тадбиркорлик мухити, тижорат, консалтинг, контрагентлар, туроператор, туристлик, консултив тадбиркорлик, туризм, глобал компьютер тармоқ, бронлаш, резервлаш тизими, транспорт, туроперейтинг, турагент.

Мустақил шуғулланиш учун саволлар ва вазифалар:

1. Тадбиркорлик фаолиятини ва ишлаб-чиқаришни ташкил қилишда стратегик режанинг аҳамияти нимада?
2. Корхонанинг ички режалаштиришда энг муҳим элементларини санаб ўтинг.
3. Режалаштиришда қандай боскичларини биласиз?
4. Ривожланишнинг энг маъқул вариантини топиш учун нималарга эътибор бериш керак?
5. Стратегик муаммоларни қандай таҳлил қилиш мумкин?

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент: Узбекистан, Т., 1999 .
2. Запесоцкий А.С. Стратегический маркетинг в туризме: Теория и практика, СПб.: СПбГУ П. 2003. — 352 с.
3. Ушаков Д.С. Стратегическое планирование в туризме. Учебное пособие., ФЕНИКС., Растов н.Д. 2007.
4. Мескон Н.К. Стратегическое управление туристской фирмой. – М., 2000.
5. Дурович А.П. «Маркетинг в туризме» М. Институт дистанционного образование, МЭСИ – 2000.
6. Петросов А.А. Стратегическое планирование и прогнозирование. Учебное пособие М.; 2001.
7. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Услубий қўлланма. СамИСИ 2009.
8. Интернет сайтлари:
 - <http://www.tourlib.columb.net.ua/lib.htm>
 - http://www.tourlib.columb.net.ua/Lib/Books_tourism/bogolubov.htm

144,1,142,3,140,5,138,7,136,9,134,11,132,13,130,15,128,17,126,19,124,21,122,23,1
20,25,118,27,116,29,114,31,112,33,110,35,108,37,106,39,104,41,102,43,100,45,98,4
7,96,49,94,51,92,53,90,55,88,57,86,59,84,61,82,63,80,65,78,67,76,69,74,71

2,143,4,141,6,139,8,137,10,135,12,133,14,131,16,129,18,127,20,125,22,123,24,121,
26,119,28,117,30,115,32,113,34,111,36,109,38,107,40,105,42,103,44,101,46,99,48,9
7,50,95,52,93,54,91,56,89,58,87,60,85,62,83,64,81,66,79,68,77,70,75,72,73